

Мирзакарим НОРБЕКОВ

ЎЗ УСТИНГДА
ИШЛА

Норбеков
Мирзакарим



УЎК: 334.722

КБК: 88.37

Н – 79

Норбеков, Мирзакарим. Ўз устингда ишла: қайта
ишиланган иккинчи нашр – Тошкент, Adabiyot
uchqunlari: 2015. 200 б.

ISBN: 978-9943-987-94-4

УЎК: 334.722

КБК: 88.37

Ушбу китоб тиббиёт дарслиги эмас. Ундаги барча
тавсиялардан даволовчи шифокор билан бамаслаҳат фойдаланиш
керак.

А Г Ш Н

Рус тилидан
Мехри БОНУ таржимаси

Тақризчилар:

Анзиратов Ф.К., тиббиёт фанлари доктори

Бобобеков Х.Н., Турон фанлар академияси ва Лейбниц номидаги
Европа табиий фанлар академияси академиги,
тарих фанлари доктори

ISBN: 978-9943-987-94-4

© НОРБЕКОВ М.С., 2015

© «Adabiyot uchqunlari», 2015

Муаллифиниң кириш сүзі

Азиз китобхон!

Сизни огоҳлантиришга мажбурман!

Сүнгги йилларда менинг номимдан турли мавзудаги үнлаб китоблар нашр этилмоқда. Норбеков услуги үндай, Норбеков услуги бундай, кенгайтирилган, түлдирилган, мукаммаллаштирилган, жадаллаштирилган ва яна қанақалари бор, худо билади!

Бир неча йил олдин чеккароқ ҳудудлардан бирида қандли диабет касаллигини даволаш ҳақидағы, муқовасида менинг номим күрсатилған, лекин МЕН ЁЗМАГАН китоб нашр этилған. Мен нима ҳақда гапираёттганимни тушунгандырысиз? Уйимда бундай китоблардан бутун бир кутубхона пайдо бўлган.

Яқинда эса «Норбеков услуги тўлиқ курси» номли яна бир китоб пайдо бўлди. У чиройли муқоваси билан кишини ўзига жалб этади. Сизларга тушунарли бўлиши учун сўзларимни изоҳламоқчиман.

Мен сизларга тавсия этмоқчи бўлганим асли меники эмас. У умуман ҳеч кимга тегишли эмас, битта одамга тегишли бўлиши мумкин ҳам эмас. Бу билимлар менга устозларимдан, устозларимга эса уларнинг устозларидан ўтган. Минглаб йиллар давомида шу тарзда ўтиб келган. Бу услугнинг негизида узоқ ўтмишдан келаётган кўхна билимлар мужассам. Шу даражада юксак шаклланган дунёқараши англашга ҳар ким ҳам қодир эмас!

Хозир икир-чикирларигача изоҳлаб ўтирмайман-у, лекин битта гапни айтишим мумкин. Мураббий даражасига етиш учун шогирд қирқ йил таҳсил олади! Тасаввур қиляпсизми?! Уни бу машақатли йўлга йўллашдан олдин эса уч йил шогирдликка тайёрлашади. Сўнгра яна ўн икки йил тайёрлаб, ана ундан кейингина ҳақиқий таъ-

лим бошланади. Устоз қалбидаги ҳикматларни мисқоллаб шогирдининг қалбига узатади.

2002 йил ёзда мен шогирд тушганимга ўттиз йил тўлди. Бу билан нима демоқчиман? Бир томондан, мен ўзим ҳали таълим олишни тугатганим йўқ. Бошқа томондан эса, эгаллаган билимларимнинг ўн фоизини ҳам шогирдларимга бера олганим йўқ. Қоғозга тушириш ҳақида эса умуман гапирмаса ҳам бўлади! Хўш, марҳамат қилиб айтинг-чи, у ҳолда ТЎЛИҚ КУРС қаердан пайдо бўлиши мумкин?! Тўлиқ курс ҳақида мен гап бошланим ҳам йўқ. Мен бунга тайёргарлик кўраяпман, тайёрланаяпман ва яна тайёрланаяпман. Чунки бу иш бутун ҳаётимнинг маъноси.

Услуб ҳақида менинг номидан ва шу орқали мен ҳақимда китоб ёзаётган инсонлардан миннатдердан, лекин айтмоқчиманки, ўзим бу китобларни БУТУНЛАЙ БОШҚАЧА ёзган бўлардим!

Улар бутунлай бошқа нарсаларни ёзишган! Ўзгалар хизматини ўзлаштироқчи эмасман. Мен ҳақимдаги мулоҳазалар ўзимнинг асарларим асосида тузилса яхши бўларди. Менинг ҳақиқий китобларимни ilk саҳифалариданоқ таниб оласиз.

Эркак бўлсангиз, дастлаб дўстона қўл сиқиб қўйганимни, аёл бўлсангиз, у ҳолда қўлингиздан олган бўсамнинг тафтини ҳис қиласиз... шундан кейингина бошингизга мушт ва кетингизга шапатини олаверасиз. Сизда юзага келадиган бундай ғалати ҳолат китобни айнан мен ёзганимни билдиради.

«Саломатлик ва навқиронликка қайтиш. Эркаклар ва аёллар учун амалий қўлланма» китоби менинг рус тилида ёзган биринчи ночор тажрибам.

Унинг кетидан қайта ишланган ва тўлдирилган «Навқиронлик ва саломатлик йўли. Эркаклар ва аёллар учун амалий қўлланма» китоби нашр қилинди. Қайта ишлаш менинг розилигимсиз амалга оширилгани сабабли китоб жонсиз чиқкан.

Лекин «Саломатлик қалити ёхуд қўзойнаксиз ҳаёт сари» китоби биринчи севимли фарзандим, биринчи ёқимли, ёрқин ва соф муҳаббатим.

Ўзимнинг ҳамлаларим билан дилингизни ранжитиб қўйишдан хавотир олиб қўркувдан қалтирасамда, қалбим амрига қулоқ тутган ҳолда, китобни қандай ёзган бўлсам шундайлигича нашр қилдирдим. Бу китобда менинг асл қиёфам ўз аксини топган. Мана шу китоб менинг ташриф қофозим ва сиз учун келажакда аниқ йўналишни кўрсатувчи асосий белги! Яқин келажакда эса қатор китоблар рукнини режалаштирганман, уларнинг ҳар бирида сизга айтмоқчи бўлган гапларим бисёр.

Кўлингиздаги ушбу китоб биринчи китобларим «оҳангиде» ёзилган. Бу дарслик, янада аникроқ айтадиган бўлсак, қўлланма хасталиклари билан видолашишга тайёр бўлганларга, ўз устида астойдил ишлашга қарор қилганларга, руҳият кучи, ирода кучи нималарга қодир эканлигини билмоқчи бўлганларга мўлжалланган.

Сизнинг фикр-мулоҳазаларингизни инобатга олиб, тўп-тўп иш тажрибамдан келиб чиқсан ҳолда ушбу нашрга баъзи бир тўлдириш ва ўзгаришларни киритишни жоиз деб билдим. Умид қиласманки, бу китоб сизга фойда келтиради. Шундай гап бор: «Кўлидан иш келмаган одам ақл ўргатади, уни ҳам, буни ҳам эплолмайдиган одам эса китоб ёзади». Нима ҳам қиласмадим, афсуски, мен ишлашни биламан?!¹

Сизни чин юрақдан севувчи,
Мирзакарим Норбеков

¹Бугунги кунда Мирзакарим Норбеков қаламига мансуб ҳақиқий китоблар:

«Саломатлик қалити ёхуд кўзойнаксиз ҳаёт сари», «Миллион текин маслаҳат топиш йўли ёхуд жўжалар қаерда қишлияди», «Верни здоровье и молодость. Практическое руководство для мужчин и женщин», «Дорога в молодость и здоровье. Практическое руководство для мужчин и женщин», «Норбеков машғулотлари», «Тренировка тела и духа», «Успех на вашу голову, или как его избежать», «Энергетическая клизма, или Триумф теты Нюры из Простодырова», «Рыжый ослик, или Превращения».

Кириш

Минг бир табиб минг бир йўлни тавсия этади, лекин уларнинг ҳаммаси ёшлиқ ва саломатлик маскани томон етаклайди. Бу гапни қадимги донишмандлар айтишган. Улар бизнинг тушунчамиздаги илмий иш билан шуғулланишмагандир, аммо ўзликни англаш йўлида жуда кўплаб кашфиётлар қилишган. Ана шундай қилиб, улар деярли ташқи таъсирларсиз хасталикни бартараф эта олишган.

Эндилиқда бу йўлда олдимизга жуда кўплаб тўсиқлар қўйилган. Юксак маданиятга эришган замонавий одам, ҳаётнинг юзаки табиати ҳақидаги билимлар юки остида қолиб кетган, лекин ўзининг ички моҳияти борасида мутлақо билимга эга эмас. Унинг хатти-ҳаракатлари бунёдкорликдан йироқ. Иш фаолиятида – кимдир ҳаракатга келтираётган механизмдаги винтча бўлса, уйда эса – таом, қувват, дорининг истеъмолчисидир. Замонавий одам баджаҳл, кўрқоқ, ташаббуссиз, касалманд бўлиб қолган. Ўзгалар ёрдамисиз қийинчиликлардан чиқиб кетолмайди. Ҳа, бу шундай. Ўзини-үзи даволаш, соғлигини тиклаш илмидан бехабар.

Бу китобнинг мақсади сизни – ўзингизга қайтариш. Кимдир шифокорга айтган экан: «Ўзингни давола!» деб. Мен бу иборани ҳар бирингиз учун мўлжалланган мурожаат бўлишини истардим, чунки ҳар бир инсон ўз соғлигининг ҳайкалтароши ва ҳукмдори бўла олиш имконига эга.

Устозларим билими асосидаги ушбу услугуб йўналишида ишлаш баҳти насиб этганига ҳам мана ўн йилдан

ошиб кетди. Бугунги кунда бу услугб инсон табиати бо-расидаги кўҳна тадқиқотлар билан бирга инсон вужудининг имкониятлари ҳақидаги замонавий тасаввур-ларни ўзида бирлаштиради.

Бу тизим 18 та муаллифлик услубини ўз ичига олган бўлиб, тўлалигича патентланган. Бунда ҳеч қандай экстрасенсорик ва гипноз таъсирлари, супер дори-дармон ва даволаш воситалари таклиф этилмайди. Бу услуг шунчаки беморга хасталикни енгиб ўтиш учун қайси йўлдан юриш кераклиги борасида йўл-йўриқ кўрсатади холос.

Клиник тадқиқотлар ва кўп йиллик иш тажрибалири шуни тасдиқладики, услуг меъда-ичак, юрак-қон томирлари касалликларини бартараф этишда, асад, эндокрин, сийдик ва нафас аъзолари, лимфа система-си, иммунитетни созлашда ажойиб натижаларга эришди.

Ярадан кейинги чандиқлар, битишмалар, чурралар (грижалар), теридаги атрофик чизиқлар ва теридаги бошқа нуқсонларни бартараф этиш устида ишланади, шу билан бирга кўплаб янги пайдо бўлган хавфсиз ўсмалар ҳам сўрилиб кетади.

Моддалар алмашинуви, кўриш ҳамда эшитиш қобилиятини ва бошқа сезги аъзоларини созлаш механизми-лари ишга туширилади, ҳаракат таянч аппарати тикланади ва меъёрга келтирилади.

Айнан шу жараёнлар расмий амалиётда бедаво деб ҳисобланган эшитиш, кўриш нерви неврити, хавфсиз ўсмалар (айниқса, гинекологик муаммолардан бўлган киста, миома) ва бошқа хасталикларни енгиб ўтишда ёрдам беради.

Ҳозирги кунда бу услугб асосида кўплаб россиялик, истроиллик, германиялик, америкалик мутахассислар иш олиб боришишмоқда ва ажойиб, ҳаттоқи камдан-кам учрайдиган ҳодиса деб тан олинган натижаларни қўлга киритишишмоқда.

Мен буларни сизга ушбу нашрга бўлган қизиқишин-гизни кучайтириш ниятида айтиётганим йўқ, шунчаки, менинг фикримча, ўзини-ўзи даволаш машқлари-

ни ўзида муваффақиятли равищда тадбиқ этиш ҳақидаги маълумотларнинг китобдаги баёни сизда ўзингизга бўлган ишончнинг ортишига ёрдам беради. Фалабага бўлган ишонч ва интилиш – ҳаётнинг асосини ташкил этувчи иккита муҳим омил. Ишончсизлик иродани йўқ қиласи, ҳамма нарсага нисбатан бўлган ишончсизлик ортида йўқлик туради.

Ўзининг касаллигини бедаво эканини одам қаердан билади? Шунчаки унинг ҳаётида кўплаб умидларни пучга чиқарган ҳолатлар ва мағлубиятлар бўлган-дир ва ана шу ортирган тажрибалари унга бу хасталиқдан қутулиш йўли йўқ, деб пичирлаётгандир. Лекин айни дамда халос бўлишнинг йўли бор ва бу миллиондан ортиқ инсонлар босиб ўтиб, муваффақият билан ўз соғлигини ва бардамлигини тиклай олган йўлни кўрсатмоқда. Бу натижаларга эришишда озми-кўпми ёрдамим текканидан бахтиёрман.

Бошлиётган ишингизда омад ва кувонч ёр бўлсин!

БИРИНЧИ ДАРС

1. Ҳалуб мөҳимати

2. Шакиқтар, насиҳатлар ва қомдагар

1. Ҳалуб мөҳимати

Ҳурматли китобхон! Сиз ўзингизга савол бериб кўрганмисиз, нима учун замонавий одамлар цивилизация шу даражада тараққий этган бир пайтда ҳам қасал бўлмасликка эриша олмаяпти?

Бунга сабаб нима? Нима учун кўплаб касалликлардан бутунлай ҳалос бўлиб кетолмаяптилар?

Ҳайвонлар ҳар доим ўз инстинктларига қулоқ тутган ҳолда иш тутади, улар ўзларига зарар келтириши мумкин бўлган йўналишда ҳаракатланмайди. Барча ҳаракатларидаги йўналиш соғлом ва бақувват бўлиш учун кераклиги уларга табиатан берилган ва бу йўлда улар бехато ҳаракат қиласди.

Ҳар бир вужуд, ҳар бир тирик мавжудот ўзини ҳимоя қилиш тизимиға эга. Масалан, кўз ёшлари кўзга тушган хас-чангларни ҳеч қандай ташқи таъсирларсиз ювиб ташлайди. Теридаги яра ва тирналган жойлар битиб, синган жойлар тузалиб, гематомалар эса сўрилиб кетади. Вужудингизнинг ўзи бу муаммоларни қандай бартараф этишни билади. Бу эса ўз навбатида вужуддаги анча жиддийроқ ҳасталикларни ҳам бартараф этиш имкони мавжуд дегани эмасмикан?

Шарқ табобати бунга албатта мумкин деб жавоб беради. Қадимда даволовчи табиблар касалликка – вужуддаги қувватлараро мувозанатнинг бузилиши сифа-

тида қарашган. Түғри олиб борилган ҳаёт тарзи ҳимоя кучини керакли тарзда ушлаб тура олади. Касаллик эса вужуднинг бирор қисмида ҳимоя кучининг заифлашганини ёки дарз кетганини кўрсатади. Дарз кетиш сабаби бартараф этилиши билан мувозанат тикланади – касаллик ҳам изсиз йўқолади. Бу жараёнда беморнинг ҳам жисму жони билан тузалиш йўлидаги фаол иштироки табийй деб ҳисобланган.

Замонавий Farb тиббиёти кўп ҳолларда касаллик симптомларини – аломатларини бартараф этишга қаратилган. Уни ҳатто симптоматик тиббиёт деб ҳам аташади. Даволаш жараёнида эса одатда бемор иштирок этмайди.

Бизнинг вазифамиз – касаллик билан курашиш учун вужуднинг ҳимоя кучларини ишга тушириш, ана шунда бу «кураш»нинг хотимаси олдиндан ҳал бўлади, чунки бизнинг ички захира кучларимиз деярли битмас туганмас. Ҳа, ҳа, бу ҳақиқатан ҳам шундай, бунга ҳеч ҳам шубҳаланмаслигингиз мумкин.

Бу улкан қучлар қаерда жойлашган бўлиши мумкин?

Қалбимизнинг туб-тубига беркитилган.

Агар сиз буни беъманилик деб ҳисобласангиз, бундай имкониятларнинг мавжудлигига ишонмас экансиз, у ҳолда бу китобни ўқишида давом этмаганингиз маъқул. Лекин қалбингиз тирик ва идрок қилишга очиқ бўлса, у ҳолда бу йўлни биргаликда давом эттирамиз. Олдиндан огоҳлантиришимиз керак: бу китоб даволовчи эмас, қўлланма. Китоб сизга нима қилиш ва қайси томонга юриш кераклигини айтиб туради, қўлга киритиладиган натижалар эса ўзингизга, ҳаракатингизга, интилишингизга боғлиқ. Бошқача айтадиган бўлсак, соғлом бўлиш, фаровон ҳаёт кечириш, баҳтли бўлиш сизнинг мақсад сари интилиш даражангизга, виждонлилигингизга, ички интизомингизга, сабоқни ўзлаштира олиш қобилиятингизга боғлиқ. Сиз ўзингиздаги ҳозирча мурроқ хислатларни ишга туширмоқчи экансиз, у ҳолда яхшигина тер тўкишингизга тўғри келади.

Сиздан эса услугга бўлган ишонч ва мақсадингизга бўлган садоқат талаб қилинади. ЛЕКИН...

Қўлланма асосида мустақил равищда шуғулланиш ҳомиладор аёлларга, шу билан бирга қуида санаб ўтилганларга ҳам тавсия қилинмайди:

- оғир руҳий касалиги бор ва руҳшунос назорати рўйхатида турганларга;
- онкологик касаллик билан хасталангандарга;
- миокард инфаркти, инсульт ҳолатини кечиргандарга;
- юрак пороглари;
- гипертониклар, қон босими 180/90-100 мм.сим.ус. баланд бўлганларга;
- тутқаноқ (эпилептик) хасталарга.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолларда машғулотлар мутахассис назорати остида якка тартибда ўтказилиши шарт.

Китобни ўқишида давом эттиришдан аввал, ўз устингизда ишлаш орқали нимага эришмоқчи эканлигингизни олдингизга аниқ мақсад қилиб қўйинг. Интилишингиз сари қадам ташлаганингизда ўзгалар мулоҳазаси таъсирига берилмасдан, ўз олдингизга қўйган мақсад сари ҳаракат қилинг. Натижаси эса ўзини унча ҳам узоқ куттириб қўймайди.

Сизга таклиф этилаётган бу тизим, ҳар бир инсонга хасталикдан чиқиб кетишнинг индивидуал йўлини топишга ёрдам беради.

Бунда баъзи бир нарсаларни билиш айниқса муҳим:

1. Инсон алоҳида аъзолар тўплами эмас, яхлит бир тизим бўлиб, бунда тана бир қарашда номоддий бўлган ҳис-туйғу, руҳий ҳолат, қалб, интеллект билан чамбарчас боғлиқ.

2. Агар фақат танани даволайдиган бўлсак, у ҳолда жараёнга фақат бир томонлама ёндашиб, касалликнинг оқибатини бартараф этамиз холос, касалликни келтириб чиқарган асл сабаб эса назардан четда қолади.

Даволаш услуги қандай бўлмасин – дори-дармонларми, жарроҳлик, тиббиётда қўлланиладиган гипноз,

кодлаш, экстрасенсорик таъсир – буларнинг бари ташқаридан кўрсатиладиган ёрдам. Бемор бу ҳолатда кўпинча нофаол, фаолиятсиз, жараёнда иштирок этмайди, даволовчига қарам бўлади.

3. Қалбни мувозанатга келтириш ва ички уйғунлика эришиш орқали танани ўзини-ўзи тикилаши ва ўзини-ўзи тартибга келтириш қобилиятини ишга тушириши таклиф этилаётган услубнинг асосини ташкил этади. Ўз устида ишлашнинг мақсад ва мазмуни мана шундан иборат. Унинг қандай тузилгани ва йўналишларини кўриб чиқамиз.

Биринчи. Умуртқа поғонаси учун мўлжалланган машқларни бажариш ва бош қисмида жойлашган биологик фаол нуқталарни массаж қилиш. Бу бизнинг машғулотларимизнинг энг асосий жисмоний жиҳати. Вужуднинг соғлом ҳолда ишлаши умуртқа поғонасининг ҳолатига боғлиқ бўлади. Умуртқа поғонасининг ички аъзолар билан туташган асаб толалари бирор жойда қисилиб, эзилиб қолган ҳолларда ички аъзоларнинг иш фаолияти бузилади, юрак оғрий бошлайди, кўзниң кўриш қобилияти пасаяди ва ҳ.к. Уларга қўшимча, охирги йилларда жуда «ёшариб» кетган аср касаллигига айланган – остеохондроз ҳақида умуман айтмасак ҳам бўлади. Шунинг учун умуртқа поғонасига мўлжалланган машқлар билан бирга биологик фаол нуқталарни массаж қилиш танани соғлом бўлишига жуда кучли таъсир этади.

Иккинчи. Тимсолий фикрлаш, ҳис-туйгуларни, тасаввуримизни, сезгиларни машқ қилдирамиз.

И. Сеченов: «Фикр бу тўхтаб турган ҳаракат», деб ёзган эди. Бошқача айтганда, фикр тананинг энди баҳарадиган ҳаракатига тайёргарлигини аниқлаб беради. Биз бирор ҳаракатга тайёргарлик кўришимиз билан вужудимиздаги маълум бир гурӯҳ мушакларимиз қисқариб, шу ҳаракат учун зарур бўлган миқдорда етарли гормонлар ажralиб чиқади. Бу – фикрларимиз моддий эканлигидан далолат беради.

Голиб инсоннинг яралари жуда тез битиб кетиши илгаридан маълум, руҳиятнинг тушкун кайфияти эса

хавфли касалликларнинг ривожланиб кетишига шароит яратиб беради.

Хаёлан лимонни тасаввур қилинг! Тасаввур қилдингизми?

Оғзингизда бирданига нордон таъм ҳосил бўлди, шундай эмасми?

Энди хаёлан лимондан бир бўлак тишлаб кўринг, шу заҳотиёқ сўлак безлари кўп миқдорда сўлак ишлаб чиқара бошлайди. Энди катта ўргимчак ёки чаённи оёғингиз томон ўрмалаб келаётганини кўз олдингизга келтиринг. Унчалик ҳам ёқимли бўлмаган сезги, тўғрими? Оёқ ўз-ўзидан силтаниб, этимиз эса жунжикиб кетади. Ҳашоратлар ҳақиқатан ҳам борми ёки хаёли-миздами, бундан қатъий назар, бизнинг вужудимизда қон таркибиға адреналин чиқариб ташлаш ҳолати рўй беради ва вазиятга мувофиқ ҳолат юзага келади. Мана нима учун дастлабки пайтларда салбий ҳис-туйгулар оқибатида келиб чиқадиган жараённи бошқаришни яхшилаб ўрганиб олмагунимизча, ижобий кайфиятдаги тимсоллар ва тасаввурларни ҳосил қиласиз. Ўзимизда соғлом инсоннинг аниқ ва ёрқин тимсолини шакллантириш учун оз-оздан тимсолий фикрлашни машқ қилдириб борамиз. Сизнинг сезгиларингиз, туйгуларингиз, фикрларингиз ички аъзоларингизнинг иш жараёни учун дастурдир. Ҳиссиётларимизни бошқаришни ўрганиб олгач, биз соғайиш механизмини ишга туширувчи калитни кўлга киритамиз.

Учинчи. Иродани тарбиялаш.

Бизнинг вужудимиз ўзини-ўзи тиклаш қобилиятига эга. Шуниси маълумки, меъда шиллиқ қавати ҳар 7–10 кунда, қон эса ҳар 3–4 ойда буткул янгиланади ва ҳ.к. Демак, бизнинг вужудимиз худди дарёдек оқиб, янгиланиб турар экан.

Модомики, бизнинг вужудимиз дарё экан, бизнинг фикрларимиз шу дарёнинг ўзанларидир. У ҳолда мақсад – бу ўзанни керакли томонга йўналтириш (айнан навқиронлик ва саломатлик томонга), яъни биз машқ-

лар орқали чиниқтиришимиз мумкин ва шарт бўлган иродамизни намоён этишимиз даркор.

Биз ўз танамида худди ижарачидек яшаймиз, унда бўлаётган жараёнга муносабатимиз ҳам худди шундай. Энди вақтингчалик яшаш жойимизни хусусийлаштириш пайти келди, уни ҳақиқий эгаларидек таъмирлашга киришамиз.

Олдинига яхшилаб разм соламиз. Бу ерда нималар содир бўлмоқда? Жўмракдан сув томяпти, унитаз тикилиб, эшик осилиб қолган, дераза бўёқлари кўчиб кетиб, елвизак дегани фув-фув уряпти. Бош оғрифи бўлиши мумкин бўлган муаммолар кам эмас. Бундай ахволда ялқовлик ҳақида бутунлай унутиб юбориш керак. Демак, сиз ўзингизни қўлга олган ҳолда ишга киришиб, дилингизда муваффақият қозонишингизга ишонч ҳосил қилинг. Фалабага бўлган ишонч инсонга куч бафишлайди, уни илҳомлантиради.

Бу орада эса она-табиатнинг ўзи бизга истакларимизга таянган ҳолда қандай соғайишни, сезгиларимизни ва фикрларимизни қайси ўзанга йўллашни, муҳими эса саломатлик, оптимистлик ва навқиронлик йўлига чиқиб олиш учун буни қандай амалга оширишни ўргатади.

Тузалаётган, битаётган яранинг ўрни қандай жимирлаб, қичишганини эслаб кўринг-а. Ахир мана шутаниш сезгиларни мақсадли йўналтирган ҳолда вужудимизнинг исталган қисмида уларни ҳосил қилишимиз мумкин-ку. Сизга таклиф этаётган услуб ҳам айнан мана шунга асосланган.

Биз ихтиёрий равищда ўзимизда *иссиқлик, жимирлаш, совуқлик* сезгиларини ҳосил қиласмиз ва бу сезгиларни носоғлом аъзоларга йўналтириб, лат еган жойимизни силагандек хаёлан ўша аъзони силаб массаж қиласмиз.

Энди сизни нималар кутаётгани ҳақида бир-икки оғиз сўз. Машқларни дастлабки босқичларидаёқ (иккичу кун ичида) сизнинг вужудингиз «тўла таъмирлаш»

ишлирига киришади. Бу пайтда бардошли бўлишга тўғри келади!

Сизга дардингиз зўрайиб кетгандек туюлиши мумкин. Бахтимизга бундай «аланга» олиш бир суткадан узоққа чўзилмайди. Давомида эса сизни ажойиб натижалар кутмоқда.

Ушбу тизим асосида ташкил этилган курсда қатнашган кўплаб тингловчиларимизнинг тъкидлашларига кўра, машгулотнинг маълум босқичидан кейин кутилмаганда қалбда *согайишга бўлган ишонч* вужудга келиб, сўнгра *сокин чексиз-чегарасиз хотиржамлик*, қатъий ишонч билан кутиши фурсатига ўтади. Согайиб кетишга бўлган шубҳа-ю гумонлар ғунлай йўқолган. Келажакда ўзларининг қандай бўлишлари, ҳис қилиш даражасида аён бўла бошлаган. «Мана ниҳоят!» каби ҳис-туйгулар пайдо бўлиб, улар ўзларини соғлом эканини кўрадилар ва қалбларидаги ёруғлик кундан-кунга кўпайиб боради.

Жуда тез орада сизнинг ўзингизда ҳам ҳис-туйгуларнинг ранго-ранг жилоси, қалбда жўш ураётган навқирионлик, гўзаллик, уйғунликни «кутиш»нинг ажойиб палласи бошланади.

Ўз устингизда иш бошлаган пайтдан бошлаб касаллик ботқоғидан чиқа бошлайсиз, яъни услубни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларидаёқ натижалар ўзини кўрсата бошлайди. Ким учундир икки-уч кундан кейин, ким учундир уч-тўрт кундан кейин.

Аудиториядаги машгулотлар 10 кунга мўлжалланган. Бу фурсат ичida тингловчиларнинг кўпчилиги услубни ва унинг асосий машқларини ўзлаштириб олишга улгuriшади. Шундан кейин вужудда кучли тикланиш, согайиш ва ёшариш жараёни бошланади.

Мустақил (фақат китобдан) шуғулланганда, тезлик бироз камайиб, машгулотнинг муддати чўзилиши мумкин. Масалан, қирқ кунгача. Ўқитувчи раҳбарлигига ҳамма қийинчиликлар осонлик билан енгиб ўтилади,

устига-устак ён-атрофингдаги курсдошларнинг муваффақиятлари ҳам натижа сари интилишга турткى бўлади.

Ҳар гал машғулот охирига келиб, тингловчиларимиз ҳам ички, ҳам ташқи томондан шундай янгиланиб яшнаб кетишадики, бу ўзгариш тажрибали ўқитувчилаrimiz учун ҳам мўжиза бўлади! Бу далилни яна қанақа шаклда айтиш мумкин, кўз олдингда bemorлар ўзларига ўн йиллар давомида азоб бериб келаётган хасталиклардан фориф бўлишса. Бу далилларнинг ҳаммаси юқори аниқликда ишлайдиган энг замонавий ускуналарда клиник тадқиқотлар билан тасдиқланган.

2. Машқлар, маслаҳатлар ва қондаклар

Бу бўлимни жуда дикқат билан ўқиб чиқинг.

Қуйидаги шартларни тушуниб етмасдан ва уларни қалбан қабул қиласдан машқларни бажаришга киришманг.

Машқлар

1. Шошибалоқлик қилманг. Машғулотнинг дастлабки 3–4 кунида ўзингиз ҳақингизда, ўзингизда кечётган ҳолат ва унинг нима билан тугаши, шунингдек, услугуб ҳақида ҳеч қандай холоса чиқаришга шошилманг.

2. Ҳаётдан доим норози одамлар ва ақл ўргатувчилар билан маслаҳатлашманг.

3. Шуғуланаётганингизда ҳеч нарсага чалғиманг (шу жумладан телефон кўнфирифига ҳам).

4. Ўзингизни ҳис-туйғусиз ишлайдиган механизмга айлантириб қўйманг. Доим мазмун ва мақсад ҳақида ўйланг. Шунчаки номигагина бажарилган машқ самарасиз ва бехуда ҳаракатдир.

5. Ўзингизни ҳаддан ортиқ зўриқтируманг. Машқларни енгил чарчоқ аломатлари пайдо бўлгунча бажаринг. Машқларнинг сизга оғирлик қилаётгани белгиси – бошингизда пайдо бўладиган оғирлик сезгисидир. Бун-

дай ҳолат юз берса, машғулотлар жадаллигини камайтириш керак.

6. Агар сизни уйқу элитаёттан бўлса, машғулотни бошламанг, машқларни мудроқ ҳолда бажаришга йўл кўйиб бўлмайди.

7. Оч қоринга ва қаттиқ чарчаган ҳолда машғулотни бошламанг.

8. Ялқовлик ва фаолиятсизлик ножоиз бўлган ҳолатлар. Уларни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

9. Энг асосий тақиқ соғайиш жараёнининг чегараланмаган муддатгача чўзилиб кетишига йўл қўйманг.

Насиҳатлар ва қондаклар

1. Уйқудан хуш кайфиятда, юқори қўтаринкилик ва баҳтли ҳолатда уйғонинг. Кун мобайнида шу ҳолатда бўлинг. Дастребки пайтларда бундай кайфият ўз-ўзидан пайдо бўлмаса, ҳаётингиздаги энг ёрқин лаҳзаларни эслаб, кайфиятни сунъий равищда ҳосил қилинг.

2. Машғулот пайтида ўй-хаёлсиз, бошингизда енгиллик ҳукмронлик қилсин. Миянгиз таҳлил қилиб, мулоҳаза қилишига йўл қўйманг. Четдан суқулиб келаётган маълумотларни ушлаб қолишга ҳаракат қилманг, ақлидирокингизни шартлилик ва чеклашлардан халос қилинг.

3. Буткул соғайиб кетишига шайланинг. Фалабага бўлган ишонч, ўйлаган ниятингизни амалга ошишига замин бўлади. Ўйлаган режангиз амалга ошмаса, дарров тушкунликка тушманг Ўзингизнинг ички сезингиз – интуициянгизга қулоқ тутинг, у сизга қаерда, нимани ўзгартириш кераклигини айтади.

4. «Касаллик» сўзини унугинг, шу билан бирга мағлублик кайфияти билан боғлиқ барча сўзларни онгингиздан улоқтириб ташланг. Иложи борича қуйидаги сўзларни тилда ва дилда кўпроқ такрорланг:

Мен соғломман...

Мен баҳтиёрман...

Мен навқиронман...

Мен ҳамма нарсани уddyалайман...

5. Ўзингизни ички ва ташқи томондан қандай бўлишни хоҳласангиз, доим шундай тасаввур қилинг.

6. Ўзингизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат билан муносабатда бўлинг. Ҳеч қачон, ҳатто хаёлан ҳам ўзингизни койиманг ва умуман камситманг, озгина ютуфингиз учун ҳам ўзингизни мақтаб қўйинг. Унутманг, сиз – ўз тақдирингиз ва танангизнинг ҳукмдорисиз.

Сизнинг барча интилишларингиз табиатан берилган маънавий, ақлий, руҳий кучларни сафарбар қилишга йўналтирилган. Йўқотилган соғлиқни тиклаш – мақсад эмас, баркамол инсон бўлиш йўлидаги саъй-ҳаракатингизни амалга ошириш учун воситадир. Соғайиш ўз-ўзидан юз бера бошлайди, лекин унга босқичма-босқич, қадам-бақадам ҳаракат қилиш, услубни кунт билан ўзлаштириб, машқларни оддийсидан мураккабига ўтиб бориш керак.

Яна эслатиб ўтиш жоизки, соғайиш жараёнинг деярли ҳар доим касалликларнинг баъзи бир фаоллашуви ҳамроҳ бўлади. Эсингизда бўлсин, касалликнинг енгил тарздаги зўрайиши соғайишнинг бошланаётганидан далолат беради ва одатда қисқа муддатли бўлади. Аъзоларда ижобий жараённи бошлангани ҳақида куйидаги белгилар аён беради:

- тананинг айнан шу қисмida ҳарорат кўтарилади, аъзои баданингизда сезилар-сезилмас ҳарорат ошгандай бўлади;

- шу қисмда ёқимли, сезилар-сезилмас пульсациялар, енгил пирпираш, жимирилаш, енгил қизиш пайдо бўлади;

- худди яра битаетгандай ёқимли қишишади;

- очлик ҳиссининг кучайиши, иштаҳа очилиши, меъда-ичак тизими иш фаолиятининг яхшиланиши (вужуд ўзини тиклаётгани сабабли «курилиш ашёсига» эҳтиёж кучаяди);

- уйқуга бўлган эҳтиёж кучаяди;

- қон босимининг жуда тез меъёрга келиши натижасида қисқа фурсатли бош оғриши мумкин.

Мустақил шуғулланадиганлар учун қўлланмани ўзлаштириш жараённада машғулот вақти суткасига бир

соатдан ошмаслиги керак (дастлабки 7–10 кунда). Сүнгра машғулот учун бир кунда 30–40 дақиқа вақт ажратинг. Ҳафтасига уч ёки беш кун шуғулланиш керак (2 кун кетма-кет дам олинади). Машқларнинг давомийлиги ва режаси натижаларга қараб белгиланади. Бўгимлар машқи 15 дақиқадан ошмаслиги керак.

Машқларни бажаришда зўриқтиришга йўл қўйманг. Улар сизнинг ҳаракатларингиз самарадорлигини камайтиради. «Қош қўяман деб...» қабилида иш тутманг.

Машғулотларда зўриқтиришга йўл қўйилганлигининг аломатлари: уйқунинг бузилиши, асабийлашиш ва бош оғриши. Машқлардаги оғирликни камайтиришингиз билан бу нохуш аломатлар бартараф бўлади.

Агар шифокор сизга дори-дармонлар тайинлаган бўлса, ўзбошимчалик билан уларни қабул қилиш миқдорини камайтиришга ёки бутунлай улардан воз кечишга ҳаракат қилманг. Бу огоҳлантириш, айниқса, қон босими юқори бўлганларга, бронхиал астма, қандли диабет билан хасталангандарга ҳамда гормонал дори қабул қилувчиларга тегишли.

Жуда тез фурсатда киши ўзини яхши ҳис қила бошлагани ҳали бутунлай соғайиб кетди дегани эмас. Касалликни режали тарзда таг-томири билан йўқ қилиб ташлашга тайёрланинг. Мақсад сари қадам-бақадам ҳаракат қилинг, кўтарилаётган пиллапоянгизни орачора ташлаб кетиб, зинҳор шошқалоқликка йўл қўйманг. Бу огоҳлантириш биринчи навбатда ўз имкониятларига ҳаддан зиёд мағурланиб кетувчи ёшларга тааллукли.

Асосан қайси йўналишлар бўйича ишлаш кераклигини санаб ўтамиш:

1. Қалbdаги руҳий мувозанатни тиклай олиш маҳоратини ўзлаштириш ва бу натижани бир умрга мустаҳкамлаш.

2. Соғайиш механизмини ишга тушириш.

3. Вужуднинг ҳимоя кучини ошириш: иммунитет тизимини мустаҳкамлаш, моддалар алмашинуви жарёнини меъёрга келтириш; руҳий ҳолат ва асаб системаси фаолиятини меъёрга келтириш; жинсий қувватни

тиклаш; интим м uomала масаласида уйғунликка эришиш.

4. Теридаги тиртика, чандық, битишмалар, чурра, тери ситилишлари, товоң пихи муаммоларини бартараф этиш.

5. Юз ва бўйиндаги ажинларни бартараф этиб ёшартириш, қоматни созлаш, вазнни меъёрга келтириш (аёллар учун кўкрак шаклини яхшилаш).

Кейинги дарсни ўзлаштиришга киришишдан олдин, *кундалик дафтар тутинг ҳамда:*

1. Кундалик дафтарга ўзингизнинг дастлабки ҳолатигизни ёзиб қўйинг ва унда ўзингизда бўлаётган *барча ўзгаришларни қайд этиб боринг* (машгулот охиригача). Бу сизни саломатлик сари етакловчи пиллапоялардан бири. Кундаликнинг сеҳрли кучини албатта ҳис қиласиз!

2. Ҳар куни *эрталабки пешобингиз ҳолатини кузатиб боринг*. Эрталабки пешобингизни тоза банкага йиғиб, унинг миқдорини, рангини, тиниклигини, чўқиндилар хилини қайд қилинг (бунинг учун идишдаги пешоб 10–15 дақиқа тиниб туриши керак). Кузатиш натижаларини кундаликка қайд қилинг.

3. Кунига икки маҳал душ қабул қилиш шарт. Эрталаб тетиклантирувчи душ қабул қилинг ёки дағал намланган сочиқ билан тана қизигунча ва қизаргунча артинг. Кечқурун бўшаштирувчи, тинчлантирувчи, танаға ёқадиган илиқликтаги душ қабул қилинг.

Бу муолажалар ўзининг соғломлаштириш хусусиятидан ташқари, терига тушаётган оғирликни енгиллатишига ёрдам беради. Машқлар натижасида, айниқса, дастлабки кунларда вужуднинг тозалаш механизми кескин фаоллашиб, бор қучи билан ишга тушади. Сув муолажалари теридаги ёқимсиз тер ҳидларини ва тери орқали фаол чиқа бошлаган шлакларни бартараф этади.

4. Албатта, эрталаб ва кечқурун оч қоринга бир стакан янги қайнаган сув ичинг (қайнаган сувнинг ҳарорати ўзингиз ичадиган чойдек бўлсин). Бу меъда-ичак фа-

олияти ишини меъёрга келтириш учун муҳим аҳамиятга эга.

5. Кундаликка олдингизга қўйган мақсадингизни ёзинг. Ўзингиздаги ҳамма касалликларни ва ташхисларни санаб ўтирунг. Уларни бутунлай унугинг!

Таъкидлаш шаклида қўйидагиларни ёзинг: Мана шу муддат оралиғида ушбу муаммоларни бартараф этман. Масалан: «Ўн кун ичида кўзимнинг кўриш қобилиятини тўлиқ тиклайман». Ёки: «8 кун ичида мен жигарим фаолиятини тиклайман».

Тўлиқ курс қирқ кунга мўлжалланганини (5 кун кўп ёки кам) инобатга олган ҳолда соғайиш муддатини ўрнатинг («Бажариш керак бўлган иш режаси» бўлимига қаранг).

Бажарилиши керак бўлган ишларни босқичларга ажратинг. Масалан, учга.

I босқич – Услубни ўзлаштириш, тозалаш механизмини ишга тушириш (бу тайёргарлик босқичи, лекин сиз учун жуда муҳим бўлган босқич. Келажакда эришадиган муваффақиятингиз учун пойдевор қўясиз).

II босқич – Асосий машқларни ўзлаштириш. Соғишининг бошланиши ва бу ҳолатнинг шиддат билан ўзини яхши ҳис қила бошлаш жараёни билан давом этиши.

III босқич – Натижани мустаҳкамлаш ва биологик ёшаришнинг бошланиши.

Эслаб қолинг: *муваффақият ила мақсадга эришии учун услубни астойдил тартиб билан ўзлаштиринг, ҳеч нарсани назардан қочирманг ва ўзбошимчалик билан ўзингиздан ҳеч нимани қўшиманг!*

Ва сўнгтиси.

Ҳар гал навбатдаги чўққини забт этишдан олдин, мўлжални чўққидан баландроқ олинг. «Аъло» билан «қониқарли» оралиғида айнан ўша захира матонати жойлашганки, бу шу кунгача ҳеч кимга ҳалақит бермagan. Бундай захира матонати сизнинг вужудингизга ҳам ҳалақит бермайди.

ИККИНЧИ ДАРС

1. Өғимнәр машқи:

- аутомануал комплекс;
- күлоқ супракарини массаж қилиш;
- күз машқлари;
- умуртка позонаси үзүн машқлар;
- көр ба оёқ өғимнәрни үзүн машқлар.

2. Ҳаётан нафас олиш

Бу босқичда сизга вужудни ёшартирувчи машгулот учун маҳсус танлаб олинган энг самарали машқлар комплексини ўзлаштириш таклиф этилади.

Чунки бундан кейин ҳар бир машгулотни айнан у билан бошлашга түғри келади. Бу машқлар комплексини бундан буён бўғимлар машқи деб номлаймиз.

Бошимизда жойлашган биологик фаол нуқталарни массаж қилиш маҳсус малака талаб қилмайди ва уни истаган одам ўзлаштириб олиш имкониятига эга. Бу машқлар Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида ишлаб чиқилган, тажрибадан ўтган ва ўзининг oddийлиги билан бирга ажойиб тарзда самарадор ҳамдир. Сиз бунга ўзингиз ҳам шахсий тажрибангизда амин бўлишингиз мумкин. Масалан, ҳид билиш сезгиси сустлашган одамлар маҳсус нуқталарни уқалаш таъсирида биринчи дақиқаларданоқ ҳидларни аниқ сеза бошлайдилар. Бундай нуқталарни массаж

қилиш, айниңса, гайморит, фарингит, уйқусизлик ва бошқа шу кабиларда жуда муҳим аҳамиятга эга.

Нима сабабдан ушбу нүқталарни үқалаш, вужуддаги мураккаб тузилган аъзоларнинг фаолиятига таъсир этади? Биз юқорида ҳам айтиб ўтгандик, инсон вужуди яхлит, бир-бири билан узвий боғланган тизим ҳисобланади.

Бундан ташқари, биологик фаол нүқталар ўрнида вужудимизнинг бошқа қисмларига нисбатан рецепторлар анча кўпроқ йифилган. Биологик фаол суюқлик ишлаб чиқарувчи ҳужайралар бу жойда кўпроқ жойлашган бўлиб, улар кўп миқдорда ишлаб чиқарила боғлангач, у ёки бу аъзони соғломлаштириб, тетиклаштиради.

Кўп ҳолларда биологик фаол нүқталар орқали нерв толаларининг чигаллари билан ўралган нерв ёки қон томирлари ўтган бўлади.

Аниқланишича, бу нүқталарнинг ҳажми ва уларнинг электрли кўрсаткичлари об-ҳавонинг кескин ўзгаришида, ухлаганда ҳамда вужуднинг умумий ҳолатига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Экстремал ҳолатларда (масалан, бетоб бўлганда) бу нүқталарнинг диаметри катталашиши мумкин. 1 сантиметргача ва ундан ҳам ортиқ.

Биологик фаол нүқталарга үқалаш орқали таъсир қилиш бошқа машқлар билан биргаликда олиб борилади, бу машқлар жуда қатъий танлов асосида саралаб олинган. Биринчи навбатда бу умуртқа поғонаси учун мўлжалланган машқлар. Улар шу даражада оддийки, дастлаб ўзининг самарадорлиги борасида шубҳа ҳам уйғотган эди. Лекин олинган натижаларнинг муваффақияти кутилганидан ҳам зиёда бўлди.

Масалан, охирги пайтларда шаҳар аҳолиси орасида жуда кенг тарқалган хасталиклардан бири остеохондрозни олайлик. Остеохондроз сабаб қийналаётган тингловчиларимизни кейинги йилларда бу хасталикдан бутунлай соғайиб кетишларига кафолат билан қабул қилмоқдамиз.

Икки йил мобайнида тадқиқотлар ўтказиб шуни аниқладикки, 90 фоиз тингловчиларимиз бундай қасалникни бутуnlай унугиб юборишган экан, чунки улар ҳар куни эрталаб 15–20 дақиқа умуртқа поғонаси учун мўлжалланган машқларни бажаришда давом этишган.

Нима учун 100 фоиз тингловчи тузалиб кетмаган дейсизми?

Софлигидан ҳам азизроқ бўлган ялқовлик сабаб-да.

Лекин шуни унумтмангки, остеохондроз ўзи билан бирга невралгия, радикулит, баъзан эса сколиоз хасталикларини ҳам бошлаб келади. Ички аъзолар ҳам умуртқа поғонасидан чиқадиган асаб каналлари орқали бошқарилади. Бу каналларнинг йўлида ҳосил бўлган туз босишлар ёки қийшайиб қолишлар бўлса, у ҳолда «қисқа туташув» юзага келади, чунки марказий асаб системасининг периферия устидан назорати ёмонлашади. 1-расмни яхшилаб қараб чиқинг.


Кўриб чиққанингиздек, биронта ҳам аъзо йўқки, у орқа мия билан ўзига хос асаб толалари орқали туташмаган бўлса.

Қисилиб қолган асаб толалари ўзи туташган аъзонинг фаолиятини ишдан чиқаради, улар эса ўз навбатида бошқа муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Мана сизга боши берк кўча.

Бўғимлар ва умуртқа поғонаси учун мўлжалланган машқларнинг амалда қўлланишининг соғломлаштиришдан ташқари яна бошқа самарадорлиги бор. Мунтазам шуғулланиш натижасида кўпинча тингловчиларимизнинг бўйлари ўсади. Албатта машқларни бажаргани учун одамнинг бўйи ўсмайди. Шунчаки умуртқалараро дисклар орасидаги эластикликнинг тикланиши ҳисобига умуртқа поғонаси ўзининг табиий шаклини ва эгилувчанлигини тиклайди.

Бўғимлар машқининг қимматли томони шундаки, улар мутлақо хавфсиз. Комплекс худди эрталабки бадантарияга ўхшаган жуда оддий. Лекин...

Күзнинг айланма мушаги



1-расм. Биологик фаол нүкталарнинг жойлашиш схемаси

Хулоса чиқаришга шошилманг, бу фақат бир қарашда шундай. Ўзингизни ортиқча зўриқтируманг, бўлмаса ҳамма ҳаракатингиз бекор кетиши мумкин.

1. Бўйимлар машғи

Аутомануал комплекс

Бош ва юздаги биологик фаол нуқталарни уқалаш учта – кўрсаткич, ўрта ва номсиз бармоқлар ёрдамида амалга оширилади. 2-расмда уларни қандай жойлаштириш кераклиги кўрсатилган. Шунингдек, бош бармоқни ўзини ҳам ишлатиш мумкин (3-расм).

Бармоқларни зинҳор «танага санчиш» мумкин эмас. Бармоқнинг юмшоқ учлари билан массаж қилинади. Ҳаракат таъсири қатъий, тикка йўналишида ишқаланмасдан ҳаракатланиши керак. Бармоқ уни худди тери устига елимлангандек, массаж пайти бармоқ билан бирга тери ҳам сурилади. Ҳаракатнинг таъсир кучи оғриқ ва ёқимлилик оралиғидаги сезгини пайдо қилишига ётибор қилинг.



2-расм. Биологик фаол нуқталарни массаж қилгандан бармоқлар ҳолати

Фаол ҳаракат бармоқ уни қон айланишини кучайтиради, тананинг бошқа қисмларида ҳам қон оқимини фаоллаштиради. Бармоқ уни сезгилари мия билан бевосита боғлиқлиги сабабли, уларнинг бу ҳаракати, руҳиятни тинчланишига, ҳатто мия склерози ривожланишига қаршилик кўрса-



3-расм. Биологик фаол нуқталарни босишда тўғри йўналиши

тади. Шарқда тасбек ўғириш одати бу тасодиф эмас, Хитойда ҳам ёнғоқларни айлантириш орқали кафтларда ишқаланиш ҳосил қилишади.

Тавсия этилаётган бош ва юздаги нүқталарни масаж қилиш бутун танани бақувват қилишга таъсир эта-ди, уни асосий машқларга тайёрлайди.

Бош ва юздаги нүқталарни уқалаш бош мияда қон айланишини яхшилайди, бошдаги лимфа оқими жа-раёнини кучайтиради (натижада қон босими меъёрга келади), бош мия тизимини фаоллаштиради (гипота-ламус, гипофиз, ретикуляр ва лимбик система), улар-нинг функционал ҳолатига вужудимиизда содир бўла-ётган ҳамма нарса боғлиқ, хатти-ҳаракатимиз ҳам, ҳис-сиётларимиз ҳам. Бу – биз одатда, онг ости деб атайдиган тизим. Айнан шу босқичда ички сокинлик ва интуиция билан боғлиқ жараёнлар юз беради.

4-расмни дикқат билан кўриб чиқамиз ва массаж қилишга киришамиз (ҳар бир нүқтадаги ҳаракат йўна-лиши 8–10 мартағача). Иш тартиби куйидагича:

- 1) икки қош оралиғидаги нүқта («учинчи кўз»);
- 2) бурун катакларининг икки ёнбошида жойлашган нүқта (бу нүқталарни массаж қилиш ҳид билиш сезги-сини тиклади);
- 3) юзни қоқ иккига бўладиган вертикалда пастки лаб билан ияқ қисми оралиғида;
- 4) чакгадаги жойлашган нүқта;



4-расм. Бош қисмida жойлашган биологик фаол нүқталар

5) қулоқ ташқи эшитув йўли пастки жағ бўгими билан чегарадош бўлган нуқта;

6) энса томондаги соч ўсиши тугайдиган йўлдан бир оз тепадаги трапециясимон кўринишдаги чуқурча.

Қулоқ супраларини уқалаш

Диққат билан 5-расмни кўриб чиқамиз. Ҳаммамизга яхши маълумки, қулоқ супрасида танамизнинг деярли барча аъзолари акс этган. Ўнг қулоқ супрасида танамизнинг ўнг қисмидаги аъзолар, чап қулоқ супрасида эса чап томондаги аъзолар акс этган. Камдан-кам учраса-да, баъзи одамларда қулоқ супраларида тананинг қарама-қарши томондаги аъзолари акс этиши ҳам мумкин.

Вужуднинг одатий ҳолатида нисбатан таъсир қучи паст бўлган нуқталарни аниқлашнинг иложи йўқ. Улар фақат патологик жараённинг ривожланиш пайтида на-моён бўлади.

Аурикулодиагностика бу нуқталарни топишга асосланган. Уларни массаж қилиш шифобахш таъсирга эга бўлиб, касалликларни бартараф этади. Бу нуқталарнинг ўрнини қизариб, оқариб қолиш, пўст ташлаб шўралаш ёки босгандга оғриқ бўлиши аниқлаб беради.


Қулоқ аъзоси бўйин нерв толалари чигали билан, ҳамда уч шохли нерв тармоғи, юз, тил-ҳалқум ва адашган нерв билан боғланган. Бундай кўп тармоқли боғланиш битта нуқтани массаж қилиш орқали бир неча аъзога ижобий таъсир кўрсатиш имконини беради.

Демак, қулоқ супраларини уқалашга киришамиз, қулоқлардан «тутун» чиқиб кетгунча астойдил уқалаймиз. Ҳар бир ҳаракат йўналиши 8–10 мартадан.

1. Қулоқ супрасининг пастки қисмини бир оз куч билан тепадан пастга қараб тортамиз.

2. Қулоқ супрасининг юқори қисмидан ушлаб эши-тиш йўлидан тепага қараб тортамиз.

3. Қулоқ супрасининг ўртасидан ушлаб, қулоқни ёнга ва бир оз тепага тортамиз.



5-расм. Тана аъзоларининг қулоқ супрасида акс этиши
(Иглоукалывание — М.: Медицина, 1988).

1 – оёқ бармеклари, болдир қисми; 2 – бачадон; 3 – қуймич нерви; 4 – йўғон ичак; 5 – аппендикс; 6 – ингичка ичак; 7 – диафрагма; 8 – оғиз; 9 – трахея; 10 – юрак; 11 – ўпка; 12 – гавданинг уч қисми; 13 – кўриш қобилияти; 14 – тил; 15 – кўзлар; 16 – қўл панжаси; 17 – билаклар; 18 – тизза; 19 – бўйраклар; 20 – қорин; 21 – меъда ости бези; 22 – тирсак; 23 – жигар; 24 – елка; 25 – кўкрак қисми; 26 – меъда; 27 – қора талоқ; 28 – умуртқанинг бўйин қисми; 29 – елка бўғими; 30 – курак; 31 – бўйин; 32 – тхан-мон нуктаси; 33 – думба; 34 – бавосир; 35 – ташки жинсий аъзолар; 36 – сийдик йўли; 37 – тўғри ичакнинг кўйи қисми; 38 – қизилўнгач; 39 – қулоқ чифаногининг тепаси; 40 – томоқ; 41 – бурун; 42 – буйрак усти безлари; 43 – бурун йўли; 44 – кўриш қобилияти; 45 – мояк; 46 – нафас олишни тартибга солиб турувчи нукта; 47 – пешона; 48, 49 – аналгез нукталар; 50 – ички қулоқ; 51 – бодомсимон без; 52 – гипотензив ариқча; 53 – бош оғрик; 54 – буйраклар; 55 – юрак; 56 – оёқлар; 57 – қулоқ супрасининг сиртқи қисми.

4. Қулоқ супрасини маҳкам ушлаганча соат йўналиши бўйлаб айланма ҳаракат қилдирамиз.

5. Қулоқ супрасини соат йўналишига қарама-қарши йўналишда айлантирамиз.

Энди кафтларимиз билан юзимизни бўшаштирувчи енгил уқалаймиз. Ҳа, айтгандай, оёғимиз остида танамиздаги аъзолар акс этувчи кўплаб биологик фаол нуқталар жойлашган. Иложи бўлса, тез-тез оёқ яланг юришга ҳаракат қилинг, оёғингизни массаж қилинг.

Кўзлар уйун машқиар

Бу машқлар ҳам ҳалқ табобати тажрибаси билан бойитилган бўлиб, улар невроз, гипертония ва калла ички босими кўтарилишига қарши жуда самарали.

Машқларни ўзингизни зўриқтирмасдан, бемалол, кўзларни қисмасдан бажаринг, ҳар бир ҳаракатни 8–10 мартадан такрорланг.

1. Вертикал ҳаракатлар. Нигоҳлар тепага йўналган (худди бошимизни ичкари томонидан уни чўққисини кўришга урингандек ҳаракат), сўнгра пастга (далкумни «кўришга» уринамиз) қараймиз.

2. Горизонтал йўналишдаги ҳаракатлар. Энди нигоҳларимизни ўнгга-чапга ҳаракатлантирамиз. Кўзлар ҳаракати енгиллик билан бажарилиши керак, худди рақсга тушаётгандек.

3. Кўзларнинг айлана бўйлаб ҳаракати – олдин соат йўналиши бўйлаб, сўнгра унга қарама-қарши йўналишда.

Умуртқа погонаси уйун машқиар

Умуртқа погонасининг ҳолати нафақат эгасининг ёшини, унинг қанчалик соғлом эканлигини ҳам акс эттиради.

Камҳаракат ҳаёт тарзига мослашган ва умуртқа погонасини машқ қилдирмайдиган одамларда умуртқалараро жойлашган ҳалқасимон тоғай қатлами бир-бирига ёпишиб, қийшайиб кетади. Уларни ўраб турган тўқималарда қон айланиши ёмонлашади, натижада

умуртқа пофонаси қурий бошлайди. Күпчилик одамлар йиллар ўтиши билан бир неча сантиметрга чўкади, қарилик даврига келиб бутунлай букчайиб қолишиади.

Умуртқа пофонасининг эгилувчанлигини сақлаш – навқиронлик ва саломатликни сақлаш дегани. Биз ҳам айнан мана шунга интиляпмиз.

Умуртқа пофонаси шикастланган ёки операция бўлган бўлса, айниқса, эҳтиёт бўлинг. Машқларни умуртқа пофонасининг бўйин қисми, юқори кўкрак ва пастки кўкрак қисми, бел қисмлари билан ишлаймиз. Машқларни бажараётган пайтда бутун эътиборимизни умуртқа пофонасининг қайси бўғимида ҳаракат бажарилаётган бўлса, ўша ер аратамиз, бошқа қисмлар имкони борича ҳаракатсиз бўлиши керак.

Асосий ҳаракатлар: эгилиш-ростланиш, компрессия-декомпрессия (зичлаш-чўзиш), бурилиш-ростланиш. Ҳар бир ҳаракат 8–10 мартадан бажарилади.

Бурун орқали нафас олганда буруннинг шиллиқ қавати ҳамда қон томирларини машқ қилидиралимиз. Бу билан мияга келаётган қоннинг рефлектор оқимини яхшилаймиз. Бурун орқали нафас олган одам яхши фикрлай олади. Бундан ташқари, бурун орқали ўтган кислород ионлашади, манфий зарядга эга бўлади. Қон эса фақат шундай кислороднигина ўзлаштиради.

Умуртқа пофонаси учун таклиф этилаётган машқлар умуртқа пофонасини ушлаб турувчи мушаклар корсетини мустаҳкамлайди. Мушаклар корсети эса уни ҳаддан ортиқ эгилиб, букилиб кетишлардан асрайдиган жонли эластик муфтадир.

Эгилувчи ва буралувчи машқлар орқали умуртқалараро жойлашган ҳалқасимон тогайлар қатлами, унга ёпишиб турган бириктирувчи қисмлар ва бўғимлар халтаси массаж бўлади. Қон таъминоти яхшиланади, демак, эластиклигини йўқотмайди, қаримайди, мутахассисларнинг қатъий ҳукмига ҳам қарамай тузалади. «Асл ҳолига келмайди» деган ҳолатдан ҳам янгидан яралади!

Бу машқлар бўғимларда ва умуртқа поғонасида туз йигилишининг ҳам олдини олади. Бунинг энг асосий исботи кўп йиллик тажрибалардир.

Машқлар ёрдамида умуртқа поғонасининг умуртқалараро табиий оралифи очилади, тогайлар тезлик билан тиклана бошлайди. Тогайларнинг ҳайратланарли тарзда тезлик билан тикланиш қобилиятига эга бўлиши, уларни истаган ёшда тиклаш, соғлом ва навқирон умуртқа ҳосил қилиш имконини беради.

Умуртқа поғонаси, умуртқалараро жойлашган ҳалқасимон тогайлар ўз шаклини эгаллаб, жой-жойига тикланиши ҳисобига деярли барча ички аъзоларнинг фаолияти яхшиланади. Бундан ташқари, ҳар бир машқ ўзининг маҳсадли вазифасини ўтайди. Масалан, «камон» машқи бош оғригини келтируб чиқарувчи, кўзни зўриқтириш, овқат ҳазм қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг сабабларини бартараф этишга ёрдам беради.

Бўйин умуртқа поғонаси учун мўлжалланган ҳаракатлар вестибуляр аппаратни машқ қилдиради: бош айланиши, денгиз хасталигининг барча нохуш аломатлари камаяди, транспортда юрганда доим кўнгил айниши билан қийналадиганлар учун бу машқ жуда муҳим. Мана шу машқни бажаришни бошлаймиз.

Умуртқа поғонасининг бўйин қисми

1. «Патларни тозалаш».

Кўкракка туширилган ияк кўкракдан узилмаган ҳолда киндик томон пастга қараб сирғалади – худди күш бўйин патларини тозалаётгандек. Бўйин бир оз таранглашган.

2. «Тошбақа».

Бошни оҳиста орқага эгамиз. Бу дастлабки ҳолат. Энди бошингизни икки елкангиз орасига тортинг. Тошбақа бошини тошкосаларининг орасига тортишини эсланг.

Энди бошни оҳиста олдинга эгамиз. Юқоридаги тарзда бошни яна тортинг. Ияк кўкракка ёпишган, унинг вазифаси – киндикка етиб бориш.

Машқни енгил таранглаштириш, бўшаштириш кетма-кетлигида бажаринг.

Ҳар бир йўналишда 8–10 марта ҳаракат бажаринг.

3. *Бошни ўнг ва чап елка томонларга эгиш.*

Умуртқа погонасининг думғазадан гардангача бўлган қисми тўғри. Елкалар ҳаракатсиз. Бошни оҳиста ҳаракатлар билан елка томонга эгиб, қулогимизни елкага теккизишга ҳаракат қиласиз. Ўзингизни зўриқтируманг. Ҳар икки томонга ҳам 8–10 мартадан ҳаракат бажарилади. Агар дарров мақсадга эриша олмасангиз, кўнглингизни чўқтируманг. Вақти келиб сиз бу машқни бемалол бажара оладиган бўласиз.

4. *«Кучукча».*

Бурнингиздан энсангизга қараб кўринмайдиган айланиш ўқи ўтган деб тасаввур қилинг. Шу ўқ атрофида бошимизни айлантира бошлаймиз.

Бош бир томонга, иягимиз бу пайтда бошқа томонга қараб тепага кетади. Эгасининг сўзларига қулоқ туваётган кучукчанинг қандай кўринишини эслаб кўринг. Бу машқни уч хил кўринишда бажарамиз: бош тўғри ҳолда, бош олдинга эгилган, бош орқага эгилган.

5. *«Бойқуш».*

Бошни гавда билан бир текисда ушлаймиз. Нигоҳимизни ўшомасдан ўнгга (ёки чапга) йўналтирамиз, кетма-кет бошимиз ҳам охирига қадар бурилади. Орқа томонда нима борлигини кўриш учун интилевчи ҳаракат бажарилади.

Ҳар гал интилганингизда қўшимча миллиметрни «қўлга киритишга» ҳаракат қилинг, лекин ортиқча зўриқтируманг. Унутманг, сиз ҳар ҳолда бойқуш эмасиз. Ҳар икки томонга 8–10 мартадан ҳаракатни бажаринг.

6. *«Қовоқ».*

Бош билан айланма ҳаракат, бўйин учун мўлжалланган олдинги барча машқларни умумлаштиради. Бўйин қовоқнинг думчаси вазифасини ўтайди. Бош – қовоқ у елкадан бу елкага қараб оҳиста айланба бошлайди. Бўйин

мушакларининг етарлича ҳаракатга келиши ҳисобига галма-галдан ўзлаштирган элементларимизни умумлаштира бошлаймиз: «Патларни тозалаётган қушча», кулофимизни елкага теккизамиз, «Тошибақа», бошқа кулофимиз билан қарама-қарши томондаги елкага етиб оламиз, сўнгра яна «Патларни тозалаётган қушча» ва шу тарзда айланга бўйлаб олдин бир томонга, сўнгра бошқа томонга ҳаракатни бажарамиз. Эътибор беринг, ҳаракатлар имкониятингиз меъёридан ошмасин! Бўйин мушакларини зўриқтиришга йўл қўйманг!

Умуртқа погонасининг тепа-кўкрак қисми

1. «Хурпайган типратикан».

Елкалар олдинда, ияк кўкрак томон интилган, қўллар олдинда қулфлангандек бирлашади. Бел қисми ҳамда гавданинг пастки қисми ҳаракатсиз. Иягимиз кўкракка ёпишган ҳолда киндик томон интилади. Умуртқанинг тепа қисми ёй шаклини олади. Елкаларни кўтармаймиз. Елкалар олд томонга, бир-бирига қараб «кела» бошлайди.

Орқа томондан – бўйиндан курагингизгача типратиканикideк ниналар ўсиб чиққан деб тасаввур қилинг. Типратиканга нимадир ёқмади ва у хурпайиб олди. Бутун эътибор умуртқа погонасининг тепа-кўкрак қисмida. Уни яхшироқ эгишга ҳаракат қиласиз.

Оҳиста тескари томонга ҳаракат қила бошлаймиз. Бошимиз орқага эгилади. Бошни пастга тортиб, бир вақтнинг ўзида куракларни бир-бирига теккизишга уринамиз. Елкаларни кўтармаймиз. Шу ҳолатда умуртқанинг тепа-кўкрак қисмини ортга эгишга ҳаракат қиласиз.

2. «Тарози».

Қўллар елкада. Битта елка тепага кўтарилади, бошқаси пастга туша бошлайди, бош пастга тушаётган елка томонга эгилади. Умуртқанинг тепа-кўкрак қисмida ёқимли тортилиш ва тарангликни ошириб боришга ҳаракат қиласиз.

Худди шу ҳаракатни бошқа томонда бажарамиз. Бутун эътибор умуртқа поғонасида. Бемалол нафас оламиз. Олдинга интилувчи ҳаракат бажарилганда нафас чиқарамиз, ростланганда – нафас оламиз. Ҳар бир ҳаракат сизга роҳат бағишлиётганини ҳис қилинг, бу вужудингизга қаратган эътиборингиз учун миннатдорчиллик жавобидир.

3. Елкаларни кўтариб-тушириш.

Қўллар гавда бўйлаб туширилган, бош қимирламайди, қомат ростланган. Елкаларни пастга тушириб, қўллар ҳам пастга тортилади, яна пастга қараб ҳаракатланишда давом этишга интилувчи ҳаракат қиласиз. Сўнгра елкаларни тепага охирига қадар кўтарамиз, яна бироз интилувчи ҳаракатда давом этамиш. 5-6 машғулотдан кейин ҳаракат амплитудаси ошади, бунга ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

4. «Паровозча».

Гавда тўғри, оёқлар елка кенглигига, тўпиқлар параллел, оёқ учлари бироз ичкарига қараган. Қўллар гавда бўйлаб туширилган. Тасаввур қилинг, сизнинг елкала-рингиз паровозчанинг фиддираги.

Шошмасдан елкаларимиз билан айланма ҳаракат қиласиз, борган сари айланиш амплитудасини кучайтириб борамиз. Ҳаракатда бош ҳам иштирок этади: елкалар орқага «кетганда», бош ҳам орқага эгилади, елкалар олдинга қараб «кетганда», олдинга эгилади.

Хотиржам ва бир маромда нафас олинг. Эътиборингиз умуртқа поғонасида бўлсин.

Агар чарчаган бўлсангиз, кейинги машқларга ўтманг. Нафасингизни ростланг. Бу хавфсизлик техникаси!

Ҳар бир ишда ортиқча зўриқтириш тескари самара беради.

5. Чапга ва ўнгга эгилиш (қўллар гавда бўйлаб туширилган).

Машқни тик турган ҳолда бажарамиз. Қўллар гавдага жипслашган. Ўнгга эгилишни бошлаймиз. Ўнг қўлимиз ўнг оёқ бўйлаб пастга сирғала бошлайди, бар-

моқ учлари билан ўнг оёқ панжасига тегишига ҳаракат қиласиз.

Худди шу тарзда чап томонга эгиламиз. Бу ҳаракатнинг сири шундаки, қўллар «гавда бўйлаб» жипслашган ҳолда пастга сирғалганда, биз умуртқанинг машқ қилдираётган тепа кўкрак қисми эгилади, биз умуртқанинг шу қисмини машқ қилдиряпмиз. Умуртқа поғонасининг эгилувчанлиги ошиб боради.

Ҳар икки томонга 8–10 мартадан интилувчи ҳаракатни бажарамиз. Эгилишда давом этиш учун интилувчи ҳаракатда нафас чиқарамиз, бўшашганда нафас оламиз.

6. «Пружина».

Умуртқа поғонаси тўғри, қўллар гавда бўйлаб, чаноқ-думгаза қисмини орқадан олдинга қараб кўтариб, шу ҳолатда қолдирамиз. Чаноқ-думгаза қисми шу ҳолатни сақлаган ҳолда: а) умуртқа поғонаси пружинадек зичлаб босилади (худди елкангизга оғир қоп қўйилгандек); б) энди умуртқани чўзамиз (елкадан қопни ташлаб юборамиз, елкалар тепага қараб «кетади»).

7. *Буралувчи ҳаракат*.

Умуртқа поғонасининг тепа-кўкрак қисмидан ташқари барча қисми ҳаракатсиз. Қўллар елкада, нигоҳлар тўғрига йўналган.

Нигоҳлар ўнгга қараб кета бошлайди, унинг кетидан бош, елка, кўкрак буралади. Кўкракдан пастки қисми ҳаракатсиз. Буралишни охирги нуқтасигача олиб бориб, енгил пружинасимон бўшаштирувчи ҳаракат қилиб, ҳар сафар яна олдинга интиламиз. Бошқа томонга ҳам худди шу тарзда ҳаракатларни амалга оширамиз.

Умуртқа поғонасининг кўкракдан пастки қисми

1. «*Каттакон ҳурпайган типратикан*».

«Ҳурпайган типратикан» машқидагидек ҳаракат қиласиз. Елкалар олдинга, ияк кўкрак томон интилган, қўллар олд томондан қулфланган. Машқда белдумгаза қисмидан ташқари умуртқа поғонасининг ҳамма қисми иштирок этади.

Бел ҳаракатини шу ҳолатда сақлаш учун, чаноқ-думғазы қисмини олдинга чиқарамиз.

Бошимизни, иякни, елкаларни киндик томон тортамиз. Умуртқа пофонаси белгача ёйдек эгилади. Бүйиндан белгача типратиканнинг «ниналари» бўртиб чиққан деб тасаввур қиласиз.

Энди қарама-қарши томонга ҳаракатни бошлаймиз. Бошимиз билан олдин юқорига ва орқага қараб ҳаракатланиб, оҳиста бошни орқа томонга эгамиш. Шу ҳолатда гавдани максимал даражада этишга ҳаракат қиласиз. Кўкрак қисми олдинга худди филдиракдек бўртиб чиқади.

2. Олдинга ва орқага эгилишлар.

Машқни стулда ўтириб бажарамиз. Кўлингиз билан стулни ўтирадиган жойидан ушлаб олинг, белдан юқори қисми ростланган. Нафас чиқарганда бош эгилиб интилувчи ҳаракатлар билан киндик томон сирғала бошлайди. Нафас олганда бошни кўтариб, гавдани тўғрилаймиз. Ҳар бир ҳаракатга 5-6 сония вақт сарфлаймиз.

Машқни мушакларни ортиқча зўриқтирмасдан, 8–10 марта бажарамиз.

Орқага эгилганда энса қисми билан думғаза томонга интиламиш, умуртқа пофонаси олдинга кетади. Ҳаракатни икки марта 10–15 мартадан такрорланг.

3. «Паровоз».

Елкалар билан айланма ҳаракатни бажарамиз, ҳаракатда бош, бўйин ва бутун умуртқа пофонаси иштирок этади. Бу машқ олдинги бир неча машқларни ўзида бирлаштиради: «Патларни тозалаш», «Каттакон хурпайган типратикан», «Пружина».

Елка бўғимлари олдинга айланма ҳаракат қиласанда, бош ҳам олдинга эгилади. Умуртқа пофонаси ёйсимон эгилади. Елкалар охирги нуқтага етиб, орқага қараб «кетишни» бошлаганида, бош тўғриланади, ундан кейин оҳиста орқага эгилади. Умуртқа пофонаси олдинга ёйсимон бўртиб чиқади.

Худди шу ҳаракатларни елка бўғимларини тескари томонга ҳаракатлантириб бажарамиз.

4. «Камон».

Кўллар мушт ҳолида буйраклардан сал юқорига кўйилади (орқа томонда белдан бир оз тепада). Тирсакларни имкон борича бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қилиб, муштларимиз танага чуқурроқ ботаётганини кўз олдимизга келтирамиз. Умуртқа поғонаси таранг тортилган камондек эгилган (муштлар – камон ўқи). Шу ҳолатда умуртқа поғонасини яна ва яна эшишга ҳаракат қиласиз. Бошни орқага ташлаб юборманг. Ияк кўкракка ёпишган.

Энди тескари томонга ҳаракат. Умуртқа поғонасининг пастки кўкрак қисмини тескари томонга эгиб, «букчайиш»ни бошлаймиз. Эгилиш мумкин бўлган нуқтагача эгилиб, яна бироз эгилишга ҳаракат қиласиз.

5. «Катта тарози».

Чап кўл – энсамизда, ўнг кўл – гавда бўйлаб туширилган. Шу ҳолатда ўнгга эгиласиз, чап тирсагимиз билан шипга тегишга уринамиз, яна ва яна интилевчи ҳаракатни бажарамиз. Сўнгра худди шу тарзда – ўнг тирсак билан шу ҳаракатлар амалга оширилади.

6. Умуртқа поғонасининг ўз ўқи атрофига айланиши.

Баён этилгандарни диққат билан ўрганиб чиқинг! Ўтириб ишлаймиз. Бошимиз гавда билан бир текисликда. Бошимизни ўнгга бурамиз, сўнгра кетма-кет елка, кўкрак, қорин охиригача бурилиб яна янги «марралар» сари интилевчи ҳаракат қиласиз, қўшимча бир неча миллиметрни «кўлга киритишга» уринамиз.

Битта буралишда (20 секунд) интилевчи ҳаракатлардан 8–10 тасини бажарамиз. Машқни яна бир бора такрорлаймиз. Сўнгра худди шу ҳаракатни 2 марта бошқа томонда такрорлаймиз. Нафас олишимиз эркин.

7. Буралевчи ҳаракатлар.

Гавдамиз тўғри турган ҳолда, оёқлар елка кенглигига, оёқ учлари параллел ҳолатдан бироз ичкари томонга бурилган. Чаноқ-думгаза қисми шу ҳолатда мустаҳкам турибди, қўллар елкада. Бу буралиш ҳаракатининг дастлабки ҳолати.

Нигоҳлар худди орқада бирор нарсани кўрмоқчи бўлгандек ўнгга қараб кетади, кетидан бошимиз, сўнgra гавданинг елкадан белгача бўлган қисми буралади. Шу ҳолатда енгил тарзда яна олдинга интилувчи ҳаракатлар қиласиз, таранглаштириб-бўшаштириб давом этамиз. Ҳаракатда буралиш кучи катта эмас, лекин ҳар гал интилганда буралиш бурчаги бироздан ошиб боради.

Шу тарзда уч хил кўринишдаги бурама машқларни бажарамиз: а) тўғри турган ҳолда; б) олдинга эгилган ҳолда (таксиминан 45 градус, гавда буқчаймаган текис); в) орқага эгилган (иляк кўкракка ёпишган).

Умуртқа поғонасининг бел қисми

1. «Чангичи».

Олдинга эгиламиз. Қўллар орқада – белда. Гавдамиз текис, нигоҳлар олдинга қараган. Мана шу ҳолатда олдинга эгилувчи ҳаракатларни бажарамиз, натижада бел мушаклари яхшироқ тортилади.

2. «Кўприкча».

Оёқлар елка кенглигида, иляк кўкракка ёпишган. Эҳтиёткорлик билан гавдани орқага эгиб, қўлимиз билан товонга етишга ҳаракат қиласиз.

3. Тик турган ҳолда эгилиш.

Оёқлар елка кенглигида, мушт қилиб тугилган қўллар буйрак устида, тирсакларни имкон борича яқинлаштиришга ҳаракат қиласиз. Оҳиста орқага эгила бошлаймиз.

Тарозини кўз олдингизга келтиринг. Буйрак устидаги муштларимиз марказий ўқ вазифасини ўтайди. Бош ва гавда – бир палла, гавданинг белдан пастки қисми ҳамда оёқлар эса – иккинчи палла.

Орқага эгилган ҳолда уларни бир-бирига яқинлаштиришга ҳаракат қиласиз. Эгилиш мумкин бўлган охирги нуқтагача эгилиб, шу ҳолатда интилувчи ҳаракатни бошлаймиз, мушакларни бир оз бўшаштириб, яна интилишда давом этамиз, ҳар гал кўшимча сантиметрни қўлга киритишга ҳаракат қиласиз. Тиззаларни букманг ва нафас олиш маромини ушлаб қолманг.

4. Ўтирган ҳолда олдинга эгилиши.

Бизнинг вазифамиз – бурунни тиззага теккизиш. Қўллар соннинг ён томонида. Охирига қадар олдинги текисликка эгиламиш, сўнгра яна интилувчи ҳаракат қиласмиш. Яна бир неча сантиметрни қўлга киритишга уринамиш.

Бурнимиз билан тиззагача етиб олишнинг уддасидан чиқсак, кейинги марра бурнимиз билан ўзимиз ўтирган гиламчага етиб борамиш.

Уч хил йўналишда эгилишни амалга оширамиз – ўнг тиззага, тиззалар орасидаги гиламчага, чап тиззага. Ҳар гал эгилганда 8–10 интилувчи ҳаракатни амалга оширамиз.

5. Қўларни кўтарган ҳолда орқага эгилиши.

Машқни тик турган ҳолда бажарамиз. Оёқлар елка кенглигига, қўллар бошдан юқорида, бармоқлар бирашган. Тиззаларни букмасдан орқага эгила бошлаймиз. Охиригача бориб яна эгилишга ҳаракат қиласмиш.

Нафас олиш бир маромда. Эътиборимизни умуртқа поғонасига қаратамиш. Эгилиш оғирлигини бутун умуртқа поғонаси бўйлаб тенг тақсимлаймиз. 8–10 марта бажарамиз.

Машқни икки марта тақрорлаймиз.

6. Ён томонга эгилиши.

Битта қўлимиз вертикал йўналишда тепага, бошқаси пастга йўналган. Ён томонга эгилиб, пастга ва янада пастга эгилишга уринамиш, пастга йўналган қўлимиз билан товонга етиб олишга ҳаракат қиласмиш. Интилувчи ҳаракатлар орқали умуртқа поғонасининг бел қисмидаги чўзилиш ҳосил бўлишига эришамиш. Худди шу ҳаракатни қара-ма-қарши томонга эгилган ҳолда ҳам бажарамиз.

7. «Товонни кўздан кечириши».

Орқага эгилиб, чап елка орқали ўгирилиб, ўнг товонни кўздан кечиришга интиламиш. Оёқлар ҳаракатсиз.

Худди шу тарзда чап товонни «кўздан кечирамиз». Бутун эътибор – умуртқа поғонасида! Ҳар икки томонга 2 мартадан ўгириламиш (интилувчи ҳаракатлари миз 8 марта гача). Нафас олишимиз эркин.

8. Елкалар буралган ҳолда эгилиш.

Машқни гиламчада ўтириб бажарамиз. Оёқлар икки томонга кериб очилган. Оддинга эгилиб, ўнг елқа билан ўнг тizzага етиб боришига ҳаракат қиласиз (8 марта), сўнгра чап елқа билан – чап тizzага. Кейин тўғрига эгилиб, бунда иккала елкалар полга қараб интилади.

Елкаларнинг максимал даражада буралишига ҳаракат қилинг, шу билан бир пайтда ички ҳолатингизни ҳам кузатинг, зўриқтиришга йўл қўйманг, техника хавфсизлигини ёдда тутинг.

Худди шу тарздаги машқни елкаларимиз билан оёқ бармоқларига қараб ҳаракатланганда ҳам бажарамиз.

9. Буралувчи ҳаракатлар.

Юқорида баён этилган тарзда бажарилади, лекин энди ҳаракатда бутун умуртқа пофонаси иштирок этади. Машқ олдин бир томонга, сўнгра бошқа томонга бажарилади.

Вертикал ҳолатда буралувчи ҳаракат.

Барча буралувчи ҳаракатлар учун дастлабки ҳолат.

Гавда тўғри, оёқлар елқа кенглигидан, тўпиклар параллел, оёқ учлари бироз ичкарига қараган. Тўғрига қараган ҳолда турасиз. Қўллар елкада, тирсаклар икки ён томонга қараб кўтарилиган.

Нигоҳимиз ён томонга у билан кетма-кет бош, бўйин, елқа ва бутун умуртқа пофонаси бурала бошлайди. Тиззалар енгил пружинасимон ҳаракатланади.

Яна кўшимча интилувчи ҳаракат қиласиз, лекин оғриқ бўлишигача олиб борманг!

Олдинга эгилган ҳолатдаги буралувчи ҳаракат. Дастлабки ҳолат юқорида баён этилгандай. Гавда текис, ияк кўкракка ёпишган. Умуртқа пофонаси – буралиш ҳаракати ўқи!

Гавданни олдинга эгамиз. Ўнг томонга буралувчи ҳаракатни бошлаймиз. Оддин нигоҳлар, у билан кетма-кет бош, бўйин, елқа, кўкрак, қорин қисми ўнг томонга қараб буралади. Гавда умуртқа пофонаси атрофида оҳиста бурала бошлайди.

Бунда ўнг тирсак орқага ва тепага қараб (чап тирсак олдинга ва пастга) кетади, у билан бирга бутун гавда бурала бошлайди. Энди буралишни давом эттиришни иложи қолмагандан кейин яна интилувчи пружинасимон ҳаракат қиласиз ва тескари тартибда олдинга эгилган ҳолатга қайтиб келамиз.

Худди шу ҳаракатни бошқа томонга ҳам бажарамиз.

Орқага эгилган ҳолатдаги буралувчи ҳаракат. Юқорида баён этилган тарздаги дастлабки ҳолат. Умуртқа поғонаси текис. Гавдани орқага эгамиз. Гавда умуртқа поғонаси атрофида ўнг томонга бурала бошлайди.

Олдин нигоҳлар, сўнгра бошимиз ўнг томонга қараб буралади (иёк кўкракка ёпишган). Ўнг тирсак орқага ва пастга қараб «кетади». Ўнг елка орқали чап товонимизни кўришга ҳаракат қиласиз.

Охирги буралиш нуқтасигача бориб, буралиш бурчагини каттароқ қилиш учун интилувчи пружинасимон ҳаракат қиласиз. Сўнгра оҳиста орқага эгилган ҳолатга қайтиб келиб, ундан кейин дастлабки ҳолатга қайтамиз. Худди шу ҳаракатни бошқа томонга ҳам бажарамиз.

Ён томонга буралувчи ҳаракат. Дастлабки ҳолат юқорида баён қилинган тарзда. Ўнг томонга эгилиб, ўнг томонга «бурала» бошлаймиз. Бунда ўнг тирсак полга «қараб» туради, чап тирсак – шипга. Ҳаракат пайтида ўнг тирсак орқага ва тепага қараб «кетади». Гавда умуртқа поғонаси атрофида худди бурилиш ўқи атрофидагидек айланади.

Худди шу тарзда буралувчи ҳаракатни охирги нуқтасигача бориб, жуда эҳтиёткорлик билан яна буралиш бурчагини катталаштиришга ҳаракат қиласиз. Бир неча марта пружинасимон интилувчи ҳаракат қилиб, оҳиста ўнг томонга эгилган ҳолатга қайтиб келамиз. Фақат шундан сўнгина дастлабки ҳолатга қайтамиз.

Худди шу тарздаги буралиш ҳаракатини чап томонга бажарамиз (нигоҳлар пастга ва орқага кетади).

Ён томонлама тескари буралиш. Дастлабки ҳолат олдинги машқлардагидек, яна ўнг томонга эгиламиз. Энди

чап томонга «буралишни» бошлаймиз. Бу ҳаракатда ўнг қўлнинг тирсаги олдинга ва тепага «кетади», чап қўлнинг тирсаги эса орқага ва пастга.

Гавда умуртқа поғонаси атрофида шундай бураладики, кўкрак шипга параллел жойлашади. Чап елкамизнинг орқасидан ўнг товонимизни кўришга ҳаракат қиласиз. Бу энг аъло натижага, бу натижага эришиш учун эса аста-секинлик билан яқинлашиш керак. **Буралувчи ҳаракатларни жуда эҳтиёткорлик** билан бажарамиз, оғрикли тўсиқларни назарга илмай ҳаракатни давом эттириш мумкин эмас, тўсиқларни аста-секин орқага суриб борамиз.

Шундан кейин ўнг томонга эгилиш ҳолатига тескари тартибда қайтамиз, сўнг дастлабки ҳолатга келамиз. Худди шу буралиш машқини чап томонга эгилиб ҳам бажарамиз.

Нафас олишингизни кузатинг. Бўшашган пайтда нафас оламиз.

Умуртқа поғонасининг ҳар бир қисми билан ишландан кейин нафас олиш машқини бажариб, танани бўшаشتiring.

Нафас олганда қўллар букилмаган ҳолда ён томондан тепага кўтарилади (бир-икки), нафасни ушлаган ҳолда (уч-тўрт) қўллар пастга тушади. Яна қўллар тепага (бир-икки) – нафас чиқарамиз, туширамиз (уч-тўрт) – нафас чиқаришни тугатамиз. 3-5 марта шу тарзда бажарамиз.

Дикқат! Ҳамма ҳаракатларни олдиндан ҳосил қилинган ижобий кайфиятда, ўзингизга бўлган хурмат биланроҳатланаб бажаринг. Ҳар бир машқдан сўнг, ўзингизга нисбатан ички миннатдорчилик туйғусини ҳосил қилинг.

Кўнга ва оёқ бўйимлари узун машқлар

1. **Кўл панжалари:** а) мушт қилиб сиқиб, бармоқларни кериб, очиб юборамиз (тез-тез бир неча марта тақрорланг); б) қўлларни мушт қилиб туғиб, билак

бўғимларида айланма ҳаракатни олдин бир томонга, сўнгра бошқа томонга амалга оширинг; в) олдинга узатилган қўллар полга параллел, бармоқлар билан тирсак томон интиламиз, билак бўғимларида таранглик ҳосил бўлади. Сўнгра кафтилизни бармоқларни букмаган ҳолда тепага қараб кўтарамиз, кафтларнинг асоси билан ўзимизга қараб «тортамиз».

Шу тарзда бир неча марта пружинасимон ҳаракат қилиб, сўнгра қарама-қарши томонга худди шу машқни бажаринг.

2. *Тирсак бўғими* («Арлекин»). Елка бўғимидан тирсак бўғимигача бўлган қисми полга параллел ҳолда мустаҳкамланган, тирсакдан пасти «осилиб» туради. Тирсаклар эркин айланма ҳаракатни бажаради.

3. *Елка бўғимлари* («Пропеллер»). Эркин кўйилган қўлларни олдимиздаги текисликда қўл бармоқларида оғирлик пайдо бўлгунга қадар айлантирамиз. Навбатма-навбат иккала елка бўғимларини машқ қилдирамиз. Ҳар бир қўлилизни олдин соат йўналиши бўйича, сўнгра унга қарши йўналишда айлантирамиз.

4. *Тўпиқлар*: а) битта оёғимизда турамиз. Иккинчи-си 45 градус бурчакда олдинга узатилади, оёқ учини ўзимизга қараб тортамиз (олдин ўзимизга, сўнгра пастга қараб чўзамиз), бир неча марта ҳаракатни давом эттиришга интилувчи ҳаракатларни бажарамиз;

б) турган жойимизда гавда оғирлигини у оёқдан бу оёққа ташлаб юра бошлаймиз, олдин оёқ панжасининг ташқи томонларида, сўнгра ичкари томонларида, оёқ учларида ва товоналарда.

Дикқат! Машқни тиззаларни букмасдан бажаринг!

в) навбатма-навбат оёқ панжалари билан айланма ҳаракат қиласиз, олдин бир томонга, сўнгра бошқа томонга.

5. *Тизза бўғими* (тик турган ҳолда, бир оз олдинга эгилиб, гавда, елкалар текис, нигоҳлар тўғрига қараган, кафтлар тиззада, оёқлар елка кенглигига); а) тиззалар билан айланма ҳаракат қила бошлаймиз, олдин ичкари томонга, сўнгра ташқи томонга (қўл панжала-

ри билан ҳаракатта ёрдам берамиз); б) оёқларни бирлаштириб, тиззани текислаймиз. Кафтларимиз билан тиззани текислашга ҳаракат қылғандек босамиз.

6. *Чаноқ-сон бүгими:* а) оёқларни олдин тепага күтариб, туширмасдан ён томонга (таксинан 90 градус) олиб бориб, бурчак катталигини ошириш учун интилувчи ҳаракат қыламиз. Ҳудди шу ҳаракатни бошқа оёқ билан ҳам бажарамиз; б) тиззаларни букмасдан юрамиз. Фақат чаноқ-сон бүгимлари ҳаракатта келади.

2. Ҳаётан нафас олиши

Биологик фаол нүкталарни массаж қилиб, бүгимлар ва умуртқа поғонаси учун машқларни бажариб бўлганингиздан сўнг, сизни ички сокинлик ҳолатида бажариладиган услубнинг асосий машқларини бажаришга тайёр деб ҳисоблаш мумкин.

Ички сокинлик – бу фикрни жамлаш ҳолати. Бу ҳолатта ташқи таъсирлардан холи ҳолда танани бўшаштириб, ҳиссиётларни тинчлантириб эришиш мумкин.

Биз ўз қалбимизни, у ердаги осудалик ва сокинликни тинглашни ўрганишимиз керак. Ички сокинлик – бу қандайдир чукур, илиқлик бағишловчи, юракни тўлдирувчи асл ҳақиқатни ҳис эта олиш имконини берувчи ҳолат.

Ҳақиқат шуки, биз ҳаммамиз улкан ҳаёт уммонидаги оқимнинг бир заррасимиз.

Танани бўшаштиришни, ҳамда шу ҳаёт учун туғилганлигинизни ўзидан нақадар бахтли эканингизни ҳис қилишни ўрганинг. Мана шу фикр сиз учун ягона ва асосийси бўлсин, айниқса, машғулот пайтида.

Энди машғулотни бошлаймиз.

Кулай ҳолатни эгаллаб олинг, яхшиси стулда ўтириб шугулланинг. Кўзлар юмилган, қомат тик, оёқлар полда, қўллар тиззада (оёқни оёққа қўйиб чалиштириб ўтирманг!).

Танамизни ёқимли тарзда бўшаштирамиз. Танани яхшилаб бўшаштириш учун мушаклар гуруҳини навбатма-навбат таранглаштириб, сўнг бўшаштирамиз (сон, болдир, тирсак, елка, гардан). Асосий эътиборни юз мушакларига ва кўз соққасига қаратамиз.

Киприкларингиз пирпирамаётганига ишонч ҳосил қилинг. Етарли даражада бўшашмаганликнинг белгиси — солиқ қовоқлар ва баъзи бир хўмрайишлар (пешона мушакларининг таранглашиб туриши). Тилингиз ҳам оғиз деворларига тегмаган ҳолда бўлиши керак.

Энди бутун эътиборингизни текис ва эркин нафас олишга қаратинг. Нафас олиш маромини сунъий равиша секинлатишга ёки бошқа бирор йўлни кўллаб, уни текислашга уринманг. Шунчаки чуқур нафас олинг, нафас чиқаринг, сўнгра эса хотиржамлик билан нафас олиб, нафас чиқара бошланг, шошилманг, ҳеч нима ҳақида ўйламанг.

Тахминан олти сония нафас олишга ва олти сония нафас чиқаришга ҳамда оралиқдаги узилиш икки сония — мана сизга меъёр, эртами, кечми сиз шу маромда нафас олишга эришасиз. Ҳозирча эса шунчаки хотиржам нафас олиб, нафас чиқаринг, сонияларни сабаб ўтиранг.

Нафас олишни тинчлантиргач, юрак уришига ҳам қулоқ тутинг. У ҳам бир текисда уряпти. Бу сизнинг ихтиёргиздан ташқари, беихтиёр рўй берди. Ички автосозлаш ишга тушди.

Танангизни бўшаштириб, нафас олишни бир мағомга келтиргач, фикрларингизга эътибор қаратинг. Халақит берувчи ўй-хаёллар умуман бўлмаслиги керак. Хаёлан бирор думалоқ ёки квадратни тасаввур қилиб, унга хаёлингизга четдан келаётган ўй-хаёлларни, чиқинди қутига ташлагандек ташлаб юборинг.

Фикрни жамлашни уддасидан чиқа олмаётганингизни ҳис қиласангиз, нафас олишни назорат қилинг.

Кўзларни юмиб, танани бўшаштирамиз, нафас олганда «нафас оляпман», нафас чиқарганда «нафас чи-

қаряпман» деб хаёлан тақрорлаймиз. Эътиборингизни ҳозир бажараётган машғулотингизга, нафас олиб-нафас чиқаришнинг ички ҳаракатини кузатишга қаратинг.

Агар танангиз бўшашибган, нафас олиб чиқаришингиз хотиржам, бошингиз ўй-хаёллардан эркин бўлса, ички нигоҳингиз билан ҳавони бурнингиздан ўтишини кузатинг. Ҳар гал нафас олганда бурун – ҳалқумни совуқ ҳаво қамраб ўтади, ҳар гал нафас чиқарганда иссиқлик. Шу зайл 8–10 марта нафас олиб, нафас чиқарамиз.

Сиз бу сезгиларга шунчалик кўникиб кетгансизки, кундалик ҳаёт тарзида уларни сезмайсиз. Сизнинг вазифангиз – бу сезгиларни фарқлай олиш ва уларни ихтиёрий равища ҳосил лиш.

Энди совуқ ҳаво бироз пастроқقا – қалқонсимон без қисмига тушади. Пастан тепага қараб иссиқ ҳаво кўтарилади. Ички нигоҳингизни бурун ҳалқумидан бўйиннинг олд томонига – қалқонсимон без қисмига йўналтириинг. Хаёлан қалқонсимон без орқали нафас олиб, нафас чиқараётганингизни тасаввур қилинг.

Совуқ-иссиқ, совуқ-иссиқ...

Қалқонсимон без қисми мазза қилиб нафас олаётганини жон-дилингиз билан ҳис қилинг.

Энди эса нафас олишни күёш чигали қисмида давом эттирамиз. Ҳар гал нафас олганда совуқликни, нафас чиқарганда иссиқликни ҳис қилинг.

Кейинги босқич. Тиззага қўйилган қўлларингизнинг кафтларини юзи билан тепага айлантириинг. Кафтларингиз орқали нафас олинг, ҳар гал нафас олганда совуқлик, нафас чиқарганда иссиқликни ҳис қилинг. Сўнгра оёқларнинг ости орқали нафас олишга ҳаракат қилинг.

Севимли (носоғлом) аъзоларингиздан бирини танданг, юрак ва миядан ташқари. Масалан, жигарни, у орқали худди юқоридагидек нафас олинг, нафас олганда совуқликни, нафас чиқарганда иссиқликни ҳис қилинг.

Бу ва бошқа машқларни ёшлиқ ва навқиронлик тимсолида бажаришга одатланинг.

Денгиз шамолининг ҳидини, ўрмон ёки ёмғирдан кейинги боғнинг ҳавосини эсланг.

Ҳар бир хужайрангиз билан ҳавони сингдириб олинг. Ўзингизни навқирон ва соғлом деб тасаввур қилинг. «Севимли» (носоғлом) аъзоингиз орқали нафас олиш қувончини ҳис қилинг.

Ўзингизга қулоқ туting. Ички нигоҳингиз билан айни дамда танангизнинг қайси жойига эътибор қаратсангиз, ўша қисмини «кўришга», ўша аъзони ҳис қилишга ҳаракат қилинг.

Танангиз ва аъзоларингиз ҳақида фикрларингиз ва сезгиларингиз фақат ёқимли бўлиши керак. Чунки сиз Табиатнинг яратган ижод маҳсулisisiz.

Ўзингизни зўриқтирмасдан, хотиржамлик билан ўз танангизни ҳақиқий эгасидек, бу ерда иш қандай кетаётганини кузатинг.

Лекин... машқларни бажаришга ўзингизни мажбурламанг. Айниқса, дастлабки пайтларда.

Ҳозир эса шу пайтгача ўрганган машқларимизни қисқача тақрорлаб ўтамиш:

1. Атомануал комплекс (бошимиздаги биологик фаол нуқталарни массаж қилиш).
2. Умуртқа погонаси учун машқлар.
3. Оёқ ва қўл бўғимлари учун машқлар.
4. Хаёлан нафас олиш.

Агар бу дастурни бир қун ичida ўзлаштира олсангиз жуда зўр. 2-3 кунда ўзлаштирсангиз – бу ҳам ёмон эмас.

УЧИНЧИ ДАРС

- 1. Бүгимлар машқи***
- 2. Халык нафас олиш***
- 3. Тасаббұрғын машқ қылдырыш**
- 4. И, Ж, С сөзіларының билан иштеш
(И – иссиктік, Ж – жимирлаш,
С – союқтік)**
- 5. Хисептіларни машқ қылдырыш (бошланған
босқын)**

Бу дарсда биз түрли хил қизиқарлы машқларни ўзлаштириш билан бир қаторда ўз олдымизга иссиктік, жимирлаш ва союқ сезгиларини ўзимизда ихтиёрий равища ҳосил қилиш вазифасини қўямиз.

Дарсни аутомануал комплексдан бошлаймиз, сўнгра бўғимларни ва умуртқа поғонасини машқ қилдирамиз, фақат шундан сўнг тимсолий нафас олишга ўтамиз.

Машғулот пайтида тизимдаги машқлар тартибини ўзгартирмасликка ҳаракат қилинг, ҳеч нимани ўтказиб юборманг, бажараётган машқни ўзлаштирмай кейингисига ўтманг.

* Бу ерда ва давомида берилган * белгили машқларни, олдинги дарсларга асосланган ҳолда мустақил равища бажаринг.

*3. Ҳаёлан тасаввур билан иштани машқ қилиши**

Кўзларни юмиб, ҳаёлни жамлаб, ҳеч нимага чалғи-масдан роҳат билан иштаймиз. Иложи борича фараз қилинаётган тимсолларни ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг.

Ҳаёлан қўға олиши машқ қилиши:

- авторучка қофозга оҳиста сизнинг исмингизни ёзмоқда;
- авторучка айлана, учбурчак, квадратларни чизяпти;
- яна айлана, доира шарга айланиб — олдин оч кулранг, сўнгра оқ, пушти, тўқ сариқ бўлиб, худди қуёш сингари нур сочади;
- олдингизда севимли гулингиз, уни синчиклаб қараб чиқинг;
- ўзингиз севган инсонларни кўз олдингизга келтиринг.

Ҳис қилиши

Тасаввур қилинг, сиз мушукни ёки кучукчани силаяпсиз. Уларнинг юнгини ҳис қилишга ҳаракат қилинг. Кимнингдир қўлини қисиб қўйингиз (қўлни қисиб қўйилишини ҳис қилинг).

Ҳаёлан биринчи ёқсан қорга оҳиста кўл теккизаётганингизни, севимли гулингиз эзилиб кетмаслиги учун эҳтиёткорлик билан ушлаётганингизни, дараҳт пўстлоғига, оқаётган сувга кўл теккизаётганингизни тасаввур қилинг.

*Бу машқ асоси Роберто Ассаджолининг «Психосинтез. Теория и практика. От душевного кризиса к высшему Я» – Refl-Book, 1994. китобидан олинган.

Нафақат хаёлан ҳис қилишга, шу билан бирга ҳис қилаётганимизни «қўриш»га ҳаракат қиласиз.

Машқни такрорланг.

Хид сөзиши

Сиз ўзингиз ёқтирадиган атирнинг ҳидини, севимли гулингизни, қарағай ўрмонидаги ҳавони, гулхан ҳидини, денгиз ҳидини ҳидлайсиз.

Ҳаракатланиши

(*хаёлан танамизниң ҳаракатланишини тасаввур қиласиз*)

Сиз машина бошқариб кетяпсиз; севимли спорт тури билан машғулсиз; олдин юриб, сўнгра юргурганча тўлқинлари қирғоққа урилаётган қирғоқ бўйлаб кетяпсиз.

Мушакларингизнинг ҳар бир ҳаракатини ҳис қилинг.

Шаам билиш

Банан ёки қатиқнинг мазасини ҳис қилинг, тасаввур қилингки, тамадди қилишга ўтирадингиз, ўзингизнинг севимли таомингизни тановуву қиляпсиз. Ҳар бир луқма таомнинг тўйимли ва мазали эканини ҳис қилинг.

Эшишиш

(*кўзниф албашла имуқ*)

Кўзларни юмиб, хаёлан қуйидаги овозларни тинглашга ҳаракат қиласиз: транспорт шовқини, ёмғир шовқини, ўйнаётган болаларнинг шовқини, қирғоққа урилаётган тўлқин шовқини, сукунаттага оҳиста сингиб бораётган қўнфироқнинг овози.

Ҳамма машқларни зўриқтирмасдан, ўзингиз учун таниш ва ёқимли бўлган тимсолларни тасаввур қилган ҳолда бажаринг. Шу билан бирга дикқатни жамлаш ва уни фақат тасаввуримиздаги тимсолга йўллаш қобилиятини машқ қиласиз.

Сезги аъзоларининг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ. Биронтасидаги камчилик бошқасининг фаоллиги билан тўлдирилади. Демак, қайси тасаввурларимизни (кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва б.) машқ қилдириб, ривожлантиришимиз керак. Унутманг: нима устида ишласангиз, шу нарса ривожланади.

Сизга омад тилаймиз!

1. И, Ж, С сезилари билан ишлаш (иссиқ, жимирилаш, совуқ)

Энди машфулотимизнин асосий машқларига киришамиз – иссиқлик (И), жимирилаш (Ж), совуқ (С) сезиларини ўз ихтиёrimиз билан ҳис қилишни ўрганамиз.

Бу машқда энг асосийси хаёлан тасаввур қилаётган тимсолингизни ёрқинроқ кўришга ҳаракат қилинг. Шошибилманг.

Агар китоб бўйича мустақил шуғулланиб, айтилган машқларни бир кунда ўзлаштира олмасангиз, уларни икки кунда ўзлаштиришингиз мумкин, лекин ундан ортиқ эмас! Соғайиш муддатини чўзиб юбориш мумкин эмас!

Демак, бошладик. Келинг, иссиқлик сезгисини ҳосил қилишдан бошлаймиз.

Иссиқлик (И)

Кўзларингизни юмиб, танангизни бўшаштиiring. Танангизнинг истаган қисмини танлашингиз мумкин (**юрак ва мия қисмидан ташқари**). Танангизнинг шу қисмини қизиётганини тасаввур қилинг.

Ёзниг қуёшли кунида пляжда ётибсиз, қуёшнинг нурлари танангизга сингиб боряпти. Ёки ўрмондаги овчилар кулбасидаги иссиқ печкага суюндингиз... Ҳар ким ўзи учун ёқимли ва таниш бўлган тимсолни тасаввур қиласди. Машқни бир неча марта такрорланг.

Жимирлаш (Ж)

Бу ерда ҳам худди **И** – иссиқлик сезгиси билан ишлагандек ишланади. Тасаввур қилинг, танангизнинг қайсирид қисмини «босиб», анча ўтириб қолдингиз, турганингиздан кейин эса ўша жойда чумоли ўрмалагандек ёки минглаб ниналар санчилгандек ёки енгил жимирилаш ҳосил бўлади. Ўзингиз учун қулай бўлган жимирилаш тимсолини топинг.

Совуқлик (С)

Юқорида айтиб ўтилган вариантдаги сезгилар билан қандай ишлаган бўлсак, худди шу тарзда ишлаймиз. Танамизнинг истаган қисмини (**юрак ва мия қисмидан ташқари**) танлаб оламиз. И ва Ж билан ишлаган қисмларни ҳам танлаш мумкин.

Хаёлан салқин шабада эсаётганини тасаввур қилинг, ички нигоҳингиз ўйналтирилган танангизни ўша қисми эса ҳеч нима билан ёпилмаган ёки чўмилишдан кейин танангизнинг ўша қисми ҳали ҳам нам ёки ўша жойга совуқ қўлларингизни кўйганингизни тасаввур қилинг. Ўзингиз учун ёқимли бўлган совуқлик тимсолини топинг. Агар бирданига иссиқлик ва жимирилаш (**И+Ж**) ёки совуқлик ва жимирилаш (**С+Ж**) сезгилари ҳосил бўлаётган бўлса, уларни ажратиб, алоҳида ҳосил қилишга уринманг. Бу маҳорат ҳали кейинги машғулотларимизда асқотади.

Иssiқлик ва совуқлик сезгиларини ёрқинроқ тасаввур қилишнинг яна бир самарали усуllibаридан бири, бу – тимсолий нафас олиш. Тасаввур қилинг, бурун орқали нафас олганда кирадиган совуқ ҳаво оқими, хаёлан сиз совутмоқчи бўлган танангизнинг қисми орқали ўтади ва ўша жойда совуқлик сезгисини ёки нафас чиқаргандаги иссиқлик ўша жойда иссиқлик сезгисини ҳосил қиласди.

Баъзан бирданига комплекс сезгилар ҳосил бўлиши мумкин, иссиқлик ва жимирилаш (**И+Ж**) ёки совуқлик

ва жимиirlаш (**С+Ж**). Жуда соз! Уларни алоҳида ҳосил қилишга уринманг. Бу маҳоратингиз келгуси машқларда керак бўлади.

5. Ҳиссиётларни машқ қилиниш (бошланамт босқиң)

Ҳиссиётлар, айтиб ўтганимиздек, ички ҳолатга ва унинг асорати сифатида ташқи кўринишга ва саломатликка таъсир кўрсатади. Демак, ҳиссиётларни бошқаришни ўрганишимиз керак. Буни қандай амалга оширамиз?

Бу босқичда тескарисига иш тутиш керак. Агар ҳиссиётлар ташқи кўринишга таъсир этса, ташқи кўриниш ҳам ҳиссиётга таъсир этар экан.

Актёрга айланамиз. Бахтсиз одамнинг ролини ижро этишга киришамиз. Ролни астойдил, росманасига ижро этамиз, танани бўшаштириб, мияни ҳам кераксиз фикрлардан халос этинг.

Мунғайиб эгилинг, букчайиб ўтиринг, қўлларни ёнга осилтиринг! Оғиз бурчаги пастга қараб кетган, қошлар бечораҳол одамники сингари бир-бирига талпинган. Бироздан кейин ўзингизнинг ички ҳолатингизга қулоқ туting, уни кузатинг. Хаёлингизга келаётган фикрларга эътибор беринг. Ҳойнаҳой бу ўзингиз учун ёқимли бўлган фикрлар бўлмаса керак, албатта, бу ўтмишдаги ранж-аламлар, омадсизликлар, хатолар. Бироз олдин сиз булар ҳақида ўйлашни ҳам ўйлаб кўрмаган эдингиз. Бу фикрларга гавдангизнинг ҳолати, юзнинг ифодаси, қоматни букчайиб қолиши сабабчи бўлди.

Энди тўғри ўтириб олинг, бошингизни кўтариб, елкаларингизни ростланг. Худди ҳозир оғир юкни ташлаб юборган одамдек чуқур нафас олинг. Сиз табассум қиляпсиз, тўғри эмасми? Энди хаёлингизга ҳам ўзингиз учун ёқимли бўлган ўй-хаёллар кела бошлади, қалбингизда эса қувонч ва енгиллик пайдо бўлди. Бу қувноқ

енгилликка ҳам сизнинг ташқи ҳолатингиз, қаддингизнинг ҳолати сабабчи бўлди.

Энди машқни мураккаблаштирамиз. Яна баҳтсиз одамнинг қиёфасига кирамиз.

Бошингизни осилтириб, йиғлаб юбормоқчи бўлаётган одамдек бир неча марта хўрсиниб нафас олинг. Менимча сиз йиғлайпсиз шекилли, кўзларингиз беихтиёр ёшга тўлдими? Уларни ушлаб қолишга уринманг.

Эсланг, ҳаётингиздаги аччиқ алданишлар ва йўқотишлиарни эслашга ҳаракат қилинг. Йиғланг, йиғлайвенинг, бу уят эмас, кўз ёшларимиз билан бирга ранжу аlamларимиз ҳам ювилиб кетади! Болалигингишни эсланг! Аччиқ-аччиқ, юпатиб бўлмас дараражада йиғлашга ҳаракат қилинг!

Етарли. Тўхтатинг. Болаларнинг кўз ёшлари қанчалик тез қуришини эсланг. Бошингизни кўтариб, елкаларни ростланг. Чукур нафас олинг. Келажагингизга табассум қилинг. Хотиржамлик ҳолатига ўтинг. Шу ҳолатни эслаб қолинг.

Энди эса кулиб юборишга ҳаракат қилинг. Кулгиниз аввалига бироз сунъийроқ чиқса ҳам майли. Қотибқотиб кулинг. Ичакузди бирор воқеани эслаб кўринг. Бошқасини! Кейингисини!

Эслаш учун унчалик ҳам узоқ вақт кетмайди, хотиррангизни ўзи сизга бундай воқеаларни кетма-кет қалаштириб ташлайди. Овоз чиқариб кулинг, ўзингизни ушлаб турманг, бу ҳам уят эмас. Фам-ташвишсиз болалик пайтларингиздагидек юракдан чиқариб, мазза қилиб қотиб кулинг!

Энди яна хотиржамлик ҳолатига ўтинг.

Шу тарздаги бир ҳиссиётдан қарама-қарши кайфијатга ўтиш ҳолатини маятник принципи дейилади.

Бугунча етарли. Китобни бекитиб кўйинг, кейинги саҳифага мўраламанг. Эртанги кунга ҳозирлик кўриб, дам олинг. Олдинда сизни жуда кўплаб қизиқарли ва янги нарсалар кутяпти, қандайдир яхшиликни кутишнинг ўзи ҳам хосиятли кучга эга.

ТҮРТИНЧИ ДАРС

- 1. Бүгимлар машқи***
- 2. Хаёлниң нағас оғын***
- 3. Ҳиссияттарни машқ қылдырыш***
- 4. Соғылган тана қисмларында И, Ж, С
сөзмаларини ҳоснан қылыш
— ғабданынг пасткы қисми (қындыккала)
— ұмуртқа позонасы
— құлға ва алқа қисмлары**
- 5. Шоғалаш меканиздарини иши түшириш
(жинар ба бүйірек бұлан иштеш)**
- 6. Күйиш қобылыштарини ба/әки әшитишни
создаш****
- 7. Контактпен з инноватология аутомассаж****

Энг асосий масала вужуднинг биологик ёшариш жараёнини тиклаш. Соғылқын тиклаш йўл-йўлакай қўлга киритилса-да, кам аҳамиятли масала эмас, унинг ечимига олиб борадиган йўлни босқичларга бўлишга тўғри келади. Нима учун бундай йўл тутишимизга тўғри келаётганини тушунишга ҳаракат қиласиз.

**М. Норбеков китобига қаранг. Тренировка тела и духа. — М., 2006.

Биринчидан, ўтмишдаги омадсиз тажрибалар, соғайиш йўлидаги омадсиз уринищларнинг аччиқ хотираси.

Иккинчидан, кўзлаган натижага дарров ва бирданига эришиш истаги.

Учинчидан, нотўғри ҳаёт тарзи.

Бу рўйхатни яна узок давом эттириш мумкин.

Бундай ҳолатларда Шарқ табобати ўз стратегиясини таклиф қиласди.

Биринчидан, жигарга тушаётган оғирликни бартараф этиш – организмда тўпланиб қолган шлакларни йўқотиш.

Иккинчидан, жигар учун оғир юк бўлаётган ичак фаолиятидаги носозликларни бартараф этиш.

Масалан, меъда-ичак фаолияти бузилиши оқибатида жигар ҳам, ичак ва бошқа аъзолар ҳам ёмон ишлай бошлайди. Боши берк кўчага кириб қолган жигар учун бу ҳолатдан чиқиб кетиш қийин кечади.

Хасталик бошқа аъзолар фаолиятини ҳам издан чиқаради, тананинг ҳимоя кучлари эса кундан-кунга заифлашиб бораверади.

Худди шу тарзда носоз меъда овқат ҳазм қилиш жараёнини тўқис амалга ошира олмайди, бундан ичак азият чекади. Яхши ҳазм бўлмаган овқатнинг бижғиган маҳсулоти ва заҳари организмга келиб тушади, чунки меъда, жигар, буйрак ва бошқа аъзолар рисоладагидек ишлаганида буни зарарсизлантириш мумкин бўларди. Занжирдек бир-бирига боғлиқ аъзолар ёрдам сўраб «дод» сола бошлашади, чунки уларнинг аҳволи оғирлашгандан оғирлашиб боряпти.

Бундай шароит юзага келганда Шарқ табобати чалитувчи усульнини кўллади.

Тоғларга чиқсан бўлсангиз, у ерда ўз кучингизга нисбатан беихтиёр пайдо бўладиган ишончсизлик туйғуси сизга таниш бўлса керак. Чўққининг баландлиги, унга олиб борадиган йўлнинг тикка ва охири кўринмаслиги сизни чўчитади.

Онг ости даражасида пайдо бўладиган бундай қўркувдан қандай халос бўлиш мумкин?

Унча баланд бўлмаган чўққини танлаб, ўзимиизга деймиз: «Ўша ерга шошмасдан, ўзимни қийнамасдан кўтарилиман-да, у ёғига йўлда давом этиш-этмасликни кейин ўйлаб кўраман».

Ўша чўққига кўтарилиганингиздан кейин, кичкина фалабани қўлга киритиб, энг катта тошнинг устига чиқиб олиб, кўкрагингизни кериб турганингизда, ўзингиздаги қўрқувни ва олдиндаги қийинчиликларни сенгиб ўта олганингиздан сизда ҳайратланарли ёқимли туйғу пайдо бўлади.

Ўз устингиздан эришган фалабанинг қувончини ҳис қилиш учун сизда яна йўлда давом этиш истаги уйғонади ва сиз узоқларга ҳамда баланд чўққиларга етакловчи йўлда давом этасиз.

Мўъжиза!

Сиз бирданига оёқларингиз камроқ чарчаётганини, юрагингиз ҳам бир текисда ураётганини, нафас олиш ҳам қанчалик енгиллашганини сезиб қоласиз! Худди ўпкаларингиз бу тоғларни бағрига босмоқчи, унинг булоқдек тиниқ ва тоза ҳавосини ўзига шимиб олмоқчи бўлаётгандек!

Навбатдаги тепаликка сиз энди камроқ чарчоқ билан, лекин қалбдаги тантана билан кўтариласиз.

Энг муҳими – чўққи ҳақида ўйламаслик! Ич-ичингизда шундай кайфият ҳосил қилинг: етиб олсам яхши, етиб бора олмасам – унда ҳам ёмон эмас. Лекин онгингизнинг махфий бурчакларида, унинг туб-тубида ўзингизга бўлган ишончни, юксак чўққиларни забт эта оладиган тимсолингизни ушлаб туринг.

Шу тариқа биз бу чўққини забт эта оламиз, чунки унинг ярим йўлидаёқ сизни табиий равишда соғайиб кетиш кутиб турибди.

Тўғри, чўққиларни ҳозирча бу ердан туриб кўришнинг иложи йўқ, лекин шуни аниқ биласизки, у ерда сиз ёшарган, кучли, танангиз ҳам табиий ҳолатига яқин эгилувчан, истакларга тўлиб-тошган, орзу қилишга қодир ҳолда намоён бўласиз.

Ҳар ҳолда ўз хасталиклари устидан ғалаба қилишга эришган курс тингловчилари шундай деб ёки тахминан шу тарзда гапиришади.

Дастлаб сиз ҳаракатингизни касалликнинг қоронги дунёсидан бошлаб, соғайишга олиб борадиган йўлга қадам-бақадам юра бошлайсиз. Шунда бирданига олдинда ёруғлик пайдо бўлиб, сиз аввал бир оз нокулайликлар билан у томонга йўргалайсиз, ёруғлик эса ёруғроқ-ёруғроқ бўлиб бораверади, энди зулмат йўқ, у йўқолди. Дастлабки пайтлар учун қалбингизда сунъий равишда ҳосил қилган ёруғликдан қўрқиб фойиб бўлди.

Ха, айнан қалбингиз сизга ёрдамга келади. Нима учун ақлингиз эмас?

Ўзингиз ўйлаб кўринг, наҳотки умрингиз мобайнида эгаллайдиган биз ақл деб атайдиган бир ҳовуч билимларингиз, яратувчи – Табиатнинг донишмандлигидан ҳам донороқ бўлса?

Лекин биз кўпинча Табиатнинг ишига аралашамиз, ҳалақит берамиз, бирор фалокатли вазиятга дучор бўлганда эса ақл ноиложлик белгисини намойиш этиб елкасини қисганча жим қолади.

Демак, босқичларга қайтамиз.

Хасталиқдан саломатлик ва навқиронликкача бўлган бутун масофани енгиллик билан забт этиш мумкин бўлган баландликларга бўлиб чиқамиз.

Энг сўнгги мэррага ҳозирча қарамай турамиз, биз уни хотирамизда ушлаб туриб, яқинроқдаги чўққиларга қараймиз.

Бу қандай босқичлар?

1. Аввалинбор тизимнинг хотирамиздаги асосий ҳолатларини қараб чиқамиз. Сиз амин бўлганингиздек, уни ўзлаштириш сиздан ҳеч қандай ўта қийин ҳаракатни талаб қилмайди. Бу ҳаракатларни ҳатто ёш бола ҳам бемалол уddeлаши мумкин. Умуман айтганда, машғулотнинг умумий комплекс машқларига киришганингизда беғубор ва меҳрибон қалб эгаси бўлган қизикувчан болакайга айланишингиз айни муддао бўлади.

ТҮРТИНЧИ ДАРС

1. Берилар машқи*

2. Хаёттук нафас олиш*

3. Ҳисснёттарни машқ қызығыш*

4. Берилган тана қисметтердә И, Ж, С

сөзмаларини ҳосия қылыш

— ғабданынға пастки қисми (қиндиққала)

— үмүртқа позонасы

— құлға да алқа қисметтери

5. Шоғалаш механизмини иши шүшиғыш

(жығар ба бүйірек билан иштеш)

6. Қараш қобиляттани ба/ёки зияншыны

создаш**

7. Контактсуз инокологиик аутомассаж**

Эң асосий масала вужуднинг биологик ёшариш жараёнини тиклаш. Соғлиқни тиклаш йўл-йўлакай қўлга киритилса-да, кам аҳамиятли масала эмас, унинг ечимига олиб борадиган йўлни бўскичларга бўлишга тўғри келади. Нима учун бундай йўл тутишимизга тўғри келаётганини тушунишга ҳаракат қиласиз.

**М. Норбеков китобига қарант. Тренировка тела и духа. – М., 2006.

Биринчидан, ўтмишдаги омадсиз тажрибалар, соғайишиш йўлидаги омадсиз уринишларнинг аччиқ хотираси.

Иккинчидан, кўзлаган натижага дарров ва бирданига эришиш истаги.

Учинчидан, нотўгри ҳаёт тарзи.

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Бундай ҳолатларда Шарқ табобати ўз стратегиясини таклиф қиласди.

Биринчидан, жигарга тушаётган оғирликни бартараф этиш – организмда тўпланиб қолган шлакларни йўқотиши.

Иккинчидан, жигар учун оғир юқ бўлаётган ичак фаолиятидаги носозликларни бартараф этиш.

Масалан, меъда-ичак фаолияти бузилиши оқибатида жигар ҳам, ичак ва бошқа аъзолар ҳам ёмон ишлай бошлайди. Боши берк кўчага кириб қолган жигар учун бу ҳолатдан чиқиб кетиш қийин кечади.

Хасталик бошқа аъзолар фаолиятини ҳам издан чиқаради, тананинг ҳимоя кучлари эса кундан-кунга заифлашиб бораверади.

Худди шу тарзда носоз меъда овқат ҳазм қилиш жараёнини тўқис амалга ошира олмайди, бундан ичак азият чекади. Яхши ҳазм бўлмаган овқатнинг бижғиган маҳсулоти ва заҳари организмга келиб тушади, чунки меъда, жигар, буйрак ва бошқа аъзолар рисоладагидек ишлаганида буни зарарсизлантириш мумкин бўларди. Занжирдек бир-бирига боғлиқ аъзолар ёрдам сўраб «дод» сола бошлашади, чунки уларнинг аҳволи оғирлашгандан оғирлашиб боряпти.

Бундай шароит юзага келганда Шарқ табобати чалитувчи усульнни кўллади.

Тоғларга чиққан бўлсангиз, у ерда ўз кучингизга нисбатан беихтиёр пайдо бўладиган ишончсизлик туйғуси сизга таниш бўлса керак. Чўққининг баландлиги, унга олиб борадиган йўлнинг тикка ва охири қўрин-маслиги сизни чўчитади.

Онг ости даражасида пайдо бўладиган бундай кўркувдан қандай халос бўлиш мумкин?

2. Энди нафақат жигарингизни, бутун танангизни заҳарлаётган шлаклар билан машғул бўламиз. Тозалаш механизмини ишга туширамиз. Буни қандай амалга ошириш ҳақида кўйида баён этилган.

Шлаклар чиқиб кета бошлаганида ёқимли енгиллик ҳисси пайдо бўлади, юрак-қон томирлари системаси, моддалар алмашинуви фаолияти, жигар, буйрак, меъда-ичак фаолияти меъёрга келади. Қон тозаланади, ўзингизни жуда яхши ҳис эта бошлайсиз. Бу сиз забт этишга эришган биринчи чўққи.

3. Энди ичакларимизга эътиборимизни қаратамиз. Уларни тартибга келтиришда жуда оддий ва самарали бўлган машқимиз бор. Ичаклар ўз иш фаолиятини кундан кунга яхшилаб бориши натижасида бошқа аъзолардаги оғирликлар ҳам бартараф бўла бошлайди. Сизни хасталикда ушлаб турувчи боши берк кўчадан чиқиб оласиз.

4. Кейинги муаммо – барча аъзоларда озуқа таъминотини яхшилаш, ички аъзоларни қон билан озиқлантириб турувчи капиллярларни, қўшимча каналларни ишга туширамиз.

Капиллярларимиз иккинчи юрак ҳисобланади. Одатда уларнинг 90 фоизи фаолиятсиз бўлади. И, Ж, С сезгилари билан бажариладиган машқлар орқали биз уларни ишга туширамиз.

Ингичка қон томирчаларини машқ қилдириш орқали биз барча аъзоларнинг мия билан алоқасини тиклаймиз. Натижада эса миянинг тана аъзоларига ва бутун вужудга таъсири ва назорати кучаяди.

5. Хасталик тўқималарни ишдан чиқарди, «илматешиклар» пайдо қилди. Танамизда чандиқлар, тиртиқларнинг изи пайдо бўлди, ички аъзоларда ҳам кўринмасада аҳвол шу. Уларни бартараф этишга киришамиз. Бунинг учун бизда маҳсус машқ бор. Ташқи «нишон»ни танлаб оламиз ва у билан ишлаймиз.

Бир неча кундан кейин «мўлжалдаги нишон» фойиб бўлади, унинг кетидан бошқа нуқсонлар ҳам бартараф бўла бошлайди, теридаги нуқсонлар қандай йўқолган бўлса, ички аъзолардаги нуқсонлар ҳам худди шундай

йўқолади. Айтгандай жигаримизнинг аҳволи қандай? Биз у билан маҳсус ишлаганимиз йўқ, лекин у меъёрдагидек фаолият юритиб, ҳимоя кучини оширияпти.

6. Демак, кейинги тепалик – тананинг ҳимоя кучини ошириш. Инсон танаси Табиат томонидан 8–10 ҳисса ҳимоя кучи билан таъминланган. Ўйлаб кўринг-а, бундай ҳимоя кучини ёриб ўтиш учун қанча узоқ ва қандай куч билан танамизга зарар келтиришимиз керак!

Касал бўлдингизми, демак, сиз уни ёриб ўтдим деяверинг. Лекин саломатлик, навқиронлик ва уйғунлика етакловчи йўл бор; фақат ғалабага эришгунча уни босиб ўта оласизми ёки йўқми, бу сизга боғлиқ.

Агар жавоб «ҳа» бўлса, машқуларни ўзлаштириш баробарида борган сари вужудингизнинг ҳимоя кучини ошириб, тасаввурингизни ва танангизни ўз истак ва интилишларингизга бўйсундириш қобилиятини ривожлантириб борасиз.

Аслида тана бошқарилади. У фақат бизнинг хаёлимиздаги режаларни амалга оширади. Айнан шунинг учун тезкор ва барқарор натижага эришилади.

Софайиш уйни бошдан-оёқ таъмирлаш ишига ўхшаш жараён. Аввал бажариладиган ишни чамалаш, керакли материалларни тўплаш керак, кейин эски сувоқларни, бўёқларни кўчириб ташлаб, ана ундан кейин оқлашга, бўяшга ва гулқоғоз ёпиштиришга киришса бўлади.

Бу курснинг машғулотлари ҳам худди шундай таъмирлаш иши сингари амалга оширилади. Бирининг кетидан иккинчисини бажаришга киришамиз, иш тартибини ўзгартириш мумкин эмас. Мана, нима учун муваффақият сари босқичма-босқич ҳаракат қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Вужудни софайтиришнинг уч босқичи ҳақида гаплашамиз.

1-босқич – услубни ўзлаштириш, тозалаш механизми ишга тушириш.

Бу айтиб ўтганимиздек, тайёрлов босқичи, лекин биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Биз келгуси муваффақиятлар учун пойдевор тайёрлаяпмиз. Нимадан бошлаймиз?

Аввал бошланишида қачонлардир сизга қўйилган ташхисларни унунинг, чунки бирор аъзо касал бўлса, тимсолий айтганда, бутун уй емирила бошлайди. Нима учун? Чунки шу пайтгача ўз танангизга нисбатан ижарачидек муносабатда бўлдингиз, уни яхши парвариш қилмадингиз.

Эслаб қолинг, сиздаги ҳар қандай касаллик – танангизни ўзингиз яратиб берган шароитта мослашуви!

Ха, танангиз аъзолардан ташкил топган, лекин уларнинг ҳаммаси бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига қарам. Узоқ йиллик beminnat хизматлари эвазига улар сиздан миннатдорлик ҳам, ғамхўрлик ҳам, меҳр ҳам кўрмади.

Мана шунинг учун ҳам ўзингизга нисбатан муносабатингиз аъзолар йифиндиси сифатида эмас, балки бир бутун яхлит эканингизни ҳис этишдан бошлашингиз, ёшаришга, фаол, соғлом ва кучли инсон бўлиб ўзгаришга эҳтиёж ва хоҳиш сезишингиз керак.

Сизнинг вужудингиз буни амалга ошира олади, чунки ўзини тиклаш қобилияти унга табиатан берилган.

«Юрагингдаги навниҳол кўчатни эҳтиёт қил ва бир кун келиб унда албатта сайроқи күш ин қуради», деган хитой мақоли бор.

Юракдаги дараҳт барг ёзиб гуллай бошлаши билан, сизда ҳам ҳаммаси ўз-ўзидан изига тушиб кетади, чунки сиз бунга аллақачон тайёр бўлган бўласиз. Бу ишда сизга ҳиссиятларни машқ қилдириш ва сезгилар билан (**И, Ж, С**) ишлаш ёрдам беради.

Машғулотлар режасини имкониятингиз даражасидан келиб чиқсан ҳолда тузинг, лекин мўлжални шу имкониятдан бироз баландроқ олинг. Кичик масофаларни бирин-кетин енгиб ўтинг. Биринчи босқични тугаганини қайси аломатлардан билиш мумкин?

Теридаги чандиқларни йўқола бошлагани биринчи босқичнинг тугаганини билдиради. Баъзан бу маҳсус машқларсиз ўз-ўзидан рўй беради. Айнан шу пайтдан II босқич, яъни «капитал таъмирлаш» иши бошланади.

II босқич – асосий машқларни ўзлаштириш.

Соғайишнинг бошланиши, кўп йиллик дарддан қор кўчкисидай фориф бўлиш билан уланиб кетади.

Агар мияга дастурни тўғри бериб, уни назорат қилиб турсангиз, одатда жараён худди ўзи ишлайтган каби сингил кечади.

Агар дастурни саломатлик ва навқиронликка йўналтирангиз, мия уни бажаради, танангизнинг аъзолари миянгизга бўйсунган ҳолда бошқача фаолият олиб боради. Демак, соғайиш бу ҳолатда хушёқиши сезгисининг пайдо бўлиши билан кузатилади.

Куйидаги 1-жадвалда тингловчиларда кўриш ва эшитиш қобилиятини тиклаш ҳамда чандиқларнинг йўқолиши бўйича ўтказилган табиатдаги иқотларнинг ўртача кўрсаткичи келтирилган.

III босқич – натижаларни мустаҳкамлаш ва биологик ёшаришнинг бошланиши.

Улкан фиддирак айланишни бошлади ва айланишда давом этаверади. Энди у анчагача сизнинг ёрдамингиз сиз ҳам айланаверади (деталлар қанча яхши мойланган ва бириктирилган бўлса ўнча яхши). Лекин... табиатда абадийдвигателнинг ўзи йўқ. Фиддирак айланиши тўхтаб қолмаслиги учун ҳар замонда унга ёрдам бериб туришини унутманг.

1- жадвал

Дарслар	Кўриш ва эшитиш қобилиятининг яхшиланиши % якуний кўрсаткич	Чандиқларнинг йўқолиши % якуний кўрсаткич
Учинчи	10–15	Машқни қўллаш йўқолишининг бошланиши
Тўртинчи	10–20	
Бешинчи	20–30	10–20
Олтинчи	30–50	20–40
Еттинчи	40–60	30–60
Саккизинчи	50–70	60–80–100
Тўққизинчи	60–80	70–100
Ўнинчи	50–70	70–100 (факат чизиқчагина қолди, холос)

Доимий равища профилактика юзасидан бўғимлар машқини бажариб боринг, эҳтиёж доирасида ИЖС сезгилари билан ишланг, энг муҳими эса руҳиятингиз тетикилигини, саломатлик, навқиронлик ва уйғунлик ҳолатида қолиш истагини йўқотманг. Бундай ҳолат сизнинг ёшингизга ҳам, ташқи шартларга ҳам боғлиқ эмас, у фақат ўзингизга боғлиқ.

Энди эса бевосита машғулотларга ўтамиз. Бошланишига бўғимлар машқини ва хаёлан нафас олиш машқини бажарамиз.

Сўнгра олдинги дарсларда ўрганган ҳиссиётларни машқ қилдириш машғулотларини такрорлаймиз ва асосий машқларни ўзлаштиришга киришамиз Шундан кейин, кимда эҳтиёж бўлса, кўриш (ёки эшлитиш) қобилиятини яхшилаш устида ишлаши мумкин, хонимларимизни эса олдинда контактсиз гинекологик аутомассаж кутмоқда.

4. Берилган тана қисмларнида И, Ж, С сезгиларини ҳосил қилиш

Олдинги дарсларда сиз ўзингизда ихтиёрий равишида ИЖС – иссиқлик, жимиirlащ, совуқлик сезгиларини ҳосил қилишни ўрганган эдингиз. Бу сизда ўзингизга бўлган ишончни оширди, шундай эмасми? Ундан ташқари, ўз устингда ишлаш жуда ёқимли. Келинг, мана шу кайфиятда ишга киришамиз.

Мана шу сезгиларни танамизнинг керакли қисмларидаги ҳосил қилишни ўрганишни бошлаймиз.

Гавданни тасаввур қиласми (қинодикката)


Иссиқлик тимсолини тасаввур қиласмиз.

Тасаввур қилинг, қирғоқда қуёшда тобланиб ётибсиз (лекин гавдангизнинг тепа қисми соябоннинг остида, қуёшда фақат қорнингиздан пасти ва оёқларини-

гиз) ёки иссиқ ваннада ўтирганча хотиржамлиқдан роҳатланяпсиз...

Сиз И сезгисини ҳосил қилишга ёрдам берадиган ўз тимсолингизни топинг. Ўзингизни машқ бажаришга мажбурламанг. Енгил эринчоқлик билан ишланг.

Сезгини 30 сония ушлаб туриб, сўнгра уни «сошиб» юборамиз. Шундан сўнг, иссиқлик тимсоли ёрдамида тананинг пастки қисмиди иссиқлик сезгиси ҳосил қилиб, яна «сошиб» юборамиз. Машқни уч бора тақрорлаймиз. Худди шундай уч марта Ж (жимирилаш) сезгисини, сўнгра С (совуқлик) сезгисини танамизнинг керакли қисмиди ҳосил қилиб, сезгини ушлаб турамиз (30 сониядан) ва роҳат билан ишлаймиз (6-расм).



6-расм. Тана қисмларида И, Ж, С сезгиларини ҳосил қилиши.

Сиз совуқ сувга белингизгача кириб, у ёғига сувга кириш фикридан қайтдингиз, қирғоққа чиққанингизда бирданига шамол эсіб қолди... Агар сизда И + Ж ёки С + Ж сезгилари комплекс равища ҳосил бўлса, ўзингизни табриклишингиз мумкин, сиз берилган вазифани қисқа муддатда уddeладингиз.

Умуртқа поғонаси

Иссиқдан бошлаймиз. Умуртқа поғонаси ички томондан қизиётганини тасаввур қилинг, гёй иссиқлик умуртқа поғонасининг тепадан пастга бир поғонадан иккинчи поғонасига, то думғазагача ҳаракатланаётганини ва яна тепага кўтарилаётганини тасаввур қилинг (30 сония). Иситиш кенглиги 10–15 сантиметр. Худди шу тарзда Ж – сезгиси билан, сўнгра С – сезгиси билан ҳам ишлаймиз. Унутманг Ж – сезгисини И ва С сезгилари орасида ёки улар билан бирга ҳосил қилиш лозим.

Кўғи ва елка қисмлари

Худди шундай иссиқлик тимсолидан бошлаймиз. Ўнг қўлингизнинг кафтида хаёлан иссиқлик йифинг, 6–10 сония давомида уни ёрқинроқ тасаввур қилинг (**тимсолнинг ёрқинлигини кучайтиринг!**.. ёқимли иссиқлик тимсоли ичкаригача қиздираётгани).

Сўнгра қўлимиз бўйлаб иссиқликни хаёлан тепага силжита бошлаймиз, ички нигоҳимиз билан яхшироқ кузатишга ҳаракат қиласиз, хаёлий иссиқ юмалоқчани силжитиб, тана қисмларига яхшироқ разм солишига ҳаракат қиласиз: бўғимларга эътиборни кўпроқ ажратган ҳолда билак, тирсак бўғими, елка, елка бўғими бўйлаб аста-секиң ҳаракатланамиз.

Давомида ўнг елка қисмида И иссиқ юмалоқчани хаёлан ўнг елка бўғимидан чап елка бўғимига ўтказамиз, сезгиларнинг қайси аъзолар орқали ўтиши, у ерда нима жойлашгани ҳақида ўйламасдан сезгининг ҳаракатини давом эттирамиз.

Иссиқлик сезгисини йўқотиб қўймасликка, хаёлан ўйналишдан пастга тушмасликка ҳаракат қилинг, **юрак қисмига умуман яқинлашманг**. Ҳаракат давомида чап елка бўғими орқали чап елкага, тирсак бўғими орқали билак қисмига чап кўл кафтигача. Хаёлан бир зумга кафтишимизда тўхтаймиз, бармоқларнинг учигача яхшилаб иситамиз, енгил уқалаб қўйиш ҳам мумкин, орқага қайтишда ҳам худди шу ўйналиш бўйлаб ўнг қўлнинг кафтигача келамиз.

Бу бир марталик йўл, бундай йўллардан 8 ёки 10 тасини амалга оширинг. Кейин худди шу машқни **Ж**, сўнгра **С** билан бажаринг.

Эслатма. Барча машқларни кўзларимизни юмид баҳарамиз (кўзойнак тақсан бўлсангиз, олиб қўйинг), танани бутунлай бўшаштирамиз. Четдан келаётган хаёлларни тасаввуримиздаги думалоқ ёки квадратга чиқинди кутига ташлагандек ташлаб юборамиз.

Сиз яхши меҳнат қилдингиз, бироз танаффус қилинг (10–15 дақиқа).


5. Шоъланаш механизмини иша тушириш (жигар ва буйрак билан ишлиш)

Олдинига жигар ва буйракнинг жойлашиши ҳақида тасаввурга эга бўлинг (7–8-расм). Биринчи кун биз уларни фақат иситамиз.

Жигардан бошлаймиз.

Жигар ўнг қовурға остида жойлашган. Хаёлан ўша жойга иссиқлик тимсолимизни ўналтирамиз, қалбимизнинг илиқ тафтини, меҳримизни, ғамхўрлигимизни ҳам қўшиб иситамиз. Ёқимли тинчлантирувчи ва шифобахш иссиқликни ич-ичимииздан ҳис этамиз. Мана шу сезгини 30–40 сония ушлаб туришга ҳаракат қилинг, сўнгра иссиқликни қўйиб юборинг...

Сўнгра жигар қисмида ич-ичингиздан яна иссиқликни ҳосил қилинг, уни 30–40 сония ушлаб туриб, яна қўйиб юборинг. Буни яна бир бора такрорлант.



7-расм. Жигар қисмидә И, Ж, С сезгисини ҳосил қилиши

8-расм. Буйрак қисмидә И, Ж, С сезгисини ҳосил қилиши

Энди худди шу тарзда буйракларни қиздирамиз.

Буйраклар орқа томонда белдан бир оз юқорида жойлашган. Шу жойга ички нигоҳингизни қаратинг, у билан бирга бор меҳрингизни, мулойимлигингизни, ғамхўрлик ва муҳаббатингизни ҳам йўналтиринг.

Худди шу тарзда иссиқлик сезгисини 30—40 сония ушлаб туриб, яна қўйиб юборинг, ундан кейин яна 2—3 марта такрорланг.

Ажойиб! Демак, сиз доим ёдингизда тутишингиз керак бўлган шарҳнинг қисқача баёни.

Биринчидан, машгулот пайтида четдаги воқеалар ҳақида хаёл сурин ёки хатоларни таҳлил қилиш мутлақо мумкин эмас. Машқ жараёнида таҳлил қилиш, иш жараёнига тўғаноқ бўлиш билан бирга яна янги хатоларга ҳам сабабчи бўлади, бундай бўлишига йўл қўйманг. Ички сезгингизга таянган ҳолда масаланинг тўғри ечимини топинг.

Иккинчидан, табиатингиз ва феъл-авторингизнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда *сезгиларингиз жиљаваси ҳам турлича бўлиши мумкин*. Ўта ёрқин ва кучли сезгиларни кутманг. Улар базўр сезилидиган сезгилар бўлиши ҳам мумкин, бу ҳам қабул қилинадиган вариантлардан бири. Асосийси – бу кайфиятингиз ва кучингизга бўлган ишонч. Шунақаси ҳам бўладики, сезгилар «сукут сақлайди», танада эса соғайиш жараёни бошланган бўлади. Демак, дастур тўғри ишга туширилган, хавотирга ўрин йўқ.

Учинчидан, илтимос, мени яқин одамингиз сифатида қабул қилинг, чунки фақат яқинларгина сизнинг тақдирингизга бефарқ қола олмайди, руҳиятан яқин одамгина сиздан талаб қила олади, қатъий туради, баъзан уришиб беради, чунки у сизнинг ғалабага эришишингиздан манфаатдор. Ўзим ҳам бу йўлни босиб ўтганман, истагим, менинг хатоларимни сиз такорламанг.

Энди вазифа.

1. Танангизда бўлаётган барча ўзгаришлар билан бирга эришган ютуқларингизни ҳам, муваффақиятларни ҳам кундалигингизда қайд қилинг, ўзингизни мақтанг. Касалингиз зўрайганини сезсангиз, бу қандай юз берганини тўлиқ тасвирлаб ёзинг.

2. Бўйингиз ва вазнингизни ўлчанг. Олинган маълумотларни ёзib қўйинг ва машғулотлар якунида назорат ўлчовлари билан солиширинг.

3. Чандиқларни (агар улар бўлса) чизғич билан ўлчаб, кўрсаткичларни кундаликка ёзинг. Кундаликда ҳар куни чандиқнинг ҳажмини ва ташки ўзгаришларини қайд этиб боринг.

4. Эрталабки пешобингиз ҳолатини назорат қилиб бориб, натижасини кундаликка қайд қилинг.

5. Бугундан бошлаб дераза олдида туриб, «Яқин-узоқ» машқини бажаринг (Бу машқининг батафсил баёни китобнинг иккинчи қисмида берилган). Бу ўз олдига кўриш қобилиятини тиклашни мақсад қилиб қўйганларга тегишли. Кўзойнагингизни кучсизроғига алмаштиринг

(хозир тақиб юрганингиздан 0,5-1 диоптрий пастроқ бўлсин).

6. Бошқаларига нисбатан ёмонроқ ҳосил бўладиган сезгилар билан яна қайта ишланг.

7. Эртанги ўз устингизда ишлашга тайёргарлик кўринг.

Энди энг асосийси ҳақида.

1. Бутун ҳаётингизни – кичкинтоилигингиздан то ҳозирги кунгача бўлган вақтингизни хаёлингиздан ўтказинг. Хасталигингиз келиб чиқиш сабабини аниқлашга ҳаракат қилинг.

2. Ўз феъл-авторингиз, одатларингиз, оиласдаги муносабатлар ҳамда одамлар билан, яқин одамларингиз ва унча яқин бўлмаган одамлар билан муносабатингиз ҳақида мушоҳада қилинг. Ўзингизга ўзингиз қуидаги саволларга рўй-рост жавоб беришга ҳаракат қилинг. Яқинларим ва энг севимли инсонларимда мени нима хурсанд қилади? Нима ранжитади? Нима учун?

3. Ўз одатларингиз ва феъл-авторингизнинг асосий қирраларини кундаликка ёзиб чиқинг. Феъл-авторингиз ва одатларингизнинг қайси биридан халос бўлишини ва яна қандай сифатларни ўзингизга қабул қилиб олишни истардингиз? Хаёлан ўзингизнинг идеал тимсолингизни чизинг.

4. Ўзингизга жуда ёқадиган суратингизни излаб топинг (у ерда жуда ўш бўлсангиз ҳам аҳамияти йўқ). Уни синчилаб томоша қилиб, кейин кўз олдингизда ушлаб туринг. Бундан кейин ҳар доим ва ҳамма жойда хаёлан ўзингизнинг ташки қиёғангизни айнан шундай тасаввур қилинг.

5. Сизнинг касалингизга ўхшаш касаллик билан азоб чекаётган бошқа одамлар ҳақида фикр юритинг. Ўйлаб кўринг, нима учун уларнинг баъзилари шифо топиб кета олди, сиз эса йўқ? Буни амалга оширишга сизга нима ҳалақит беряпти?

6. Агар дўстларингиз ҳам шу услугуб асосида шугуллашиштган бўлса ва уларда қандайдир натижалар ях-

широқ бўлса, албатта бундай муваффақиятга қандай эришганлари ҳақида сўраб-суринги. Уларнинг таж-рибасидан фойдаланинг.

Кўриш (ёки эшитиш) қобилиятини яхшилаш устида ишилаш, шу билан бирга гинекологик атомассаж қилишни ўрганиш учун М. Норбековнинг машғулотларига қатнашишни тавсия этамиз.

Энди эса энг, энг асосийси.

Албатта айнан бугун, реал муддатни ҳисобга олган ҳолда хасталикдан чиқиш режасини тузинг.

Ўзингизни шоширманг, лекин муддатни чўзиб ҳам юборманг. Ўз имкониятларингизни чамалаб кўринг, барча ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда тузалиш жараёнини босқичларга бўлиб чиқинг. Улар орасида (ҳар эҳтимолга қарши) 1-2 кунлик тирқиши қолдиринг.

Үйкудан олдин китобнинг бошига бир қараб қўйинг. Тақиқлар ва насиҳатлар бўлимини қайта ўқиб чиқинг, ва... сизга хайрли тун!

Охириг эслатма.

Тўртинчи дарс дастурини тўлиқ ўзлаштиргунча кейинги машғулотга ўтманг.

БЕШИНЧИ ДАРС

1. *Бірнұлар машқи**
2. *Халғын нағас атыш**
3. *Хисептәрни машқ қылдырыш (машқнини давамы)*
4. *Бөрнілан тана қисметарнда И, Ж, С сөзіліарнин ҳосын қыныш*
5. *Бөрнілан тана қисметарнда И, Ж, С, И + Ж ба С + Ж сөзіліарнин сияжитиш*
6. *И, Ж, С сөзіліарнин носоз аззота ғынныш, түспеланан сөзіліарни бироз ушкаб түрніб, сұнғара соғыб жоборныш*
7. *Чандықтарни жүктеш (сипов иштары)*
8. *Саломаттык ба науқыроптык тимсолы*

Үзингизни табриклишингиз мүмкін. Дастаннинг энг қийин – түртінчи дарс қисмы муваффакият билан болып үтилді. Сезгилар билан ишлаганимизда вужудимизда нималар рүй беришини күриб чиқамиз.

Иссиклик ва совуқлик сезгилари қон томирларни машқ қылдыради. Иссиқлик тимсоли уларни кенгайтиради, совуқлик тимсоли уларни торайишга мажбур

қилади. Бирор аъзонинг томирлари кенгайганда қон оқими бу аъзога кўпроқ ҳаракатланади, демак, бу ерда тўқималарнинг озиқланиши кучаяди ва натижада моддалар алмашинуви жараёни яхшиланади.

Томирлар торайганда аъзодан оқиб чиқадиган қон оқими кучайиб, бунда қон оқимининг тезлиги ҳам ўзгаради, худди шундай қон узатиш тартиби ҳам ўзгаради.

Ҳаммамиз биламизки, узоқ вақт ишлатилмаган каналлар секин-аста ишдан чиқади. Жимирилаш (**Ж**) сезиси нервларнинг сезувчанлигини кучайтиради.

Тананинг бирор-бир қисмida **Ж** сезгисини ҳосил қилиб, сиз тананинг периферик, яъни марказдан узоқ қисмлари билан миянинг «телефон алоқасини» текширасиз, бир йўла уни таъмирилаш ишларини ҳам амалга ошириб борасиз, ўзимиз биладигандек танамиз ўзини-ўзи тиклаш қобилиятига эга.

Демак, **И + Ж** ва **C + Ж** сезгилари билан ишлаб, сиз нафақат томирларни хаёлан кенгайтириб ёки торайтирасиз, шу билан бирга асабларнинг сезувчанлигини ҳам фаоллаштирасиз.

Агар «телефон алоқаси» меъёрдагидек бўлса, унинг «чақириқ» овозига дарров «жавоб» келади. Алоқа бузилган жойда эса «жавоб» йўқ. Мана, нима учун бу учта сезгини машқ қилдирап экансиз, сиз марказнинг – тананинг периферик қисмлари билан алоқасини тиклашга эришасиз. Натижада янги майда қон томирчалари ҳосил бўлади, уларнинг сезувчанлиги тикланади ва шу тариқа тўқималар озуқаси меъёрга келади. Буларнинг баримия назорати остида бўлиб ўтади.

Қон томирлари ва асаб толалари бутун тана бўйлаб тарқалган. Бугундан бошлаб хаёлан **ИЖС** сезгиларини силжитишини бошлаймиз, шунингдек, **И + Ж** ва **C + Ж** сезгиларини алмаштириб турасиз. Натижада хаёлий аутомассаж ҳосил бўлади.

Нима учун массаж? Чунки унинг таъсири жисмоний массаж билан жуда ўхшаш. Нима учун «ауто»? Чунки сиз фикрингизни жамлаган ҳолда ички сокинлик

ҳолатида ва албатта, Ёшлик ва саломатлик тимсолида ўзингизни ўзингиз хаёлан массаж қиласиз.

Ўз вақтингизни тўғри ташкил қилиш учун дикқат билан бу дарснинг дастурини ўқиб чиқинг. Гуруҳ бўлиб ишлашдан кўра мустақил ишлаш қийинроқ, шунинг учун шошқалоқлик қилманг.

Демак,

*1. Бўлинлар машқи**

Ўзингизга ички миннатдорлик билан қилаётган ишингизга маҳлиё бўлганча, юрагингизга яқин мусиқа остида роҳатланиб ишласангиз – бу керакли кайфиятни ҳосил қилишга ёрдам беради. Шуниси эсингизда бўлсинки, унинг севимли эканидан ва кайфиятни кўтара олишидан машқларнинг самараదорлиги ва яқуний натижаси боғлиқ бўлади.

*2. Тимсолин нафас олиш**

Ўрнингиздан туриб бажаринг (бу ўтириб бажаргандан яхши).

Кўзларимизни юмаб, танамизни бўшаштирамиз. Бегона, машғулотдан чалғитувчи ўй-хаёлларни тасаввуримиздаги квадрат ёки айланага ташлаб юборамиз. Ёқимли ишга ўзимизни ҳозирлаймиз.

Текис ва хотиржам нафас оламиз, нафас олганда бурун орқали, қалқонсимон без, қуёшсимон чигал, кафтларнинг ички томони, тўпиқларнинг ости орқали, сўнгра носоз («севимли») аъзо орқали нафас оламиз.

Вақтингчалик ҳамма нарсани ва ҳаммани унутинг! Мушугингиз борми, кучугингиз борми, ўзингизнинг ишларингизми...

Ҳозир машғулотдан муҳимроқ ҳеч нима йўқ.

Сифат! Ҳаммасидан ҳам муҳими сифат!

Ҳар бир нафас олиш ўзи билан совуқликни, тетикликни, енгилликни, парвоз завқини, мувозанатсизлик-

ни... совуқлик танамизнинг ҳар бир хужайрасига сингиб кетади, ҳар бир нафас чиқаргандаги иссиқлик ўзи билан ҳамма кераксиз нарсаларни: оғриқни, шубҳаларни, ташвишларни, кўнгил қолишларни, ранжларни, кўркувни олиб кетади... яна совуқлик... у бутун танамизни ювиб ўтади... иссиқлик эса ҳамма кераксиз, ўз вазифасини ўтаб бўлган нарсаларни олиб кетади... яна жонга оро бўлгувчи совуқлик... яна мусаффолик бағишлаб тозаловчи иссиқлик...

Сиз ёшсиз, баҳтлисиз, фам-ташвишсиз, муҳаббатга ошносиз... гуллаган боғда турибсиз, арчазор ўрмонда, тоғдаги шаршара ёнида... булоқдек тоза шифобахш ҳаводан нафас оляпсиз...

Совуқлик танани ҳар бир аъзосини қандай ювиб ўтишини, иссиқлик эса ўзи билан ҳамма яроқсиз ва ортиқча нарсаларни олиб кетишини аниқ тасаввур қила-миз. Кўпроқ эътиборни «суюкли» аъзога қаратамиз.

Барча машқларни бажариш учун жами 15 дақиқа вақт ажратамиз ва дарров ҳиссиётларни машқ қилдиришга ўтамиз.

3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш (машқнинг давоми)

Кўзлар юмилган, лекин нафас олишингиз ўзгарган, у тез-тез ва узуқ-юлуқ. Гавдангиз буқчайган ҳолатда, бошингиз эгилган. Тасаввур қилинг, сиз ҳозир баҳтсизсиз, сизни ҳозиргина ноҳақ ҳақоратлашди, сиз нимадир демоқчи бўласиз-у, томоғингизга тиқилиб турган кўз ёшингиз гапиришга қўймайди. Лаблар қалтираган, юзингиздан ёш томчилари оқяпти... оқяпти!..

Э худойим, уларни тўхтатишнинг иложи йўқ!..

*Бугун бу ҳолатни ҳосил қилиши сизда осонроқ кечяпти,
тўғри эмасми? Тимсол сизга таниш.*

Энди ТЎХТАНГ! Сунъий равишда ўзимизни сокинлик ҳолатига ўтказамиз.

Бош кўтарилиган, елкалар ростланган, юзимизда сезилар-сезилмас табассум. Ич-ичингизда хотиржамлик

ҳолатини яратинг, худди сиз биринчилар орасида биринчисиз, сиз вазиятнинг ҳукмдорисиз. Бу ҳолатни имкон борича яхшироқ ҳис қилишга ҳаракат қилинг.

Энди эса ўзимизда тўхтовсиз хурсандчилик ҳолатни ҳосил қиласиз.

Сиз буни қилишга ҳаракат қилгансиз, сизда бу ҳолат ҳозир енгилроқ ҳосил бўлади.

Ҳаёт – кутилмаган кулгили ҳолатларга тўлиб-тошган, ҳар доим кулиш мумкин бўлган нимадир топиш мумкин. Мактабдаги даврингизни эсланг, дарс пайтида кулиб юбориш ҳечам мумкин бўлмаган пайт!.. Юракдан самимий ҳолда, ўзимизни тутолмай, худди болалик давримиздагидек куламиз.

Сўнг яна тинчлик ва хотиржамлик ҳолатига ўтамиз, бу машқдаги энг муҳим ҳолат. Бу ҳолатни эслаб қолинг.

Кўзимизни очамиз. Сиз билан ҳозир нима юз берди? Нима учун сиз йиғладингиз? Нима учун кулдингиз? Бунинг учун аниқ сабаб йўқ эди-ку.

Сиз ўзингиз бунга қарор қилдингиз: олдин йиғлашга, кейин кулишга. Сиз иродангизни ишга солдингиз ва тана сизга бўйсунди. Танани, ҳиссиётларни бошқариш санъати ҳам айнан мана шунда.

Бу нима учун керак? Эътибор беринг, шундай йифи ва кулгидан кейин қандай хотиржамлик туйғуси ҳосил бўлади?

Ички хотиржамлик ҳолатига эришиш учун бу жуда муҳим. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта тезда ўтиб кета олиш маҳоратини эгаллаш бизга асаб тизимини «қайиш-қоқлигини» ошириш, ўзимизга бўлган ишончни шакллантириш ва ички уйғунликка эришиш учун керак.

Ҳиссиётларни машқ қилдиришда давом этамиз.

Сунъий равишда тушкун ҳолатга келамиз.

Тасаввур қилинг, ҳаётингиз хавф остида: тоғлар... жарлик... сиз жар ёқасидасиз... ёки денгизда, тўфон, улкан тўлқинлар... ёки сиз баланд уйнинг ёмғирдан шилтта бўлган қия томидан тойиб кетаяпсиз, ушлаб қолишга эса ҳеч нарса йўқ, анча пастдаги ҳовлида эса асфальт-

нинг ялтираши кўриняпти... Бу ваҳимага тик боқинг, тобора яқинлашиб келаётган ўлим хавфининг бутун даҳшатини ҳис этинг.

Балки бу ваҳима сизга танишдир, балки сиз буни ҳаётингизда ёки қўрқинчли тушларингизда бошингиздан кечиргандирсиз!.. Ҳаёт эса давом этаверади, ҳатто сизсиз ҳам...

Ноҳақликни, аламни, маҳкумликни ҳис қилинг... Қайси айбим учун?.. Жавобни «эшитишга» ва англаб этишга ҳаракат қилинг. Хаёлингизда ҳозир нималар кечяпти?

Бу ҳукмнинг ноҳақлигини ҳис қилишга ҳаракат қилинг, имкон борича тўлиқроқ, ҳар бир ҳужайрангиз билан... қидиринг, бутун юрагингиз билан сизни чўкиб кетишдан ушлаб қоладиган хасни, чўпни излаб топинг. Таҳлил қилинг.

Фикр равшан. Жавобни топинг, чиқиб кетиш йўлини топинг...

Агар ўтмишдаги ҳаётингизда сиз ўзгартиришни, тузишини истаган бирор нима бўлган бўлса, бу нарсани ёрқинроқ эсланг ва хаёлан ўзгартиринг...

Сиздаги ишончсизлик қаердан пайдо бўлди, ким сизни бунга ишонтириди, ўшанда нима юз берган эди? Нима учун ўшанда сиз ўзингизга эмас, кимгадир ишондингиз? Эҳтимол сиз ҳам қаердадир ноҳақдирсиз?..

Эй худойим, бунчалик зулмат қаердан? Ахир сиз тириксиз-ку! Демак, ҳали ҳеч нима йўқотилгани йўқ, ҳаёт сизга яна бир имконият беряпти ва бу имкониятдан албатта фойдаланиш керак! Фақат бор кучимишни йифиб, узоқда кўринаётган ирмоқ томон интилишимиз керак, у эса дарёга, дарё эса уммонга олиб келади. Бу уммон ҳаёт уммони, сизнинг келажакдаги ҳаётингиз уммони, сизсиз у ҳеч қандай маъно касб этмайди.

Сиз фарзандларингизга, севимли инсонингизга, яқинларингизга кераксиз, сизни ўз олдингизга қўйган маҳсадингиз, орзуларингиз, вазифангиз бор, ҳа – сизнинг йўқотадиган нарсангиз бор!

Бутун борлифингиз билан туғилаётган умид тўлқинини ҳис қилинг, сўнгра кўзингизни очмасдан стулга ўтиринг. Ўзига ишонган хотиржам инсон кўринишига киринг.

Ҳозир сиз билан юз берган ҳолат — сизнинг ўтмийшингиз кетди. Бу ҳақда хотиржамлик билан, ҳаяжонланмасдан эсланг, шунчаки бу далилни қабул қилинг. Ўша воқеалардан ўзингизга сабоқ чиқаринг, ўзингизда нимани ўзгартиришингиз, нимадан халос бўлишингиз кераклиги ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳаракатларингиз режасини тузиб чиқинг, истагингизга эришиш учун шу бугуннинг ўзида нималар қила оласиз. Ўзингизга ва ўз келажагингизга бўлган ишончни кучайтиришга ҳаракат қилинг. Сиз ҳаёт тошқинида оқаётган хас эмассиз, сиз ўз тақдирингизнинг ҳукмдорисиз.

Нимаики бўлган бўлса ҳаммаси ўтмишда қолди, у ерга қайтишга йўл йўқ. Сиз шу ерда, бугунги кунда яшаяпсиз! Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзасини бебаҳо эканини ҳис қилинг, олаётган ҳар бир нафасингиз, мусаффо осмон, бошингиз узра нур сочиб турган қуёш учун шукроналик ва хушчақчақлик билан тўлиб-тошишга ҳаракат қилинг.

Ҳиссиётларни машқ қилдираётиб, сизга қатъий амал қилиш учун иш схемаси берилганини унуманг.

4. Тананини қөфакли қисмларида И, Ж, С сөзларини ҳосил қилиш

Бу машқ олдинги кунги дастурни мустаҳкамлашга қаратилган. Сезгиларни ёрқин (лекин доимий эмас) бўлишига эришишга ҳаракат қилинг.

Машқни **И** сезгиси билан тананинг ҳар бир қисмida З мартадан бажаринг, ундан кейин **Ж** сезгиси билан ҳам тананинг ҳар бир қисмida уч мартадан, сўнгра **С** билан ҳам худди шундай оёқларда, умуртқа погонасида, кўл ва елка қисмларида ишланг.

Машқларни ўзингизни зўриқтирмасдан, енгил тарзда меҳр-муҳаббат ва қувонч билан роҳатланиб бажаринг. Озгина муваффақият учун ҳам ўзингизни мақтаб кўйишини унутманг. Бу муваффақиятингиз гарови.

Зўриқтиришга йўл қўйманг!

Машқларни Ёшлик ва саломатлик тимсолида бажаринг. Энди, танангиз етарлича тайёр ҳолга келганда, янги машқларга ўтамиш.

5. Өғимдан тана қисмларнида И, Ж, С, И + Ж ва С + Ж созимларини силжитиш

1. Тананинг пастки қисми (киндиккача)


И сезгисидан бошлаймиз.

Хаёлий иссиқ юмaloқча (сиртсиз – шарни) ўнг оёқ остига тўплаймиз. Иссиқ юмaloқча ёқимли тарзда оёғимизни ички ва ташқи томондан қиздираётганини тасаввур қиласиз. Иссиқ шарчани 3–5 сония бир жойда ушлаб туриб, сўнgra эҳтиёткорлик билан, меҳр билан хаёлан оёғимиз бўйлаб кўтара бошлаймиз, сантиметрма-сантиметр ички нигоҳ ёрдамида оёқнинг ички томонидан тепага қараб силжита бошлаймиз.

Иссиқ сезги билан суяклар, мушаклар, пайлар ва бошқа тўқималар орқали «ўтамиз». Иссиқ шарчани тизза бўғими орқали сон томонга силжитамиш, сўнgra чаноқ-сон орқали (ички нигоҳимизни бу ерда бироз узоқроқ ушлаб турамиз) қовуқ, думгаза, сўнgra чаноқ-сон бўғими орқали чап оёқ томонга ўтамиш.

Сантиметрма-сантиметр сон бўйлаб тизза бўғимига, болдири бўйлаб чап оёқ бўйлаб тўпигимизгача тушамиз, йўл-йўлакай ҳеч нимани назардан қочирмаймиз.

Тўпикларгача етиб олиб, ички нигоҳимизни бироз муддат шу ерда ушлаб туриб, хаёлий иссиқ юмaloқча билан бутун тўпикни қиздириб, худди шу йўл билан – орқага думгаза, қовуқ орқали ўнг оёқнинг тўпигига қайтиб келамиз (9-расм). Бу бир маротаба босиб ўтилган йўл.



9-расм. И, Ж, С сезгиларини сизгитиш

Сүнгра бу йўналишни **И+Ж** ва **С+Ж** билан ҳам ба-
жариш мумкин.

Агар **И+Ж** ва **С+Ж** ўз-ўзидан биргаликда ҳосил бўлса
ва сиз И+Ж сезгиларини алоҳида ҳосил қила олмасан-
гиз сизни табриклиш мумкин, сиз дастурдаги режадан
илгарилиб боряпсиз. Вақти келиб машқлар натижасида
одатда **И** ва **С** сезгиларига **Ж** сезгиси ўз-ўзидан қўши-
либ кетади. Шундай экан, бу вариантни меъёр сифати-
да қабул қилишингиз мумкин.

Агар сезгилардан бирини силжитиш жараёнида тана ичидаги аъзолардан «сакраб» ўтиб кетса, бунинг иккита сабаби бўлиши мумкин.

Биринчиси, танангиз ҳозирча иродангизга унча бўйсунмаяпти. Ташибишлиманнанг, шуғулланишда давом этинг. Нимани машқ қилдирсангиз, шу нарса ривожланаб бораверади.

Иккинчиси, шу жойда қандайдир номутаносиблик бор.

Ҳар иккала ҳолда ҳам бундай жойда 2-3 сония кўпроқ «ушланиб» қолиш керак. Лекин эсда тутинг, ҳеч қандай мажбурлаш бўлмаслиги керак!

Сиз муҳаббат ва мулоимлик билан ўз вужудингизни уйғотасиз. Аслида бундай муаммоларнинг юзага келиши ўзингизга нисбатан бўлган кўп йиллик эътиборсизликнинг натижаси. Энг асосийси, бу сизнинг қиинчиликлардан қўрқиб, ярим йўлда қолиб кетмаслигингиз.

2. Умуртқа поғонаси

Думгаза қисмида 6–10 сония ёқимли шифобахш иссиқ шарча тўплаймиз. Тимсолнинг ёрқин бўлишига эришгач, хаёлан, шошмасдан умуртқа поғонасининг ички томони бўйлаб тепага силжий бошлаймиз, иссиқ юмалоқчанинг юрадиган йўлларини яхшилаб тасаввур қиласиз, бел қисмидан тепага, тепага, тепага қараб силжиймиз. Сантиметрма-сантиметр шарни тепага силжитар эканмиз, бу жойларни ҳақиқий эгасидек кузатамиз, тартибга келтириб, худди енгил массаж қилаётгандек умуртқа поғонасининг ҳар бир қисми чигалини ёзиб борамиз.

Умуртқа поғонасини тахминан 12–15 сантиметр кенглиқда иложи борича яхшироқ қиздиришга ҳаракат қилинг. Сизни безовта қиладиган ёки безовта қилган соҳаларга алоҳида эътибор қаратинг.

Умуртқа поғонасининг кўкрак қисмига, сўнгра бўйин қисмига ўтамиз. *Бош суюгининг асосигача етиб келиб, бир лаҳза ўша ерда ушланиб, худди шу йўл билан умуртқа поғонасининг ҳар бир қисмидан меҳр ва муло-*

йимлик билан галма-галдан ўтамиз, хаёлан сизни бе-зовта қиласын соңаларни массаж қилиб, думгазагача етиб келамиз. Бу бир марталик йўл. Бу машқни 3–5 марта такрорлаймиз.

Худди шу тарзда **Ж**, сўнгра **С** (ҳар бир сезгига 3–5 марталик цикл) сезгиси билан ишлаймиз. Бу машқни комплекс сезгилар билан **И+Ж** ва **С+Ж** тарзида ҳам бажариш мумкин.

Ҳар бир йўлдан кейин сезгилар яхшироқ ва янада яхшироқ ҳосил бўла бошлайди. Бундай натижа учун ўзингизни мақтаб қўйинг, қалбингизда шундай миннатдорлик туйғусини ҳосил қилингки, танангиз бу миннатдорчиликка жавобан қандайдир белги берсин.

3. Қўл ва елка қисмлари

Иссиқлик сезгисини ўнг кафтилизда тўплаймиз. Уни ички томондан ёқимли тарзда иситаётганини тасаввур қиласиз.

Иссиқликни тўплаб, 6–10 сония давомида ушлаб туриб, сўнгра хаёлан иссиқ шарчани тепага силжитинг, унинг йўналишини ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Панжа қисми, билак бўғими, билак, тирсак бўғими, елка, елка бўғими...

Иссиқлик йўлда давом этиб ўнг елка қисмига етиб келганда, қайси аъзолар орқали ўтаётгани ҳақида ўйламай, ўнг елка бўғимидан чап елка бўғимига ўтамиз. Иссиқлик сезгисини йўқотиб қўймасликка ҳаракат қилинг ва кўрсатилган йўналишдан пастга тушманг, энг асосийси юрак қисмига яқинлашманг (9-расмга қаранг).

Елка бўғими орқали иссиқ шарни чап елкага, сўнгра пастга силжиб, тирсак бўғими орқали билакка – чап кафтилизгача етиб келамиз.

Бир лаҳза ушланиб туриб, чап қўл бармоқлари учларигача қиздириб, келган йўналишимиз билан орқага қайтамиз – ўнг кафтилизгача. Бу битта йўл. Бундай йўллардан 3–5 та бўлиши керак.

Алоҳида эътиборни бўғимларга қаратиб, шу жойларда 1–2 сония кўпроқ ушланиб қоламиз, агар сизни

безовта қилаётган ёки безовта қилган соҳалар бўлса ўша ерда эътиборимизни ушлаб турамиз.

Худди шу тарзда **Ж** ва **С** сезгилари билан ҳам ишлаймиз, уларнинг ҳар бири 3—5 марта тақорорланади. Сўнгра бу машқни **И + Ж** ва **С + Ж** сезгилари билан ҳам комплекс равишда бажарамиз.

Агар машқ кўнгилдагидек чиқмаса, уни бошидан тақорорланг.

Кимнинг қон таҳлили ижобий бўлмаса, бу ҳолда улар сүякларга, бўғимларга, бўғимлардан сал тепа ва сал пастдаги қисмларга алоҳида эътибор қаратишлари керак.

Нима бўлган тақдирда ҳам умуртқа поғонасига ва бўғимларга сизнинг фамхўрлигингиз, иштирокингиз ва парваришингиз керак.

Машқни енгил, кувноқ кайфиятда бажаринг, ички кайфиятингизни ҳам кузатинг. Ўзингизга далда бериб туришини ва мақтаб кўйишни унутманг.

Бироз нафасимизни ростлагач, кейинги машқларга ўтамиш.

6. И, Ж, С – сезгиларни носоз аёзма ғилиш, тифланган сезгиларни ушлаб тушиб, сўнира сөниб юбориш

Бу машқни, фақат юрак ва миядан ташқари истаган носоз аъзо билан бажариш мумкин! Мисол учун жигарни олайлик.

Биринчидан, жигар ҳар доим қўшимча парваришга муҳтоҷ, чунки у елкасида жуда катта оғир юкни қўтариб туради, иккинчидан, жигар ўзига қаратилган ички эътиборга яхши «жавоб» беради.

Кўзларимизни юмиб, танани бўшаштирамиз. Иссиқдан бошлаймиз.

Хаёлан жигар қисмини тасаввур қиласиз, у жойда иссиқлик тимсолини ҳосил қиласиз. **И** сезгисини уш-

лаб туриб, уни ёрқинроқ тасаввур қиласыз. Ўнг қовурға остини яхшироқ қыздырышга ҳаракат қиласыз.


Хәелан бутун танамизнинг турли бурчакларидан **И** түплаймиз, жигар томон силжитиб, ўша ерда қолдрамиз. Буни бир неча марта такрорлаймиз. Ёқимли шифобаҳш иссиқлик, жигарни ич-ичидан қыздырар экан, у бутун аъзони қамраб катталашиб боради... Ажойиб!

Иссиқликни түплаб, уни тахминан 8–10 сония ушлаб туриб, кейин хаёлан түпланган иссиқликни ҳар томонга сочиб юборамиз, 8–10 сония давомида иссиқлик сезгиси бутунлай йўқолиб, иложи бўлса иссиқликнинг изи ҳам қолмасин.

Кейин уни яна йиғиб, сўнг юқоридагидек вақт оралиғида сочиб юборамиз (10-расм).

Ундан кейин бу машқни **И+Ж** ва **C+Ж** сезгилари билан ҳам бажариш мумкин. Машқни ҳар бир сезгида 3 мартадан такрорлаймиз.

Ҳамма машқларни ўзингизни зўриқтирмасдан, хоҳиш ва қувонч билан бажаринг. Бу машқни бажараёт-




10-расм. Сезгиларни жигарга йўналтириш ва сочиб юбориш

ганды томирларда ва асаб толаларида массаж жараёни юз беради, сезувчанлик тикланади – бу контактсиз атомассаждир. Бундай массажни «севимли» аъзоингиз учун ички томондан фақат ўзингиз бажаришингиз мумкин. Агар сиз бирор жуфт аъзо билан ишләтган бўлсангиз, масалан, буйракларингиз билан, машқ учун иккаласини ҳам бирданига олишингиз мумкин (11-расм). Худди шу машқни жимирилаш билан, сўнгра совуқлик сезгиси билан ҳам такрорлаймиз.

Лекин барибир навбатма-навбат ишлаган яхши, олдин битта буйрак билан, кейин бошқаси билан. Масалан, ўнг буйрак кўпроқ безовта қилса, ўнг буйракдан бошланг, кейин чап буйрак билан ишланг, сўнгра яна ўнг буйракка қайтиш мумкин.

Асосийси – ўзингизга қулоқ тутиңг. Шунда сиз ҳар доим қандай йўл тутиш, қайси аъзо билан қандай ишлаш борасидаги йўналишни топа оласиз.



11-расм. Иккита «севимли» аъзо билан ишлаганда сезгиларни йўналтириши ва сочиб юбориш

Агар сизда носоғлом аъзолардан битта эмас бир нечта бўлса, улар билан навбатма-навбат ишлаш мумкин.

Диққат! Бундай массаж пайти ёки массаждан кеъин сиз ишлаган аъзода оғриқ пайдо бўлиши ёки куҷаиши мумкин. Кўрқманг, бу табиий ҳол. Бу соғайиш жараёни бошланганининг белгиси, кўпинча бу оғриқ орқали юз беради. Хавотир олманг, бундай ҳолатни хотиржам ва хурсандлик билан қабул қилинг! Сиз соғлиғингизни тиклаш йўлида тўғри йўналишдасиз!

7. Чандиқларни йўқотиш (спинов ишлари)

Демак, биз чандиқларни йўқотишга киришамиз. Бу худди эртакдек эштилияптими?

Лекин бу усул Шарқ табобатида минг йиллардан бери кўлланилиб келинади ва нафақат чандиқларни, теридаги нуқсонларни йўқотишда, касалликнинг яширин сабабларини зарарсизлантиришда ҳам кўлланилади.

Шу билан бирга сизни «Навқиронлик дарвозаси» номли эртакона хушхабар кутмоқда, чунки сизда вужудингизни янгилашга олиб борувчи муайян ўзгаришлар юз бера бошлайди.

Буни қаранг-а, инсон ўз фикрларини, тасаввурларини бошқаришни ўрганиб олса, у ҳайкалтарош сингари танасининг жисмоний ёшлигини яратиши мумкин. Танангизнинг ҳар бир хужайраси сизнинг хаёлингизга, тасаввурингизга бўйсунади ва муҳаббат билан жавоб беради.

Бу ерда шубҳага ўрин йўқ, сиз ҳаммасини уddaрайсиз. Курсларимизда чандигини йўқотолмаган ҳали биронта ҳам тингловчи бўлмаган, албатта, агар у буни жуда хоҳласа. Бу йўлда сиз на биринчи, на охиргиси бўласиз. Сиз бунга тайёрмисиз?

У ҳолда олға!

Энг катта «севимли» чандигимизни танлаб оламиз. Унинг ёшини бизга мутлақо аҳамияти йўқ. Унга яхшилаб қараб чиқинг, чизғич ёрдамида (миллиметргача

аниқликда) ўлчанг, ҳамма маълумотларни қундаликка ёзиб қўйинг.

Чандиқларингиз бир нечта бўлса, у ҳолда энг катасини танлаб, унинг устида ишланг ва бошқалари ўзи йўқолади. Агар сизда катта чандиқлар бўлмаса, у ҳолда кичик операциялардан кейинги чандиқлар бўлиши ҳам мумкин, аёлларда эса тугруқдан кейинги тери ости си-тилиши (стрия), битишмалар, тиртиқлар ва бошқалар.

Машқ учун фақат теридаги ташки нуқсонларни оламиз. Ички битишига ва тиртиқлар, хавфсиз ўスマлар автоматик равишда ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

Бош (юз)даги ва кўқрак қисмидаги терининг ташки нуқсонлари билан ишлаш мумкин эмас.

Кўзларимизни юмиб, танамизни бўшаштирамиз.

Хаёлан тананинг чандиқли жойини тасаввур қиласмиз, имкон борича уни аниқроқ кўз олдимизга келтирамиз. Хаёлан терининг чандиқли жойини қиздира бошлаймиз, уни ҳамма томондан ўраб оламиз: *ён томондан, узунасига, пастдан, тепадан, энг муҳими – ички томондан.*

И сезгини ҳар томондан ички томонга тўплаймиз ва чандиқли томонга йўналтирамиз, хаёлан иссиқликнинг тафтини ошириб, кучайтириб борамиз, ҳароратни оширишда тўхтамаймиз. Сўнgra иссиқлик кучини икки ҳисса кўпайтирамиз; уни ёрқинроқ тасаввур этишга ҳаракат қилинг, худди бу ерда гулхан ёнаётгандай, бу оловнинг тафтида аллақачон сизники бўлмай қолган, ўз вазифасини ўтаб бўлган ҳамма ўлик тўқималар ёниб, эриб йўқ бўлаётганини тасаввур қилинг...

Чандиқ ўрнида олов гуриллаб ёнаётганини тасаввур қиласмиз, оловда сиз учун энди кераксиз бўлган, хунук, қингир-қийшиқ ва дағал тўқималарнинг бари ёниб, эриб боряпти.

Иссиқлик сезгисига жимирлашни ҳам қўшамиз, ҳамма эски нарсалар ёниб йўқ бўлаётган ўчоқ печкани ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қиласмиз... Худди

шу пайтнинг ўзида чандиқнинг ўрнида бу жойдаги қон оқими билан керакли озуқа келиши кучайганини ёрқинроқ тасаввур қилинг, эскирган, ўлик тўқималарнинг ўрнида ҳозир майин, соғлом, ёш хужайралар туфилайтганини ҳис қилишга ҳаракат қилинг.

И+Ж сезгисини яна икки ҳисса кучайтиринг, шу сезгини ушлаб туринг, терини майин, майин, текис, силлиқ, ёқимли ним пушти жилва таратиб боришини тасаввур қилинг...

И+Ж сезгисини яна кўпроқ кучайтиришга ҳаракат қилинг, қанча кучайтира олсангиз шунча *максимал* даражада кучайтираверинг, бу ишга бутун кучингизни, фикрингизни, энг яхши ҳис-туйгуларингизни берib, шу тасаввурни бир оз ушлаб туришга ҳаракат қилинг.

Фақат чандиқлар билан ишлаганда тасаввур кучини чекламасдан, унинг бор кучини ишга солиш мумкин. Иссиклик тимсоли қанча ёрқин ва кучли тасаввур қилинса, шунча яхши; агар шу жойда иссиқ печкадан куйиб қолгандек сезги пайдо бўлса, бу жуда яхши.

Чандиқнинг ўрни яра тузалаётгандагидек қичишиб, терида пирпираш ёки жимирлаш ҳосил бўлса, янада ажойиб. Демак, бу ерда ҳақиқатан ҳам ўзгариш бўляпти, чандиқ йўқола бошлади.

Диққат!

Терида нуқсонларни йўқотиш машқи услубдаги сезгиларни *максимал* даражада кучли тасаввур қилиш мумкин бўлган ягона машқ: иссиқдан кучли, эритиб юборадиган иссиқҷача, совуқдан музлатувчи қаҳратон совуқҷача.

Қолган барча тимсолий машқларда албатта енгил иссиқ ва ёқимли совуқликни тасаввур қилиш керак.

Формула кўринишида бу жараённи куйидагicha ёзиш мумкин:

И+И+2И+2ИЖ+2ИЖ+ИЖ_{макс.}

Иссиклик+иссиқликни кучайтирамиз+иссиқликни икки баравар кучайтирамиз+яна иссиқликни жимирлаш билан икки баравар кучайтирамиз+яна иссиқликни жимирлаш билан икки баравар кучайтирамиз+ис-

сиқлик ва жимирлашни максимал даражада ошириб бораверамиз, яъни иссиқлик ва жимирлаш шунчалик кучли бўлиши керакки, сиз қанча кучли тасаввур қила олсангиз ва ҳис эта олсангиз шунча тасаввурга эрк беринг.

Бу чандиқ билан ишлаш машқининг ярми. Иккинчи ярми ҳам худди шундай бажарилади, фақат **И** ўрнига **С** билан ишлаймиз. **С** формуласи қуидагича кўринишга эга.

C+C+2C+2СЖ+2СЖ_{макс.}

Демак, чандиқлар билан ишлаш олти пиллапоядан иборат.

И тимсолини (ёки **C**) бир неча бор икки ҳиссадан ошириб кучайтириб борилади, жимирлаш сезгиси қўшилади, ниҳоят **ИЖ** (ёки **СЖ**) сезгилари максимал даражага етказилади. Шу билан бирга бу тимсолларни максимал даражада ёрқин ва кучли тасаввур қилиш жуда муҳим.

И сезги билан ишлаганда оловнинг тафтини, С сезги билан ишлаганда чандиқ ўрнида сезгини сезмайдиган даражада музлаб қолишгача бўлган совуқлик тасаввурнида ишланади.

Ж сезгисини ҳам кучлироқ тасаввур қилиш мумкин, худди бу жойда минг-минглаб ҳашоратлар ўрмалаб юради, оёқлари билан шундай живирлатадики, қашлаб-қашлаб ташлагинг келади.

Бу сезгилар қанча кучли бўлганда, шунча яхши. Яна тақрорлайман, бу машқ сезгилар кучини ва ёрқинлигини чекламасликка рухсат берувчи ягона машқ.

Келинг, ҳозир чандиқларнинг аҳамияти ҳақида ва нима сабабдан уларнинг йўқолиши мумкинлиги ҳақида фикр юритамиз.

Тана шикастланган жойида чандиқ ҳосил қила олмаганида нима бўлишини бир тасаввур қилинг – одам ҳалок бўлиши мумкин эди. Чандиқ энг аввало тананинг ҳимоя воситаси.

Чандиқлар ишонарли ҳимоя қила олиши учун қалин, дагал тўқималардан ташкил топган. Тананинг

чандық ҳосил қила олиши нокулай шикастлантирувчи ҳолатларга мослашувидир.

Бошқача айтганда, бу тананинг имкон даражасида жабрланган жойининг олдинги фаолиятини, олдинги «чиройини» тиклаш учун қўлидан келганча «ямоқ солишга» қилган ҳаракати.

Лекин вақт ўтиб, тана бу вақтинчалик муаммони ҳал қилгач, чандық бу ерда *кераксиз бўлади...* Чандық бўлиб ўтган ҳодисанинг моддийлашган хотираси сифатида қолади. Унинг ҳимоя воситаси эканлиги ўзининг долзарблигини йўқотади, лекин тана автоматик тарзда «эски танишликтининг хурмати» юзасидан чандиқни ўзида сақлашда давом этади.

Демак, тахмин қилишимиз мумкин: агар танамиз керак пайтда шундай ишончли ҳимоя ҳосил қила олар экан, унга муҳтоҷлик қолмагандан кейин, уни йўқ қила олиш имконига ҳам эга.

Шунинг учун керакли амални бажариб, чандық устида ишласангиз, улар сўрилиб, йўқолиб кетади.

Эътибор беринг, биз ҳозир жуда муҳим жойгача етиб келдик.

Чандиқларнинг йўқолиши нима? Уни яна қандай баҳолаш мумкин? Бу тана хотирасининг ўша даврга, ҳозиргидан ёшроқ бўлган пайтларига қайтиши, тўғридан-тўғри айтиши мумкинки, ёшаришининг айнан ўзи.

Чандиқларнинг, шу билан бирга юздаги, бўйиндағи ажинларнинг йўқолиши ва бошқалар – бу улкан муз бўлагининг сув тепасида кўриниб турган қисми, тана-даги биологик ёшариш жараёни эса жуда нозик ва чукур тарзда кечади. Энг ажойиб ва энг муҳими, бу жараён ишга тушиб кетган бўлса, у тўхтаб қолмайди, уни фақат ирода кучи ёрдамида навқирон, хушчақчақ, соғлом бўлиш истаги билан қўллаб-қувватлаб туриш керак, холос.

Энди бир-икки оғиз оғриқ ҳақида.

Оғриқ ўзи нима? Оғриқ пайдо бўлишини ҳар доим ҳам ёмонликка йўйиш тўғри бўлармикан? Оғриқ қандай аҳамиятга эга?

Оғриқ, энг аввало танамизнинг жабрланган қисмидан ёки носоз аъзодан мияга келаётган хабар. Бу мия учун қаердадир, нимадир рисоладагидек эмаслиги ҳақидағи хабар.

Тимсолий қилиб айтадиган бўлсак, оғриқ бизнинг кўриқчимиз, у огоҳлантираяпти: «Мен бор жойга эътибор бер, мен сенга жуда муҳим хабар йўллаяпман» ва у ёғига хабар келиши давом этади.

Агар оғриқ узлуксиз, доимий, зирқиратадиган бўлса, бу вужудимизнинг нолиб шикоят қилиши: «Мен йифлаяпман, йифлаяпман, сенинг эса парвойингга ҳам келмайди! Ёрдам сўраяпман, қутқаринг!»

Бундай ҳол юз берганда кўпчилик қандай йўл тутади?

Одатда, кўпчилик бундай хабарчини оғриқ қолдирувчи хапдориларни истеъмол қилиш орқали овозини ўчиришга ҳаракат қилишади, лекин муаммонинг илдизи қолади ва у ҳеч қаёққа кетмайди...

Оғриқнинг келиб чиқиш сабабини бартараф этиш чорасини кўриш ўрнига биз нокулайлиқдан қочиш йўлини қидирамиз. Бу йифлаётган болага, муаммо сабабини баратараф этмасдан сўргич бериб овутишга ҳаракат қилиш билан баробар. Натижада вақти келиб хасталик сурункали касалликка айланади. Оғриқ пайдо бўлиши билан ўзингизга-ўзингиз: «Бу ниманинг аломати? Бу оғриқ билан танам менга нима тўғрисида хабар бермоқчи?» деган савонни беринг.

Бунинг маъносини тушуниш ва кейинги ҳаракатларингиз қарорини қабул қилиш учун ўзингизга қулоқ тутиңг.

Балки ҳурматли китобхонларимизнинг баъзиларида услуг асосидаги машғулотлар давомида «севимли» аъзоларида оғриқ қўзғалгандир. Бу соғайиш жараёни бошланди, қисқа муддатли оғриқ қўзғалишидан кейин у тўппа-тўғри мақсад сари йўл олади, деган гап.

Машғулот натижасида қисқа муддатли оғриқ кучайганда қалбингизда миннатдорлик туйгусини ҳосил қилинг, тўғри йўлдан ҳаракат қилаётганингиз учун қувонинг: сизда ижобий томонга ўзгариш жараёни бошланди.

1. Ҳар куни эрталабки пешобингиз қандай ҳолатда эканини текшириб, кундаликка қайд этиб боринг (миқдори, ранги, тиниқлиги, чўқмалар тури ва унинг миқдори). Ишлаётган чандиқнинг катта-кичиклигини ўлчаб боринг, миллиметргача аниқлик билан ўлчов натижасини кундаликка киритинг.

2. «Қулоқсиз» сезгилар билан мустақил ишланг. Бунда энг асосийси ҳосил қилинадиган сезгиларнинг «ёрқинлиги» эмас, танангизда юз бераётган ижобий ўзгаришлардир.

3. Кечқурун бугунги кунингиз қандай ўтгани ҳақида мулоҳаза юритинг, нималарни ўзгартиришни хоҳлардингиз, кейинги кун иш режасини чамалаб қўйинг.

4. Ўзингизни эртанги кун машғулотига руҳан ҳозирланг. Қалбингизда машқларни бажарадиган пайтни интиқлик билан кутиш соғинчини ҳосил қилинг, ана шунда сиз учун омад доим ёр бўлади.

Умумий эслатмалар

Олдинги машғулотлар дастурини ўзлаштиrmай туриб, кейинги машғулотларга ўтиш мумкин эмас. Энг муҳими бажараётган ишдаги сифат.

Олдинги машғулотларни яхшироқ ўзлаштиromoқчи бўлсангиз, ўзингизга захирадаги кунлардан қўшиб беринг (ўзингизнинг режангизни ҳисобга олган ҳолда). Кейинги бўлимни ҳатто қизиқиб ҳам очиб кўрманг. Шу ерда хатчўпингизни қолдиринг.

Гуруҳ билан шуғулланганда ўзлаштириш енгилроқ кечади, шунинг учун мустақил ишлаганда ўкув материалини ўзлаштириш вақтини 1-2 кунга чўзиш мумкин, лекин ундан кўпга эмас! Соғайиш муддатини чўзиги юбориш ҳам мумкин эмас!

8. Саломатлик ва нафқонлик тимсали

Софайишни истамаган бирорта ҳам бемор бўлмаса керак. Лекин шундай бўлса ҳам, айниқса, оғир хасталиклардан ҳамма ҳам тузалиб кета олмайди. Демак, бу ерда

биргина хоҳишнинг ўзи камлик қиласи. Тузалиш учун яна нимадир керак.

Нима керак экан?

Биз сиз билан услугуб асосининг асосига, яъни пой-деворига яқинлашдик.

Бундан кейинги машғулотларимизнинг давоми Саломатлик ва навқиронлик тимсолига қурилган бўлади. Хасталикнинг оғриқлари билан тинка-мадоринг қуриб турганда, тушқун бир аҳволда кўтарики кайфиятни қаердан олиш мумкин?

Ҳамма гап ҳам шунда-да, уни сунъий тарзда ҳосил қиласиз.

«Мен оғир хастаман, бахтсизман, бундай ишлар кўнглимга сифмайди, миямни бўлмағур нарсалар билан қотирмай, яхшиси мени даволагин!» деб эътиroz билдиришингиз мумкин. Кўпчилик одамлар йўл қўядиган хато ҳам мана шунда. Аслида эса *оптимистлик*, *хуш-чақчақлик*, *ҳаётга муҳаббат* бизни хасталик ва бахтсизлик ботқофидан чиқариб олади. Шунинг учун ҳам ўз мақсадимизни ёдда сақлаган ҳолда баҳтли ва соғлом одам ролини ижро эта бошлаймиз. Бу эса унчалик қийин иш эмас, фақат биринчи қадамни кўйсак бас.

Тақдир сизга инъом этган ҳар бир кунга қувонинг ва бу қувончни бошқаларга ҳам ҳадя этинг.

Америкалик олимларнинг кузатишича, онкологик касаллик билан оғриган беморларнинг ўттиз фоизи бу дардни енгиб чиқишиган.

Хасталикдан тузалганларнинг руҳиятини кузатиш натижаси шуни кўрсатдики, бу инсонлар табиатан оптимиист бўлиб, улар нафақат ўз қисматлари борасида кўз ёш тўкиб ўтиришмаган, ҳатто ҳаётларининг ачинарли хотимаси ҳақида ўйлашмаган ҳам. Улар ҳаёт учун курашмаган, шунчаки ҳар бир олган нафаслари учун миннатдорчилик, шукроналик туйғусида ҳаётдан қувониб яшашган.

«Оптимиистлар – ҳа, мен ахир оптимиист эмасманку», деб гапириши мумкин кимдир. Биқининг санчиди, елканг зирқираб, кўкрак симиллаб, бўғимлар ғичир-

лаб турган бўлса, қандай қилиб оптимист бўлиш мумкин? Яхшиси мени тезроқ тузатинг, кейин мен ҳаётдан шундай қувонаманки, шундай қувонаманки... Ҳозирча эса узр, қувноқлик, хурсандчилик юрагимга сифмайди! Ҳожатга зўр-базўр эмаклаб етиб олсан ҳам катта гап...»

Бундай хатога йўл қўйманг! Боши берк кўчага кириб қолманг!

Биринчи машғулотларда нималар ҳақида гапирганимиз ҳақида эсланг. Агар ҳаёт қувончи ўз-ўзидан ҳосил бўлмаса, уни сунъий равишда ҳосил қилиш керак. Биз буни ҳиссиятларни машқ қилдирганимизда бажарганимиз ва танамиз созлашга жуда яхши бўйсунишини биламиз.

Бизнинг ташқи ҳолатимиз ички кайфиятимизни акс эттиради. Худди шу тарзда юз мушакларига таъсир қилиб, тескари жараённи юзага келтириш ҳам мумкин.

Шу тариқа биз истаган, ўзимиз учун керак бўлган эмоционал ҳолатни сунъий равишда ўз ҳаракатларимиз билан, ирода кучимиз ва тасаввуримиз ёрдамида ҳосил қилишимиз мумкин.

Эсингизда бўлсин: Соғайганлик тимсолисиз ҳар қандай машқ бефойда. Ҳамма бажараётган машқларимиз соглиқни тиклаш ва бақувват қилиш учун куч багишлайди, тасаввуримиз, тимсол эса бу кучлар учун ўзан вазифасини ўтайди. Уларни қандай ишга солиш мумкин? Бу кучли истак ва интилиш. Мана шунда бизнинг танамиздаги ҳаракат биз орзу қилган томонга қараб йўл олади.

Демак, кўзгу олдида ўтирганча бахтли одам қиёфасига киринг. Табассум қилинг, қошлар кўтарилиган, елкалар эркин ташланган, бемалол ва эркин нафас олинг, танангиздаги бутун тарангликни бўшаштиринг ва шу ҳолатда беш дақиқача туринг.

Яхши кайфият ва ўзига бўлган ишонч, ҳеч бир саббасиз қаердан пайдо бўлганлигига ўзингиз ҳам ҳайрон қоласиз.

Демак, соғлом ва баҳтли инсон ролини ўйнаш ба-
робарида, бу сизнинг асл моҳиятингизга айланиб қолади.

Ҳар дақиқада ўзингизни қандай кўришни истасан-
гиз ўшандай ҳис қилишингиз керак. Тана ҳам шу ондаёқ
бунга мослашиб, кўз олдингизда ўзгара бошлайди!

Ишонмайсизми? Сиз буни текшириб кўринг...

Эсингиздан чиқмасин, ҳар бир машқни, бутун қалб
кучингиз, руҳиятингиз маҳорати билан худди ижод-
кор ҳайкалторошдек ўзингиз яратган ёшликка хос қув-
ноқлик билан бажаринг.

Бу йўлда биз сиз билан ҳамиша биргамиз.

ОЛТИНЧИ ДАРС

1. Бүгимлар машқи *
2. Хаёлан нафас олиш *
3. Ҳиссияттарни машқ қылдырыш *
4. Берилган тана қисмларнда И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сөзиләрни ҳосил қылыш *
5. И, Ж, С сөзиләрни үмүртқа погонаси оғкали күр ва оёқлар бүйілаб И+Ж ҳамда С+Ж сөзиләрни сипхитиш
6. Тимсолиň машқларнини биринчи комплекси:
 - сөзиләрни қынш ва соғыб юборыш;
 - носолом аззоларда үл хил текисликда «артиш» ва «спирал» машқларнини баражариш;
 - қандықтар билан иштеш.

Китобнинг бу саҳифаларида учрашиб туришимиз шундан далолат беряптики, сиз олдинги машғулотларни ўзлаштириб бўлдингиз ва биз яна биргаликда йўлда давом этамиш.

Аввалига баъзи бир якуний хуносалар билан ўртоқлашсак.

Танангизда қандай ўзгаришлар юз бермоқда? Нималарни сеза бошладингиз? Аҳволингизда қандай ижобий ўзгаришлар бошланди?

Кўп ҳолларда на И, на Ж, на С сезилари деярли сезилмайди, лекин ижобий томонга ўзгариш бошланиб

кетади. Бу ерда ўзимизнинг ички «душманимиз» — ношукрлик ихтиёрига эркинликни бериб қўйиш хавфи бор.

Турли одамлардаги сезувчанлик ва ўз вужудининг жавобини «эшита олиш» турлича бўлади. Муҳими, сезигларнинг ёрқин ифодаси эмас, вужудингизда кечаетган ижобий ўзгаришлардир.

Энди ҳаммасини бир бошдан бошлаймиз.

Уйқунгиз яхшиландими? Иштаҳангиз-чи?

Жуда яхши. Бу шундан далолат берадики, сизга танангиздаги янгиланиш, тикланиш ишлари учун қўшимча манба керак бўлади.

Ҳурматли хонимларимизни дарров огоҳлантириб кўймоқчиман: вазнингиз ошишидан чўчиманг! Сизнинг вазнингиз ўзининг жисмоний меъёрига келади. Энг муҳими, сиз доим ўзингиз интилаётган мукаммал тимсолингизни кўз олдингизда ушлаб туринг.

Вазнинг ортиқчалиги кўп ҳолларда яширин шишлар натижасида, шу билан бирга баъзи бир психологик сабаблар туфайли ҳам бўлиши мумкин. Айнан шу сабабли, тизим бўйича шуғулланиш жараёнида иштаҳангизнинг яхшиланishiiga қарамай вазнингиз камайиб бориши кузатилади. Овқатланишингиз тўкис ва витаминларга бой бўлишига эътибор беринг.

Тизимда овқатланиш масаласига маҳсус эътибор қаратилмайди, лекин бу мавзу жуда кўпчиликни қизиқтиришини инобатга олиб, сиз учун фойдали деб ҳисоблаган икки оғиз сўзимни айтиб ўтаман.

Олдинига парҳез ҳақида.

Парҳезга фақат бирон-бир касаллик туфайли чекланишига мажбур бўлган одамгина риоя қиласи. Вазнинг кўп ёки камлиги жуда кўп сабаблар билан бирга одамнинг гавда тузилишига ҳам боғлиқ. Агар сиз табиатан кенг ва паст бўйли бўлсангиз, у ҳолда *индивидуал* (яъни ўзига хос) вазнингиз ўртача статистик меъёрдан бироз баландроқ бўлади, лекин бу сизнинг индивидуал меъёргиз.

Агар сиз озгин ва бўйчан бўлсангиз, у ҳолда вазнингиз ўртача статистик меъёрдан кам бўлади, лекин

бу ҳам сизнинг индивидуал меъёрингиз. Шунинг учун ўзингизни сабабсиз қийнаманг. Асосийси — «Мен шунаقا семизман» ёки «Мен шунаقا қилтириқман», деб ўзингизни ич-этингизни еб тугатишни бас қилинг.

Балки сизнинг айнан мана шу дўмбоқлигингиз ёки жуда ихчамлигингиз сизга такрорланмас жозиба баҳши этиб тургандир. Ўзингизга бошқача кўз билан қаранг.

Мен учун овқатланишнинг энг яхши усули бу тартибли овқатланиш. Энг асосий озуқа маҳсулотларида бу шундай кўринишга эга.

Тартибли овқатланиш схемаси

Оқсиллар	Ўсимлик озуқаси	Углеводлар
Гўшт, балиқ, тухум (чала қайнатил.), Бульонлар (бир қайнатиб ташланган), дуккаклилар, кўзиқоринлар, ёнғоқлар, писта	Сабзавотлар, мевалар, шарбатлар	Нон (қанча дағал бўлса шунча яхши)
мумкин		ун маҳсулотлар (қанча кам бўлса шунча яхши) ёрма, картошка шакар, мураббо, конфетлар, асал
		мумкин
	мумкин эмас	

Лекин овқатланиш бу услубнинг энг асосий масалаларидан эмас. Бу ерда шунчаки ўз фикримиз билан ўртоқлашдик, буни эътиборингиз учун қабул қилиш ёки қилмаслик ўзингизга ҳавола.

Энди уйқунинг сифати ҳақида бир-икки оғиз сўз.

Агар эрталаблари уйқудан уйғонишингиз оғир кечса ёки 7-8 соат ухлаб ҳам уйқуга тўймассангиз — бу сизни сергаклантириши керак. Уйқу сифатининг бузилиши охир-оқибат невроз касаллигининг биринчи аломати бўлган уйқусизликка олиб келади.

3-4 кунги машғулотдан кейин деярли ҳамма тингловчиларимизнинг уйқу сифати яхшиланади. Машғу-

лотларнинг биринчи кунлари кўпчилик тингловчиларимиз уйқуларининг қаттиқлигидан соат жиринглашини ҳам эшитмай қолишганини таъкидлашган.

Бу шундан далолат берадики, танангиз йўқотган соғлигини тиклай бошлади, соғлом ва навқирон бўлиш жараёни ишга тушиб кетди. Агар сизда бундай ўзгариш бўлмаган бўлса, у ҳолда сиз жуда тез орада «болаларникideк соғлом уйқу» сўзининг асл маъносини тушуниб оласиз.

Уйқуга кетиши лаҳзаларини буткул эриб кетиши, фойиб бўлиш, бутунлай ҳамда тезлик билан фарқ бўлиш ва... у ёрига «ҳеч нарсани эслай олмайман» каби ҳислар билан тақдослаш мумкин. Шунга ҳам эътибор берингки, уйқунинг давомийлиги ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, бу ерда уйқунинг сифати муҳим.

Агар сиз уйқуга кетаётиб күёшдаги қордек эрий бошласангиз, ёстифингиз орасига сизиб фарқ бўлсангиз, демак, сиз уйқунгиз сифатини яхшилаб, меъёрга келтира олибсиз. Шу билан бирга бундай уйқу бутун тананинг мушакларини ҳам бўшаштира олиши билан ифодаланади.

Сиз бирор марта боланинг ухлашини кузатганимисиз?

У шу заҳоти ва истаган алфозда ухлаб қолиши мумкин ва бу пайтда у анча *огирлашганини* ҳам сезамиз. Сиз уни турткилашингиз мумкин, лекин у таъсиранланмайди. Мана биз қанақа уйқу ҳақида гапираймиз.

Лекин биз чукурлашиб, мавзудан ҳам четта чиқиб кетдик. Демак, бугунги кунга келиб сизнинг уйқунгиз ва иштағангиз яхшиланди, бу яхши!

Агар сиз буни аниқ ва равшан ҳис қила олмаётган бўлсангиз, бу нарса бугун эмас, эртага албатта рўй беради!

Эрталабки пешобингизни текшираяпмизи?

Агар пешобингизда паға-пағ булуғчалар, қум пайдо бўлган бўлса жуда яхши, демак, тозалаш механизми «ишга тушибди». Кумга эътибор беринг: агар у рангсиз, сарғиш бўлса, кумнинг ёши бир неча ойлик; агар тўқроқ рангда бўлса камида 2-3 йиллик, буларнинг ҳам-

маси буйракнинг меъёрдагидек ишлашига халақит бе-риб келган.

Дикқат!

Сизнинг буйрак ёки ўт пуфагингиздан майда тош-чалар ҳам чиқа бошлиши мумкин! Агар уларнинг диаметри 0,5 сантиметргача бўлса, одатда улар оғриқсиз чиқиб кетади, йирикроқларининг иши қийин. Сергак бўлинг! Иссиқлик (И) сезгиси билан ишлаш жараёнида ҳар доим эриб кетган, эриб фойиб бўлган тимсолни тасаввур қилиб ишланг. Иссиқ чойдаги қанд бўлаги қандай эриб йўқ бўлишини эсланг.

Лекин 0,5 сантиметрдан каттароқ тошлар билан мустақил ишлаш мумкин эмас. Бу техника хавфсизлигини бузиш ҳисобланади.

Агар пешоб ранги ўзгарса, жигар иши фаоллашганидан дарак беради, бу албатта жуда яхши.

Жигар ва буйрак соҳаларида сизда қандай сезгилар пайдо бўлди?

Агар сизда ҳозир озроқ оғриқ қўзғалган бўлса, кўрқманг. Бунинг учун хурсанд бўлинг, соғлиғингиз тиклана бошланди.

Бўғимларингиз қандай?

Агар улар олдин ҳам сизни безовта қилган бўлса, бироз шишиши ёки оғриши мумкин. Ҳозирги вазиятда бу яхшилик аломати, у ерда ҳам соғайиш жараёни бошланган.

Чандиқларнинг аҳволи қандай? Улар йўқола бошладими?

Агар йўқола бошлаган бўлса, сиз рекордчисиз. Биз бу машқ билан эндиғина танишдик ва асосий иш бугун бошланади.

Кўриш ва эшитиш қобилияти қандай? Бугунги меъё-рингиз $-10-20\%$. Натижаларни шу меръёрга етказиб олинг!

Ўзингиздаги барча ўзгариш ва кузатишларингизни кун-далилка қайд қилиб боринг. Шундай қилиб, танангиз-

даги күчлар уйғониб ҳаракатта келди. Демак, жараён бошланди, хурсанд бўлинг. Сиз билан бизнинг мақсадимиз танамизнинг ўз кучини касаликка қарши кураша олиши учун уйғотиш.

Эслатмалар ва насиҳатлар

Шифокор томонидан тайинланган даволаш муолажаларини ўзбошимчалик билан БЕКОР ҚИЛМАНГ!

Дорилар дозасини камайтиришдан олдин шифокорингиз билан маслаҳатлашинг! Яна бир марта диққат билан «Маслаҳатлар ва тақиқлар» бўлимини ўқиб чиқинг, техника хавфсизлигига риоя қилинг, ўзингизга қулоқ тутинг.

Машқларни дам олиш кетма-кетлигига бажаринг, бўлмаса натижалар тескари самара келтириши мумкин. Иш режимини ўзингиз учун қулай тарзда танланг. Машқлар оғирлигини ҳам ички сезгингизга қулоқ тутган ҳолда мослаб боринг. Мақсадни реал етиша оладиган баландликдан юқорироқ қўйинг. Шунда сиз истаган натижанингизга яқинроқ «кела» оласиз.

Энди асосий машғулотларга ўтамиз. Бугунги машғулотимиз ҳажмини аниқ тасаввур қила олишингиз учун одатдагидек, дастурни яна бир бора қараб чиқинг. Олдинги машғулотлардаги баъзи бир машқларга бироз ўзгартиришлар киритилган. Масалан, хаёлан нафас олишни бугун асосан носоғлом аъзолар орқали амалга оширамиз.

Қалқонсимон без, кафтлар, тўпиқлар орқали мустақил равищда хоҳлаган вақтингизда «нафас олишингиз» мумкин (кечқурун ухлашдан олдин ёки эрталаб ўрнингизда). Бугунги дастуримиз асосини «артиш» ва «спирал» машқлари ташкил этади.

Эътибор бердингизми, бир қанча машқларимиз биринчи комплексга бирлаштирилган (6-п.). Яъни уларни шу тартибда узлуксиз бажариш керак.

Нима учун шундай эканини машқларни бериш жараёнида батафсил изоҳлаб ўтамиз.

Бугун жуда муҳим кун. Биз кечаги старт берилган ҳаракатимизни бугун яна жадаллаштиришимиз, шу билан бирга кечаги ўзлаштирганларимизни ҳам мустаҳкамлашимиз, машғулотнинг охирига келиб барча машқларни тез ва яхши бажаришни ўрганиб олишимиз керак.

Бугун биз тикланаётган ва кучга кираётган соғлиғимизни яхшилаш устида ишлашни давом эттирамиз. Айнан ҳозир бўшашмасдан, онгли тарзда буткул соғайиб кетиш истагини кучайтириш керак!

*1. Ўғимлар машқи**

Ҳар доимгидек бўғимлар машқидан бошлаймиз. Ўзимизга маҳлиё бўлган ҳолда роҳат билан ишлаймиз. Қалбимиздан нур тараляпти. Ҳар бир машқни юракдан бажаришга, имкон борича машқларнинг асосий моҳиятини англаб етишга ҳаракат қилинг.

Бўғимлар машқининг ҳар бири қатъий танлов асосида саралаб олинган ва танани соғайтириш дастури учун энг мувофиқ ҳисобланади. Илтимос, ҳамма машқларни айтилган тартибда бажаринг, ҳеч нимани ўткашиб юборманг.

*2. Ҳаёлан нафас олиш**

Бўғимлар машқидан кейин ҳаёлан нафас олиш машқини бошлаймиз. Ташқи ва ички томондан ўзингизни қандай кўринишда бўлишни ёки қандай ҳисқилишни хоҳласангиз ўшандай тасаввур қилинг.

Бу сизнинг навқиронлик ва саломатлик тимсолингиз. Машқларни бажарганда шу тимсолда бажаришга ва шу тимсолда ҳар доим бўлишга ҳаракат қилинг, ҳатто навқиронлик ва саломатлик тимсоли сиз учун табиий бўлиб, бу кайфият табиий ҳолатингизга айлансин.

Носоғлом (севимли) аъзоимиз орқали нафас ола бошлаймиз, уни кучга кирган соппа-соғ деб тасаввур қиласмиш-ва ҳис этамиш.

*3. Ҳиссияттарни машқ қылдырыш**

Нафас олиш машқидан кейин дархол ҳиссиётлар билан ишлашга ўтамиз. Юқорида бу машқ берилған. Шунинг учун тақрорлаб ўтирумаймиз: албатта йиғланг ва кулинг, лекин эсингизда бўлсин, асосий диққат юзага келадиган хотиржамлик ҳолатида бўлиши керак.

Бугун сиз учун янада қийинроқ ҳиссиётлар устида, яъни тушкунлик ва ўзига бўлган ишонч ёки соғайиш тимсоли ва соғайиб кета олмаганлик тимсоллари устида ишланг.

Айнан бугун, чунки сизнинг елкангизда уч машғулотнинг тажрибаси бор, бу сизнинг шахсий тажрибангиз.

Маятник тебранди: кўз ёшлар – хотиржамлик – кулги, тушкунлик – хотиржамлик – ўзига ишонч, маҳкумлик – хотиржамлик – соғайиб кетишга бўлган барқарор ишонч.

Биз худди лойга ботиб қолган юқ машинасини тўғри йўлга чиқиб олгунча итараётгандек ҳаракат қиласиз. Бу соғайиб кетишнинг, хасталикдан буткул чиқиб олиш тимсолининг айнан ўзи.

Сизда биринчи ижобий натижалар бошланди. Сиз буни ўзингиз ҳам ҳис қиляпсиз, тўғрими?

4. Берилган тана қисмларни И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сөздиларни ҳосил қилиш (оёқларда, умуртқа погонасида, қўл ва елка қисмларнида)

Олдинги дарсларда ўтганларни тақрорлаймиз, факат бугун олдинги машғулотларда унча яхши ҳосил бўлмаган сезгилардан бошлаймиз. Ҳар бир сезгини таҳнанинг оёқлар, умуртқа погонаси, қўл ва елка қисмлари орқали 3–5 марта юргизинг, яъни ҳар қайси сезгида

3–5 марта тўлиқ юргизилиши керак. Бу машқ сизни кеинги, янги вазифа учун тайёрлайди.

5. И, Ж, С, И+Ж ҳамда С+Ж сезигитарини умуртқа поғонаси орқали қўй ва оёқлаб силжитиш

Иссиқлик сезгисидан бошлаймиз. Хаёлан **И** юмалоқчани ўнг оёқ тўпифига йиғиб, 6–10 сония ушлаб турнимиз (истасангиз бошқа оёқ ёки кафтдан бошлашингиз мумкин). **И** юмалоқча оёқни ички томондан иситаётганини ёрқинроқ тасаввур қилинг. Сўнгра бу иссиқ юмалоқчани хаёлан аъзолар орқали, тўқималарнинг ичидан олиб ўтамиз, муаммоли жойларга кўпроқ эътибор қаратамиз.


Силжиш схемаси мана бундай (12-расм).

Сезгини ўнг оёқ тўпифидан чаноқ бўғими, думфаза ва қовуқ орқали умуртқа поғонаси бўйлаб тепага силжитамиз, хаёлан умуртқа поғонасининг ҳар бир поғонасини сантиметрма-сантиметр ишлаб ўтиб, бўйин қисмигача етиб келамиз (бош суюкнинг асосигача ҳам кўтарилиш мумкин). Сўнгра елка бўғими орқали ўнг қўл томонга ўтиб, пастга қараб силжиймиз, ҳеч нимани назардан қочирмай, ўнг кафтилизгача етиб келамиз. Хаёлан шу ерда бир неча лаҳза ушланиб, худди шу йўналишда қўлимиз бўйлаб тепага қараб силжиймиз.

Кейин ўнг елка бўғими орқали елка қисмидан пастга тушмай, чап елка бўғимига ўтиб, чап қўлимиз бўйлаб пастга – кафтилизгача келамиз.

Худди шу йўналишда чап қўл бўйлаб тепага қараб силжиб, чап елка бўғими орқали умуртқа поғонасигача етиб келиб, умуртқа бўйлаб пастга силжиб, чап чаноқсон бўғими орқали чап оёққа, ундан чап оёқнинг тўпифигача силжиб, пастга тушамиз.

Чап оёқ бўйлаб тепага силжиб, чаноқ-сон бўғимлари орқали ўнг оёқ бўйлаб пастга – ўнг оёқ тўпифигача, яъни қаердан бошлаган бўлсак, ўша ерга қайтамиз. Бу бир



12-расм. Умуртқа поғонаси орқали қўл ва оёқлар бўйлаб сезгиларни силжитиш

марталик йўл. Бундай йўлдан **И** сезгисида уч марта юрамиз, сўнгра **Ж** сезгисида уч марта ва худди шу тарзда **С** сезгисида ҳам уч марта юрамиз.

Асосийси хаёлан қўл, оёқларни ва умуртқа поғонасини яхшилаб уқалаш, бунда сезгилар «сакраб» (ёки сезги унча яхши акс этмаса, ёки сезгининг ҳолати ёқимли тарзда акс этмаса) ўтиб кетадиган жойларга кўпроқ эътибор қаратишни унутманг. Сезгиларни бир

кун **И** сезгисидан, иккинчи кун **С** сезгисидан, учинчи кун яна **И** сезгисидан бошлаш мумкин ва ҳ.к. Худди шундай сезгиларни силжитиш машқини истаган кафтиңгиздан, истаган оёғингизнинг тўғифидан бошлашингиз мумкин. Муҳими қоидани эслаб қолиб, унга амал қилиш керак: битта йўлнинг йўналишида икки марта-дан ўтиш (ҳам боришда, ҳам қайтишда) керак ва ҳаракатни қаердан бошлаган бўлсангиз ўша ерга қайтиб, тўхтатиш керак.

Энди кичкина танаффус бериш мумкин (10–20 дақиқа). Машғулотнинг кейинги қисмига ўтишдан олдин озгина дам олинг.

6. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси

Машғулот давомида «Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси»ни ўзлаштиришга киришамиз, бу комплексга чандиклар билан ишлашдан ташқари, кўриш ва эшитиш қобилиятини созлаш машқлари ҳам киради.

Бу машқларнинг моҳияти шундаки, имкон борича носоғлом аъзоларни хаёлан яхшироқ ва чукурроқ мас-саж қилиб, бу аъзоларда қон ҳаракати ва қон айланиш жараёнини тўлалигича тиклаш керак.

Зарурый эслатмалар

Ўзимизнинг «энг севимли» носоғлом аъзоимизни танлаб оламиз, албатта **юрак ва миядан ташқари!** Айнан юрак ва мия билан бевосита ишламаймиз! Лекин шундай бўлса-да, асосий касалликни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишимиз билан юрак ва миянинг иш фаолияти яхшилана бошлади. Танадаги барча аъзолар бир-бирига боғлиқ ва бир-бирига қарам.

Ва яна!

Агар «севимли» аъзоингизда қандайдир ўсмалар бўлса, бу машқни бажарманг! Ҳеч қандай «артиш» ва «спирал» машқини бажариш мумкин эмас! Ички фаол массажни бу аъзоларда бажариш мумкин эмас! Тананинг бошқа қисмларида олиб борилган ишларнинг натижасида бу аъзоларда ҳам бевосита ижобий ўзгаришлар юз беради.

Демак, бошладик.

Кўзлар юмилган, танани бўш қўйинг, бутун ўй-фиксизни нафас олишга қаратиб, ортиқча ўй-хаёлларни калламиздан чиқариб ташлаймиз.

Сөзиғарни қилиш ва сочиб юборниш

Тананинг носоғлом аъзо қисмида хаёлан иссиқ (**И**) юмалоқчани йигамиз. Уни имкон борича ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг, бу иссиқ тўпламни тананинг ич-ичларига bemalol сингиб кета оладиган шифобахш юмалоқча деб тасаввур қилинг. Иссиқликни тахминан 6–10 сония давомида йигамиз, хаёлан бутун танамиздан шу ерга иссиқликни торта бошлаймиз (бешинчи дарсга қаранг, 11-расм) ва шу ерда 10–15 сония ушлаб турамиз.

Сўнгра ҳар томонга «сошиб», ундан бутунлай халос бўлишга ҳаракат қиласиз. Буни уч марта тақрорлаймиз. Худди шу тариқа уч марта **Ж** ва **С** сезгиларини ҳам «йифиб» – «сошиб» юборамиз. Яна буни қуидагича амалга ошириш ҳам мумкин: 1-2 марта **И** сезгисида, 2-3 марта **И+Ж**, 1-2 марта **Ж** сезгисида, сўнгра **Ж+С** сезгисини қўшамиз, худди шу тарзда 2-3 марта **С** сезгиси билан ҳам амалга оширамиз.

Бу носоғлом аъзони хаёлан массаж қилиш. Ушбу машқни бажараётганда, имкон борича **И** сезгиси аъзодаги алвондек иссиқ қон оқимини кучайтиришини тасаввур қилинг, иссиқлик барча кераксиз нарсаларни эритиб юбориб, ҳар бир аъзодаги ҳужайралар янгилаши учун керак бўлган озуқани етказиб бераётганини тасаввур қилинг.

Ҳар бир ҳужайранинг қувончдан пирпираётганини, аъзойнгизда ҳосил бўлаётган ёқимли таранглик ва жонланишни ҳис қилинг.

Ниҳоят «севимли» аъзойнгизга эътибор қаратиш учун вақт топдингиз.

Машқни худди ўзингизнинг севимли машгулотингиз билан банд бўлгандек, ўзингизга муҳаббат билан, шошмасдан, юракдан бажаришга ҳаракат қилинг. Натижанинг яхши бўлиши шунга боғлиқ.


Хаста аъзонини ўз текислигидо «артиниш» ва «спирал» машқи

Ўша носоғлом аъзо устида ишлашда давом этамиз. Иссик юмалоқчани ўртача мушт катталигига йифиб, уни хаёлан уч текисликда юргиза бошлаймиз (13-расм).


Вертикал йўналишида (илонизи шаклида, 15-расм) тепадан пастга хаёлан аъзонинг у бошидан бу бошига, ич-ичига сингиб кетган ҳолда бориб келамиз. Ҳеч нарсанни назардан қочирмай, текислаб, тўғирлаб, аъзони ички ва ташқи томондан «артиб» чиқамиз.

Шу тарзда 2-3 марта бориб-келамиз, сўнгра ҳаракат йўналиши текислигини ўзгартирамиз.


Горизонтал (илонизи шаклида) текисликда у чеккадан бу чеккагача сезгилар ҳаракатланади: *чапдан ўнгга, ўнгдан чапга* 2-3 марта, қориннинг ички томонидан орқа деворгача, орқа девордан қорингача 2-3 марта.




13-расм. «Артиш» машқи: сезгиларни горизонтал ва вертикал йўналишида силжитиш



14-расм. «Севимли» аэзо билан ишилаганда сезгиларни силжитиш вариантылари («спирал»)



15-расм. «Артиш» машқини бажарғанда сезгиларни силжитиш схемаси



16-расм. «Спирал» машқини бажарганда сезгиларни силжитиш схемаси


Худди шу тариқа «артишни» Ж, сүнгра С билан ҳар бир йұналиштада 2-3 марта юриб үтамиз.

Бунда хаёлан носоғлом аъзо әгаллаган жойдан бироз үтиб, күпроқ жой әгаллашга ҳаракат қилинг. Но-соғлом аъзо әгаллаган жойга етиб бормагандан күра, бироз ошиб үтган яхши.


Машқни Ёшлик ва саломатлык тимсолида қувноқ-лик ҳамда роҳат билан бажарамиз.

«Артиш»ни бажараётіб, ички нигоҳингиз билан «артаётган» аъзоңгизга худди нозик идишдек әхтиёт-корлик билан муносабатда бўлиб, енгил ҳаракатланишини кузатинг.

«Артиш»дан кейин, тұхтамасдан «спирал» машқига үтамиз (14-расм). Бу хаёлий массажнинг давоми.



17-расм. «Спирал» машқида сезгиларни умуртқа погонаси бўйлаб силжии схемаси



18-расм. «Артиш» ва «спирал» машқида сезгиларни умуртқа погонаси бўйлаб силжиси схемаси

Буни шундай амалга оширамиз: «артиш»ни тугатган сезгида спирал йўналишида сезгини юргиза бошлиймиз (16-расм), марказдан чекка қисмига ва ортга, худди шу тарзда хаёлан ич-ичига кириб, уч текисликда 2–3 марта бориб-келамиз. Марказдан чекка қисми-гача ва ортга – бу битта йўл.

Агар умуртқа погонангиз хаста бўлса, спирал шаклидаги ҳаракатни тепадан пастга ёки тескарисига худди 17–18-расмларда кўрсатилган йўналишда бажарамиз. Ўрамларни иирикроқ, тифизроқ, сўнгра майдароқ қилиш мумкин; ўрамларнинг кенглиги 10–15 сантиметр атрофида.

Энг асосийси «спирал» ва «артиш»ни бажараётганда ҳамма ҳаракатларни юракдан, ўзингизга муҳаббат

билин бажаринг. Бунда хаёлан ўнқир-чўнқирликни тўғирлаб, буқланганларни текислаб боришига ҳаракат қилинг. Бу машқда аъзонинг анатомик тузилиши эмас, унинг соғлом ва ҳёттий кучга тўлиб-тошган ҳолда тасаввур қилиш муҳим.

Машқ максимал бўшашган ҳолатда, кўзларни юмиб, хаёлимизни бегона ўй-фикрлардан холи қилган ҳолда бажарилади.

Чандиқлар билан ишлаш

«Спирал» машқини тутатиб, дарҳол чандиқлар билан ишлашни бошлаймиз. Кимда чандиқлар бўлмаса, товоң пиҳи, тананинг шалвираган бирор қисмини ёки теридаги ажинларни олиши мумкин. **Ҳар доимгидек юрак ва бош қисми бу машқдан мустасно!**

Ички нигоҳимизни чандиқли жойга қаратамиз (ёки терининг бошқа нуқсонли жойига) ва у ерда учинчи машғулотда баён этилганидек ишлашда давом этамиз.

Кечакин учун ишлаб кўрган эдик. Лекин тажрибамдан биламан, теридаги нуқсонлар билан ишланган синов ишлари натижасида ҳам бир неча тингловчилаrimizning теридаги муаммолари йўқола бошлаган. Шунинг учун бугун албатта теридаги нуқсонларни текшириб, уларнинг узунлигини, катта-кичиклигини ва ташки кўринишини кундаликка қайд қилиб қўйинг.

Яна бир бора чандиқлар билан қандай ишлаш формуласига диққат билан қаранг. Ҳар бир сезгини ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг, ҳар бир сезги билан 6-7 мартағача такроран тасаввур кучини чекламасдан ишланг. Бу ишга ўзингизга бўлган ишончнинг бор кучини, теридаги нуқсонлардан ва танадаги дардлардан халос бўлиш истагини ишга солинг.

Яна бир марта эслатиб ўтаман, юқорида баён этилган биринчи комплекс машқларининг барчасини бир нафасда кетма-кет бажариш керак. Шунинг учун олдин ўқиб чиқинг, қўлланмани назарий томондан ўзлашти-

риб, ундан кейин кўзларни юмиб, машқларни бажаришга киришинг.

Бунга 20 дақиқадан кўп вақт сарфламанг.

Яна бир марта эслатиб қўймоқчиман, бугун бутун вужудингизда қор кўчкисидай соғлиқнинг тузала бошланадиган кун. Айнан шундай пайтда бутунлай соғайиб кетишингиз учун иродангизни бўшаштирмай ишлаш жуда муҳим.

Кейинги машгулот учун топшириқ

1. Сезгиларни яхши ҳосил бўлмаётганлари билан қўшимча машқ қилинг. Лекин ошириб юборманг! Ўзингизга қулоқ тутинг! Машқлар жараёнида ўзингизни зўриқтириш техника хавфсизлигига хилоф. Эсингида-ми, ҳар бир машгулот дастурини ўзлаштириш учун сизга 2-3 кун вақт ажратилган.

2. Кундаликка ҳаммасини рўй-рост, ўзингиздаги ҳамма ўзгаришларни қайд қилиб боринг.

3. Кейинги машгулотта созланинг, қалбингида кейинги машгулотнинг қаҷон бўлишини кутиш иштиёқини ҳосил қилинг. Ўзингизга хос иш режангизни шундай тузингки, дастурнинг ҳаммасини ўзлаштира олиш имконига эга бўлинг.

4. Доимий равишда Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида яшанг. Ҳиссиётлар устида ҳам ишланг. Ижобий на-тижага эриша олмаган машқлар билан қўшимча ишланг.

5. Бу машгулот дастурини ўзлаштирмай туриб, кейинги саҳифага ўтиб кетманг. Шу ерда хатчўп қолдинг.

Сизга омад ва муваффақият ёр бўлсин!

ЕТТИНЧИ ДАРС

1. Бүгіншілар машқи*
2. Хаёлан нафас оғиш*
3. Ҳисснёттарни машқ қылдырыш*
4. И, Ж, С өз И+Ж ұамда С+Ж сөзшіларниң
үміртқа поюнасын оғылар өбек-құлдар бүйілаб
сияқтапшиш*
5. Тимсолын машқтарнини бирнегін комплексін
6. Ұғ барылар машқи (тимсолын машқнини
неккінегін комплексін)
7. Кашта айланы («Сөршөвқип шағар»)

Еттинчи дарс машғулоти одатда тингловчиларимиздинг имтиҳон топширишдан ва қолоқларнинг таъзирини беріб қўйишдан бошланади. Лекин сизлар сиртқи эканингиздан хурсанд бўлишга ўшилманг. Сизлар ҳам ўзингизга етарлисими оласиз. Аҳволингиз аллақачон ҳар томонлама яхшилана бошланиши керак эди. Аслида ишлар қандай кетяпти?

Кўйида берилган рўйхатга қараб чиқинг. Ҳар бир пунктнинг рўпарасига қўшув ёки айирув белгисини кўйиб, кейин ўз натижаларингизни кундаликка қайд қилинг. Мана шу сизнинг синов дафтариңиз бўлади.

Тайёрмисиз?

Демак:

1. Уйку – сифатли;
2. Иштаҳа – яхши;

3. Кайфият, ўзингизни қандай ҳис қиляпсиз, кундан-кунга яхшиланиб боряпсиз;

4. Ичаклар фаолияти мөъёрдагидек ёки энди мөъёрга келаяпти.

Кичик огоҳлантириш. Бу ерда маятник эффекти кузатилиши мумкин.

Агар сизда олдин қабзиятга мойиллик бўлган бўлса, ҳозир энди ич бузилиши билан алмашиниши мумкин. Хавотирланманг, бу вақтингчалик. Ҳаммаси тезда мөъёрга келади. Шунчаки «маятник» бир чекка нуқтадан иккинчи томондаги нуқтага қараб тебранишни бошлади, аммо тез орада у бир маромга тушиб, сизнинг ҳолатингиз ижобий барқарор ҳолатга келади.

5. Носоғлом аъзо фаолиятининг яхшиланиши (касалликнинг бироз зўрайиб олиши орқали кечади).

6. Чандиқлар йўқола бошлади. Уларни ўлчаб, дастлабки ўлчов кўрсаткичи билан солиштиринг.

Нима учун бугун «таъзирини бериш ва синов топшириш куни»?

Агар вужудингиз билан иш йўналишини тўғри танлаган бўлсангиз, у сизни «тушуна бошлаб», танангиздаги соғайиш ва ўзини тиклаш жараёни бутунлай ишга тушиб кетган бўлиши керак. Одатда машғулотнинг учинчи кунидан олтинчи кунигача бу жараённинг энг юқори чўққиси, демак, ижобий жараённинг ҳам юқори чўққиси бўлиши керак.

Ўз олдингизда ростгўй бўлмоғингиз муҳим ва бугунги машғулоттагча нималарга эриша олганингизнинг ҳаммасини таҳлил қилиб чиқинг.

Буни албатта кундалика қайд қилинг!

Демак, натижаларимиз қандай?

Агар сиз ўқув дастурининг ҳамма ҳолатларини муваффақият билан ўзлаштириб, тўғри ишлаган бўлсангиз, бунинг жавобини топиш қийин эмас. Ижобий натижалар сони олтига бўлиши керак.

Нима бўлиши керак бўлса, шу нарса бўлади. Хуллас, танамизнинг ўзини-ўзи тиклаш механизми ишга тушиб кетди. Энди ўз устида ишлашнинг энг хавфли дақиқаларига етиб келдик. Бу хавф-хатар қаерда беркинган бўлиши мумкин? Мана, қаерда.

Соғлигини ва ёшлигини тиклаш йўлидаги уринишда омадсизликка учраб, кейин ўзида ҳаммасини бошидан бошлашга куч топиб, ижобий натижаларга эриша олган тингловчиларимиздан бирининг кундалигида баён этилган ёзувлардан бир парчасини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«... Биринчи галдаги машғулотларда чандиқлар йўқолиб, варикоз кенгайиши камайиб, кўриш қобилиятим яхшилангандан сўнг, мен хотиржам бўлиб тинчиб қолдим ва кута бошладим. Машқларни ҳам шунчаки кўркўрона бажара бошлагач, соғайиш жараёни тўхтади... Ҳозир аҳволимнинг яхшиланиси яна бошланиб кетди».

Ҳозир вужудингиз бутун ички ва ташқи томонининг ҳаммасини тартибга келтириши керак. У бунга муҳтоҷ. Танангизнинг ўзи нима қилиш ва қандай бажариш кераклигини билади, сизнинг вазифангиз фақат ёрдам бериш, яъни қатъият билан мақсад сари ҳаракат қилиш.

Ҳозир энг асосийси хотиржам тортиб, ишни ташлаб кўймаслик!

Нима учун сизнинг шижаотсиз ҳолатингиз жуда хавфли? Нега деганда, сиз танангизнинг тиклаш ва ёшартириш ишини ҳаракатга тушириб юбордингиз ва бу жараён энди беихтиёр давом эта бошлади. Лекин қаршилик, инерция ҳали катта бўлиши мумкин. Бу улкан, оғир ва занг босган фидиракни – танангизни айланиб ишга тушиб кетишига ёрдам беришнинг энг қулай вақти. У етарли тезликни олиб, инерция кучи ёрдамида ўз-ўзидан айланана бошлаганидан кейин янги мақсадлар сари интилишингиз, истагингиз қуввати ёрдамида уни ҳар замонда қўллаб-қувватлаб туришингиз мумкин.

Агар сиз ўз натижаларингиздан қўнглингиз жуда тўқ бўлган тақдирда ҳам, «бошқа ҳеч нимани истамаган»

ҳолда ўзини янги мэрралар сари туртиб-рағбатлантириб туриш ҳар қандай ҳолатда ҳам керак. Ниятни ҳар доим улуғ қилиш керак, нимагадир интилиш керак, чунки Табиат билан уйғунликда ўз-ўзингиз билан уйғунликда бўлиш масканига етакловчи якка-ю-ягона тўғри йўналиш айнан шу.

Ўзини рағбатлантиришнинг яна муҳим томони шундаки, ҳали олдинда биз ўзлаштиришимиз керак бўлган анча мураккаброқ, анча кучлироқ машқлар кутиб турибди. Бу машқлар танангизни тартибга келтиришдаги бажарган ишларингизнинг самарадорлигини анча оширади. Устига-устак, бу ишларнинг барини сиз ўз ҳарачатингиз ва иродангиз ёрдамида амалга оширасиз.

Сиз оддий тимсолий машқни бажарасиз ва бош мияқон айланиш жараёнининг яхшиланишига, озуқа таъминотининг меъёрга келишига, эътиборингиз йўналтирилган тананинг қисмлари билан мия ўртасида алоқа тикланишига буйруқ беради. Буларнинг барини вужудингизнинг кучига таянган ҳолда амалга оширади. Мана шунинг ўзи тана мудроқ кучлари уйғониши ва ўзини тиклашидир.

Сизга дориларнинг таъсири ҳам шу мақсад сари йўналтирилгандек туюлади. Ҳа, лекин бу четдан келган ёрдам ва у ўзини ўзи тиклаш қобилиятини таназзулга олиб келади. Бироз фурсат ўтиб мия бундай ёрдамни меъёрдагидек қабул қилиб, шунга мослашиб қолади ва ҳеч нарса қилмай қўяди. Ҳақиқатан ҳам, нимадир ишлаб чиқаришим керак, деб меҳнат қилиб тер тўкишнинг нима кераги бор, ҳаммаси шундоқ ҳам тайёр ҳолда келяпти-ку. Тайёридан фойдаланиш мумкин. Мана, ҳаммаси ҳал бўлди!

Мана шунинг учун ҳам иРОДА КУЧИНГИЗНИ ИШГА СОЛИБ, ОНГЛИ РАВИЩДА ТАНАНИ МУДРОҚ ҲОЛАТДАН УЙГОТИШ ЙЎЛИДАГИ БОШЛАГАН ИШНИ ДАВОМ ЭТТИРИШ МУҲИМ, АНА ШУНДА ТАНА ҚАРИЛИК ВА ХАСТАЛИК УСТИДАН УЗИЛ-КЕСИЛ ГАЛАБАГА ЭРИШИШ УЧУН МУҲИМ БЎЛГАН ЎЗИНИНГ ШАХСИЙ ДОРИСИНИ – ҲАММА КЕРАКЛИ МОДДАЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ.

Навқиронлик ёшга боғлиқ эмас, бу тананинг сифати. Биз фақат ўзимизга бўлган эътиборсизлигимиз туфайли ёшликка бизни ташлаб кетишига йўл қўйиб берамиз. Улуф мақсадли, Табиат билан уйғунликда яшовчи инсонлар бу сифатларини бир умрга сақлаб қолишиади.

Инсон 120 йил ва ундан ҳам узоқроқ умр кўриши мумкинлиги ҳақида тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзимизнинг замондошимиз американлик олим Пол Брэг ҳақида гапирадиган бўлсак («Очлик мўжизаси» китоби орқали сизга таниш), баҳтсиз ҳодиса ҳаётдан олиб кетмагунча 95 ёшида ҳам серфайрат ва фаол ҳаёт тарзи олиб борган.

Демак, юқорида айтиб ўтилганлардан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Мақсад сари интилишингиз даражасини ҳар доим назорат қилиб туринг. Жисмоний жиҳатдан бўшашибганда ҳам ўзингизга руҳан бўшашибганга йўл қўйманг!

Баъзи бир тингловчиларимиз машғулотларнинг бу босқичига етиб келганда, айниқса, савол бера бошлашади: «Қачон ёшариш дастурини бажаришга киришамиз? Сиз ахир ваъда бергандингиз, вақт эса ўтиб боряпти!»

Агар бу савол сизга ҳам тинчлик бермаётган бўлса, ўгирилиб босиб ўтилган йўлни кўринг, кўзгуга қаранг ва сиз шу заҳотиёқ биз аллақачон бунга киришганимизни англайсиз.

Лекин айримларингиз машғулотларнинг ва машқларнинг бошиданоқ биз ёшариш, навқиронлик, соғаниш устида ишләётганимизни тушунган ва ҳис қилган бўлсангиз керак.

Энди эса ишга киришамиз, машқларни бошлаймиз.

Бугунги бизнинг вазифамиз маҳоратимизнинг ошиб бориши ҳисобига секин-аста машқларнинг вақтини қисқартира бориш. Бу феъл-авторидан, асаб тизимининг турлича эканлигидан қатъий назар, барча китобхонларимизга ва барча машқларимизга тегишли.

Биз аллақачон биламизки, бутун машғулотлар комплексини бажариш вақти, уни ўзлаштириб бўлгач,

30–40 дақиқадан ошмаслиги керак. Мана, нима учун бугундан бошлаб ҳаммасини нафақат яхши бажаришга, шу билан бирга тезлик билан бажаришта ҳаракат қиламиз. Лекин бундан сифатта зарар етмаслиги көрек! У ёққа ҳам оғмай, бу ёққа ҳам оғишмай, меъёрдаги олтин оралиқда ишланг.

*1. Өфимлар машқи**

Керакли ички кайфиятни созлайдиган мусиқа остида ишлаймиз. Машқни тугаттагач, қалбингизда ўзингизга бўлган миннатдорлик туйғусини ҳосил қилишни унутманг.

*2. Ҳаёлан нафас олиш**

Имкон борича ўзингизнинг Ёшлик тимсолингизни ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг. Шу бугунга келиб бу тасаввур сизда аниқ шаклланиб бўлган бўлиши керак. Кўз олдингизга меҳрибон, қадрли, ёқимли, мулойим нарсаларни келтиринг, бир сўз билан айтганда, кўнглингизни кўтарадиган нимадир бўлсин.

Машғулотнинг биринчи кунларида асосий кучингиз услубни ўзлаштиришга йўналтирилган эди, аммо энди сиз Ёшлик тимсолига шундай киришиб кетганингиздан, бу тимсол ўзингизнинг табиий бир қисмингизга айланиб кетганини ҳис қилинг.

Ҳаёлан нафас олишдан кейин дарҳол ҳиссиётлар машқига ўтамиз.

*3. Ҳиссиятларни машқ қилинфим**

Бугунги ишимиз асосан қалбимизда мувозанатни яратишга йўналтирилган бўлади, яъни ўтмишдаги ва ҳозирдаги зиддиятлар ечимини топиб, келажакда уларга йўл қўймаслик.

Имкон борича ўтмишдаги сизни қийнаган ва ҳозир ҳам қийнаб келаётган барча муаммолардан халос бўлишга ҳаракат қилинг. Халос бўлиш дегани – кечириш, кечириш ва юрагингиздаги юқдан халос бўлиш.

Сизга кимки ёмонлик қилган бўлса, ноҳақ хафа қилгандарни, хиёнат қилгандарнинг ҳаммасини кечиришга ҳаракат қилинг, бу қанчалик оғир бўлишига қарамай кечиринг.

У одамлар ноҳақ бўлган тақдирда ҳам уларни кечиринг. Балки улар ҳозир ҳам сизга нисбатан ноҳақлик қилишда давом этишаётгандир – уларни кечиринг, хаёлингиздан бутунлай чиқариб ташлаб, фикрларингизни улардан халос қилинг... Шунчаки табассум қилинг.

Табассум қилинг, энди уларни сизга ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку Сиз энди бундай одамлар, уларнинг дилозорликлари учун қўл етмас баландликдасиз, ЧУНКИ СИЗ ШУНДАЙ ҚАРОР ҚИЛДИНГИЗ.

Кечириш – юрагингизни босиб турган юқдан халос бўлиш. Худди танамиз шлакларни чиқариб ташлашга муҳтожлик сезганидек, қалбимиз ҳам тозаланишга муҳтожлик сезади.

Кечириш ҳам тозаланишнинг айнан ўзи, ҳам руҳий, ҳам жисмоний нуқтаи назардан.¹

Энди бевосита машқларга ўтамиз. Сизни вақт бўйлаб саёҳат кутаяпти. Аввалига ўзимизнинг ўтмишимиз бўйлаб сайд қиласиз, сўнгра келажакка ҳам назар ташлашга уринамиз.

Кўзларни юмиб, қайфуга ботган омадсиз одам қиёфа-сига киринг. Ўзингизни бўм-бўш кинотеатрдаман, деб тасаввур қилинг. Зал нимқоронғу. Ҳозирча экранда ҳеч қандай тасвир кўринмайди, лекин сиз биласиз, у ерда ҳозир сиз ҳақингизда, сизнинг ҳаётингиз ҳақидаги фильм намойиши бошланади.

У қандай тузилган, нима ҳақида ҳикоя қиласди, но маълум. Қалбингизда қизиқиш аралаш хавотир бор.

¹Л.Хей. Как исцелить свою жизнь. «Путь к себе» – 1992, № 6.

Қалбингиздаги хавотир кўпайиб, бирдан оғриққа айланади. Сиз учун қадрли бўлган ҳамма нарса худди бўлмагандек ўтди-кетди: ўтмиш фақат нохушликлардан, кўнгил қолишлардан, камситилишлар, таҳқирла-ниш, ранж-аламлар, алданиб қолиши ва хиёнат қурбо-ни бўлишлардан иборат...

Хотирангиз бу ранж-аламларни бир-бир кўздан ке-чирганча чуқурроқ ўсмирлик ва болаликка кетиб бора-ди. Биринчи дилозорликлар: конфет қофозига ўралган бўм-бўшлиқ, ўйинчоқни тортиб олган қўшни бола... ва яна нималардир, нималардир...

Экран ёришди ва у ерда қандайдир шарпалар, соя-лар, чехралар ҳаракатга кела бошлади... уларга яхши-роқ тикилинг, лекин ўзингизни ортиқча мажбурламанг. Аста-секин бу шарпалар кўриниши тиниклашиб, улар орасида баъзи бирларини таний бошлайсиз...

Уларга қаранг, бу ўша сиз ҳаёт йўлингизда учра-шишга тўғри келган одамлар. Уларнинг кўпчилиги сиз-нинг қалбингизга озор етказган, баъзиларига эса сиз озор бергансиз...

Сиз ҳеч қайси бирини атайлаб чақирганингиз йўқ, лекин улар келишди, улар шу ерда, демак, уларга ҳам, сизга ҳам бу зарур. Демак, ҳар бир келган одам билан гаплашиб олиш керак.

Хаёлан экран ичига киринг, воқеалар иштирокчи-сига айланинг, ҳар бир дилозор изга қаратага тахми-нан шундай сўзларни айтинг:

— Ҳа, сен қачонлардир менга нисбатан жуда ёмон иш қилдинг. Мени дилим оғриди, лекин энди булар-нинг бари ўтмишда, бугун мен сени кечираман!.. Кечи-раман ва юрагимдан кўйиб юбораман!

Агар сизнинг қаршингизда бу дунёдан ўтиб кетган-лардан кимдир пайдо бўлса, унга қаратага ҳам худди шу-ларни такрорланг, самимий тарзда чин юракдан айтинг:

— Сен ўтмишда қолдинг, мен бу ерда сен билан хайрлашиш учун ўз ихтиёrim билан келдим, мен ҳаёт-ман, мен сени кечираман!..

Биронтаси билан узоқ ушланиб қолманг, галма-галдан у одамдан бу одамга ўтинг, лекин ҳар бири билан гаплашинг, сизга ноганиш бўлган одам бўлса ҳам гаплашаверинг. Ўзингиз ҳам ҳар бирининг гапини тингланг, унга қулоқ тутинг, кечиринг ва кимга озор етказишингиз мумкин бўлган бўлса кечирим сўранг.

Ҳаммага хайриҳоҳ бўлинг, айниқса, яқинларингизга. Ҳаётда ҳаммадан ҳам кўпроқ яқинларимиз дилимизга озор етказади, лекин буни кўпинча ўzlари англаб етишмайди... уларни кечиринг.

Агар кўзингиз ёшга тўлса, уларни тўхтатишга уринманг, йиғланг, кўз ёшлар енгиллик келтиради, улар билан бирга сизни қийнаган ва сиз учун оғир юк бўлиб турган ҳамма нарса ювилиб кетади.

ТЎХТАНГ!

Хаёлан ўзингизга айтинг: «Етар, мен ўтмишни ўзим хоҳлаганим учун эсладим. Лекин, энди мен олдингидек эмасман, менинг ҳаётим ҳозирда. Менга нисбатан қилинган ёмонликларнинг энди менга ҳеч алоқаси йўқ, уларга менинг ҳаётимда ўрин йўқ.

Ҳа, тўғри, ҳаётимда жуда кўп хатолар, дилсиёҳликлар, хафагарчиликлар ва кўнгил қолишлар бўлди, лекин мен – яшаяпман, буларнинг барчасини енгиб ўтишга ўзимда куч топа олдим, яна олдинга ҳаракат қилиш учун ҳам кучим етади.

Олдингидек бўлмаслик учун қўлимдан келган ҳамма ишни, бор кучимни ишга соламан, мен энди бошқача, янги одам бўлишни хоҳлайман... Мен энди бошқаман. Мен фикрлаяпман, ҳис қилаяпман, нафас оляяпман, шуларнинг ўзи баҳт. Олдин мен буларни тушунмасдим ва қадрига ҳам етмаган эдим.

Баҳт учун керак бўлган ҳамма нарса мен билан ва менинг ўзимда, ҳаётда мақсадим бор ва унга интилишимда менга ҳеч нима тўқсинглик қила олмайди. Мен ёшман, куч-ғайратга, шиҷоатга тўлиб-тошганман, ҳаётим тўқис ва баҳтли бўлиши учун ҳаммасига қодирман. Мен буни уддалай олишимни аниқ биламан».

Олдингизга қўйган мақсадингизни аниқ-равшан шакллантиринг, бу мақсад сари интилишингиз, бутун ҳаётингизни мазмунга ва қувончга тўлдирсин. Фарзандлар, оила, иш... Ҳар кимда бу борада ўзига тегишли нимадир бўлиши мумкин.

Энди келажакка қўчамиз.

Ўзингизни бир, бир ярим, икки ойдан кейин (ундан ошмасин) қандай бўлишингизни тасаввур қилинг. Ўзингизни қандай ҳолатда кўришни хоҳласангиз (ички томондан ҳам, ташқи томондан ҳам) шундай ҳис қилинг.

Бу ерда атайлаб бирор-бир аниқ тимсол сизга тақлиф этилмаяпти. Ўз келажагингизни мустақил равища ўзингиз тузинг. Бу тимсол борасида сизнинг ўз ички ва ташқи йўналишингиз бор. Бу тимсолингиз сизнинг шахсий Ёшлик ва саломатлик тимсолингиз билан бир жону, бир тан бўлиб кетиши керак.

Агар машқни керакли тарзда ўтказа олсангиз, ўзингизнинг дилозорларингизни ҳозирги ва олдинги етказган озорларини чин дилдан самимий кечира олсангиз, сиз улкан енгилликни ҳис этасиз, бу енгилликдан ҳатто ҳузур топишингиз мумкин.

Қалбингиз оғир юқдан халос бўлади ва сизнинг Ёшлик тимсолингиз анча сезиларли ва реал бўлиб қолади. Бу ҳолатни эҳтиётсизлик билан «чўчитиб» юбормаслик учун қалбингизда ҳар доим ўзингизга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат туйғусини ҳосил қилинг.

Токи ўзингизга нисбатан менсимаслик муносабатида бўлар экансиз, бирорни кечириш ва уни тушунишнинг иложи йўқ. Ҳеч қачон ўзингиз ҳақингизда салбий фикрламанг. Ҳатто хаёлан ҳам ҳеч қачон ўзингизни койиманг ва камситманг.

Имкон борича кўпроқ ичингизда ёки овоз чиқариб бу сўзларни такрорланг: «Мен навқиронман, баҳтлиман, соғломмман...» ва ҳ.к. Бу машқ сиз биринчи дарсда танишган, балки ёд бўлиб кетган насиҳатларга бекорга киритилмаган.

Хозир сиз билан нима рўй берётгани борасида мулоҳаза юритинг. Ён атрофингиздаги одамларга назар солинг (қариндошлар, танишлар, дўстлар, ҳамкаслар). Улардан қай бирлари сиз ҳақингизда салбий фикрда эканини тушуниб етишга, имкон борича улардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилинг, яхшиси улар билан алоқани бутунлай узганингиз маъқул. Агар бунинг имкони бўлмаса, бегоналарнинг ёмон гапларини юрагингизга яқин олманг, бу одамларни тушунишга ва кечиришга ҳаракат қилинг. Ҳаётда ҳам «маятник» машқини қўлланг.

Ҳар доим ва ҳамма ерда, айниқса, ҳаётнинг қийин паллаларида, сунъий равишида *Ёшлик тимсолини* ҳосил қилишга ва иложи борича шу ҳолатда узоқроқ вақт бўлишга ҳаракат қилинг.

Сизнинг тимсолингиз моҳиятингизга айланганда, қалбингида ўз-ўзидан ҳайратланарли мувозанат, хотиржамлик туйғуси ҳосил бўлади, атрофингиздаги ҳамма нарса ўзгара бошлайди, ўз-ўзидан ички сезгинингиз ҳам кучайганини ҳис қиласиз.

Ушбу ўқув дастуридаги йўналишни ҳам енгиллик билан ҳис эта оласиз, мустақил равишида хасталик сабабларини илғаб, касалликдан чиқиб олишнинг асосий йўлларини топиб оласиз. Бунда уйгунликка эришишнинг энг самарали ҳаракатларини танлаш эркинлиги ҳар доим ўзингизнинг қўлингизда.

*4. ИЖС ва ИЖ ҳамда С+Ж сезиларини умуртка погонаси орқали қўл ва оёклар бўйлаб сизжитиш**

Ўтган дарсни такрорлаймиз (6-дарс 5-пункт). Ўтган дарсда унчалик яхши ҳосил қила олмаган сезилардан бошлаймиз. Ҳар бир сезги билан уч мартадан ишлаймиз.

*5. Тимсолини машқларини биринчи комплекси**

Комплексни бажараётганда бир машқдан иккинчи машқقا оҳиста ўтишга ҳаракат қилинг, машқдан-

машқقا ўтиш бир-бирининг давомидек бўлиши керак. Сезгиларни ҳар бир йўналишда З мартадан тақрорланг.

6. Ўз барғи машқни

(тимсолини машқнинг иккимили комплекси)

Уч барг машқи. Бу машқ бизга узоқ ўтмишдан келган ва у хаёлан деярли барча ички аъзоларни массаж қилиш имконини яратиб, танадаги мувозанатни тиклашга жуда яхши ёрдам беради. Сиз аллақачон бу машқнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини англаган бўлсангиз керак.

Тиббиётга оид кўхна китоблардан одам танасининг чизгилари топилган, бу танадаги қисмларга ажратувчи чизиклар худди нилуфар гулининг баргига ўхшаб кетади.


Афсонавий даражада чиройли бўлган нилуфар гулини гўзаллик ва олижаноблик рамзи деб ҳисоблашади. Бу гулга жуда кўплаб хислатлар боғланиши уни рамзийлик белгисига айлантирган.

Катталиги жиҳатидан бу барглар турлича, учта барг туташиб уч баргларни ҳосил қиласди, яъни унча катта бўлмаган уч барглардан катта уч баргларгача.

Нилуфар гулбаргларининг орасида ўзига хос қонунийлик даражасидаги боғлиқлик мавжуд. Агар баргларнинг бирортасида кўнгилсизлик рўй берса, худди шу нарса кейинги баргда ҳам рўй беради ва унинг асорати қатъий тартибда кетма-кет ҳамма баргларда давом этади. Ёки тескариси, битта баргга самарали таъсир этиш, бошқаларига ҳам қатъий тартибда кетма-кет таъсир этади.

Шу тариқа қадимги шифокорлар тасаввурида инсон вужудидаги ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ ва бу ўзаро боғлиқлик маълум даражада «nilufer gulbargari»да намоён бўлади.

Биз сиз билан фақат учта туташган катта уч барглар ёрдамида ишлаймиз (19-расм).



19-расм. Уч барглар

Биринчи уч барглар.

Кўкракнинг пастки қисмидан тепа қисмига қараб ўнг томонга, ўртада ва чап томонга учта барг кўтарилади. Бунда икки ёндаги баргларнинг учлари бутун елка қисмини қамраб олади, унга кўл қисмини ҳам киритиш мумкин, ўртадаги баргнинг учлари ёноқларгача етиб бориши (бошқа вариантда бўйингача, унга қалконсимон без ҳам киради) мумкин.

Барглар бир-бирига туташган ҳолда кўкрак қисми ни тенг уч қисмга бўлади. Энди хаёлан шундай уч баргларни орқа курак қисмida акс этириинг ва шу тарзда сиз орқа томонда яна учта баргга эга бўласиз.

Биз мана шу оралиқда, олд ва орқа томондаги жуфт баргларнинг оралиғида ишлаймиз (масалан, ўнг олдинги барг ва ўнг орқадаги барг оралиғида).

Иккинчи уч барглар

Барглар пастга қараган, кўкракнинг пастки қисмидан (эркакларда кўкрак учидан) киндиккача, бу қисмни ҳам тенг уч қисмга бўламиз. Уларнинг орқа томондаги акси орқа қисмини ҳам уч баргта ажратади. Айтиб ўтганимиздек, олд ва орқа томондаги жуфт

баргларнинг оралиғи биз ишлайдиган оралиқни ҳосил қиласиди.

Учинчи уч барг

Юқори чегара киндиккача, пастки чегара чот орасында. Баргларни жойлаштириш тартиби ҳам юқоридагидек тарзда.

Барглар туташган жойда улар бир-бирининг устига жойлашиши ҳам мумкин, иш жараёнида бу мумкин.

Машқни бажараётгандан бирор аъзога алоҳида эътибор қаратиш шарт эмас, чунки битта аъзонинг ўзи ҳар хил баргларда жойлашиши мумкин. Шунинг учун бутун кўкрак қисмини ва қорин бўшлигини тенг тўққиз баргга бўламиш.

Ички нигоҳимиз билан барча қисмлардан бир-бир, хаёлан массаж қилиб ўтамиш, айниқса, сизни кўпроқ безовта қилаётган қисмларга алоҳида эътибор қаратинг.

Янада аниқроқ бўлиши учун баргларни тартиб раками билан белгилаб чиқамиз (20-21-расм).

Барглар бўйлаб юриш тартиби қуйидагича:


Дастлаб ўнг томон тепадан (1) – ўнг елка, ўнг елка бўғими, ўпканинг тепа қисми, сўнгра ўртага ўтамиш (2) – бронхлар, қалқонсимон без қисми, сўнгра чапроққа суриламиш (3) – чап елка, чап елка бўғими, чап томондаги ўпканинг тепа қисми, сўнгра пастдаги барг (4) – томон ўтиб, қориннинг чап қисмига етиб келамиш ва шу тарздаги тартиб билан 1-баргдан 9-баргтacha силжиймиз.

Худди шу йўл билан орқага қайтамиш.

Машқни одатдагидек **И** сезгиси билан бошлаймиз. Мушт катталигидаги **И** юмалоқчани биринчи барг қисмiga тўплаймиз. Бу **И** тимсолини ёрқинроқ тасаввур қилишга ҳаракат қиламиш, уни ич-ичидан қиздираётган жуда ёқимли шифобахш иссиқлик эканини ҳис қиламиш, аниқ бирор аъзо ҳақида ўйламаймиз.

Агар сизнинг кўлларингиз, бўғимларингиз оғриётган бўлса, уларни яхшироқ қиздириш мумкин, шу ерда иссиқлик тимсолини бироз кўпроқ ушлаб турамиз.


Биринчи баргни иситамиш, иссиқликни йифиб, **И** тимсолини 8–10 сония ушлаб туриб, сўнгра **И** сезгисини чапга силжитиб, 2-барг қисмини қиздирамиз.



20-расм. *Нилуфар гули барглари (олд томондан кўриниши)*

Дикқат! Юрак қисмига яқинлашманг, хаёлан уни четлаб ўтинг.

Худди шу тарзда иссиқликни 2-барг қисмида йиғиб, 8–10 сония ушлаб турамиз, кўкракнинг ўрта қисми, бўйин, юзни ҳам иситиш мумкин, машқ пай-



21-расм. Нилуфар гули барглари (орқа томондан кўриниши)


тида И тимсолини кўпроқ безовта қиласидиган қисмларга йўналтиринг.

Бронхит ҳолати бўлса, кўкрак қисмини кўпроқ қиздиринг. Қалқонсимон без иш фаолиятида муаммо бўлса, бўйинни, бурун-ҳалқум қисмида шамоллаш асорати бўлса шу жойни ич томондан яхшилаб қиздиринг.

Сүнгра яна чапроқقا 3-баргга ўтиб, худди шу тарзда ишни давом эттирамиз.

Дикқат! Яна бир марта эслатиб ўтаман: Юрак қисмидә ишламанг, хаёлан уни четлаб ўтинг!


Чап томондаги баргни қиздиришда давом этиб, 4-барг қисмига тушамиз. Худди шундай хаёлан у ерда ҳамма нарсаны қиздириб, қориннинг марказ қисмига (5-барг), ўнгроқقا силжиб, 6-баргга ўтамиз, шу ўнг томондан пастга (7-барг) силжиб, қориннинг пастки ўнг қисмининг ҳаммасини қиздирнимиз, ўнг чаноқ-сон бўғими ва ўнг оёқни қиздириш мумкин, агар бунга эҳтиёж бўлса кейинги (8-барг) баргга ўтиб, шу ерда киндикдан пастки ўрта қисмидә ишлашда давом этамиз. Бу жуда муҳим қисм, бу ерни астойдил яхшилаб қиздинг, айниқса, қовуқ ёки тўғри ичак қисми сизни безовта қилса, яхшилаб қиздинг.



22-расм. И, Ж С сезгиларини нигуфар гули барглари бўйлаб силжитиш

Сўнгра чапга 9-барг томон, қориннинг пастки чап қисмини қиздириб, шу билан бирга чап чаноқ бўғими ва чап оёқни қиздирамиз.

Худди шу йўналиш билан орқага 1-барг қисмига қайтиб келамиз. Бу битта йўл (22-а, 22-б расмлар). Сезгиларни силжитганда (ҳозирги ишимизда **И** сезгисини) уларни «йўқотиб» қўймасликка ҳаракат қилинг. Ички нигоҳингиз билан силжиётган қисмларни тасаввур қилиб, уларни яхшироқ ва чуқурроқ уқаланг. Хаёлан уларни силаб, тўғрилаб, меҳр билан ҳаммасини астойдил текислаб, ҳеч нимани назардан қочирмай ишлаймиз. Бундай йўллардан ҳар бир сезгида 3 мартадан ишлаш мумкин. Битта сезгидан иккинчи сезгига оҳисталик билан ўтинг, ҳар бир сезгининг охирги учинчи йўлида **Ж** сезгисини кўшиб ишлаш керак, масалан:



22-расм. **И, Ж**, С сезгиларини нилуфар гули барглари бўйлаб силжитиш (давоми)

1-ва 2-йўл – **И** сезгисида;
 3-йўлда – **И+Ж**; (ёки 3- ва 4-йўл);
 4-ва 5-йўл – **Ж**; (ёки 5- ва 6-йўл);
 6-йўл – **Ж+С**; (ёки 6- ва 7-йўл);
 7-8-9 – **С** сезгига (8- ва 9-йўллар).

Бу машқда иккала сезгини бирга ҳосил қила олсан-гиз, **И+Ж** ва **С+Ж** иккита сезгида баравар ишлаш мумкин.

Машқ пайтида ҳар бир қисмда, ҳар бир баргда сезгиларнинг бир хилда ҳосил бўлишига эътибор беринг, биронта қисм ҳам эътиборсиз ишланмай қолмаганлиги борасида кўнглингизда хотиржамлик, ишонч ҳосил бўлсин.

7. Катта ахлана («Софшовкин шаҳар»)


Бу машқ ичак фаолиятининг ишини яхшилашга мўлжалланган. Сезгини силжитишни ўнг томондаги қовурға билан қорин оралиғидаги йўғон ичак бошла-надиган жойдан бошлаган яхши.

Агар ишни ингичка ичакни массаж қилишдан бошласангиз, яъни қориннинг ўртасидан – киндик қисмидан ҳам бошлаш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаракат **йўналиши фақат соат мили йўналиши бўйича бўлиши керак**, яъни ичакларнинг йўналиш йўли билан (23-расм).

Соат мили йўналишига қарама-қарши ҳаракатланиш мумкин бўлган ягона жой – киндик атрофидаги қисм, лекин бу фақат ичаклар тонуси сусайган ҳолатда мумкин.

Демак, танангизни бўшашибириб, кўзларни юминг. Машқни иссиқлик сезгисидан бошлаймиз. Мушт каталигидаги **И** юмалоқчани қориннинг ўнг ёнбош ичак соҳасида тўплаймиз. Бу жойни топиш жуда осон.

Ўнг томондаги чаноқ суягининг энг бўртиб чиққан жойини пайпаслаб топиб, бармоқларингиз билан




23-расм. «Сершовқин шаҳар» машқи. Уч сезгини ўнг ёнбош ичак соҳасидан бошлиб силжитиш

қориннинг юмшоқ жойини бироз босасиз, мана шу бизга ҳозир керак бўлган жой.

Иссиқлик тимсолини ёқимли тарзда ичидан қиздираётганини ёрқинроқ тасаввур қилинг. Бир неча сония давомида **И** йифиб, сўнgra секин йўғон ичак бўйлаб юра бошлаймиз: тепага, чапроққа, пастга, сўнgra ўнгга (24-расм).

Шу тарзда киндик атрофида 3–5 марта айланинг, сўнgra **И** сезгисини спиралсимон ҳаракатлантириб, киндик қисмига яқинлашинг.

Сўнgra қориннинг марказидан, киндик қисмидан соат мили йўналиши бўйича айланишда давом этиб, **И** айлананинг радиусини катталаштира борамиз ва дастлабки ҳолатдаги **И** айланана ҳолатига етиб келамиз. **И** сезгиси ҳаракатини тўхтатмасдан секин-аста унга **Ж** сезгисини ҳам қўшамиз ва худди шу тарзда ҳаракатланишда давом этиб, 3–5 мартадан кейин **С** сезгида ҳам ишлаймиз.



24-расм. «Сершовқин шаҳар» машқи. Уч сезгини йўғон ичак йўналиши бўйлаб силжитиш

Машқни бажараётib, ички нигоҳингиз билан сезги юмалоқчасининг силжиш йўналишини кузатинг, йўл-йўлакай хаёлан ҳар бир тахламни, ичакнинг ҳар бир бўртиб чиққан ҳалқасини силаб, тўғирлаб, текислаб, сантиметрма-сантиметр, ҳеч нимани эътиборсиз қолдирмай ҳаракат қилинг.

Ичаклар эътиборга жуда ҳозиржавоб, шунинг учун эътиборингизга жавобан қулдирашларни ёки «фимирилаш»ни сезсангиз ҳайрон қолманг. Бу жуда яхши. Бу ичакнинг ўзига хос сизга жавоби: «Хўжайн, қулогим сенда. Менда ҳаммаси жойида, мен ишга тайёрман!»

Хаёлий массажни астойдил бажаринг, ахир шу кичкина қорин бўшлиғининг ўзида ўртача ҳисобда 8–10 метр ичак жойлашган (ингичка ва йўғон ичаклар), ичакнинг шиллиқ қаватида 4 мингтacha ўсимтачалар бор, кўплаб микроворсинкалар жойлашган ичакнинг 1 квадрат миллиметрида 100 миллионга яқин ворсинкалар мавжуд!

Агар хаёлан уларни бир текисликка жойлаштирсак, унинг майдони тахминан 5 квадрат метр жойни эгалайди! Бу фойдали озуқа моддалар ишлаб чиқарувчи бутун бошли корхона. Табиат томонидан шундай мурраккаб ва щундай оқилона қилиб яратилган ўз танангизга ёрдам бериш учун буни яхшироқ тасаввур қилишга ҳаракат қилинг.

Ичаклар билан ишлаганды, яххиси биринчи кунлари бу тарзда ишлаган маъқул: бир кун **И** сезгида иш бошланг, кейинги кун **С** сезгида, худди шу тарзда ишни ҳам бир кун **И** сезгида, кейинги кун **С** сезгида тугатинг. Сўнгра натижасини кузатинг, қайси вариант ичакларингиз учун самарали таъсир этаяпти, щунга қараб келгусида ёки **И** сезгида ёки **С** сезгида алоҳида ургу бериб ишлайсиз.

Ичакнинг ўта юқори тонусдаги ҳолатида, одатда **И** сезгида ишлаш яхши самара берса, ичакнинг тонуси суст бўлган ҳолатда **С** сезги яхши натижада беради.

Қабзиятга мойиллик бўлган ҳолатда хаёлан қорининг чап томон қисмини астойдил ва чуқур массаж қилиш керак.

Биз бу ерда атайлаб алоҳида ташхисларга тўхталиб ўтирумаймиз, ҳатто жуда кенг тарқалган ташхисларга ҳам. Чунки биз ташхислар ҳақида бутунлай унутиб юборишига келишиб олганмиз. Келинг, ишимизнинг асосига танамизнинг талабидан келиб чиққан ҳолда ёндашамиз, у нимани хоҳляяпти, щунга таянган ҳолда ишлаймиз. Ўзингизга қулоқ солишини ўрганинг!

Яна бир марта огоҳлантираман. Сизда қисқа муддатли ич бузилиш ҳолати юзага келиши мумкин. Агар қабзиятга мойиллик бўлган бўлса, ич бузилиш ҳолати юзага келиши ёки аксинъ ёки бўлса, тескари ҳолат юзага келиши мумкин. Бу ерда ҳам маятник тамойили асосидаги иш жараёни кузатилади. Бир томондаги нуқтадан бошқа томондаги нуқтагача тебраниш ва бироз фурсатдан кейин ҳаммаси мувозанатга келиб, ичак фаолияти меъёрида ишлайди.

Ва яна, «Уч барглар» ва «Сершовқин шаҳар» машқларини кетма-кет бажариши ўрганиб олиш жуда муҳим. Иккала машқни бажариш вақти 15 дақиқадан ош маслиги керак, бу ҳам фақат ҳозирча ўзлаштириш даври бўлгани учун, услубни етарлича яхши ўзлаштириб бўлганингиздан кейин, бу машқ учун икки марта камроқ вақт сарф қилиш мумкин.

Демак, ичаклар билан машқни бажариб бўлиб, ундан кейин дам олишга ўтамиз.

Кейинги машғулот учун вазифалар

1. Сезгилар яхши ҳосил бўлмаган машқларни тақрорланг. Бу вазифанинг дастурини 3 кунда эмас, 2 кунда ўзлаштиришга ҳаракат қилинг.

2. Шу бугундан бошлаб ҳар доим Ёшлик тимсолида бўлинг. Бу тимсол сизнинг ички моҳиятингизга айланаб кетсин.

3. Барча ўзгаришларни, жисмоний ва руҳий ҳолатингиздаги ижобий ўзгаришларни кундаликка қайд қилиб боринг.

4. Кейинги машғулотга ўзингизни тайёрланг.

5. Бу машғулот дастурини тўлиқ ўзлаштириб бўлмай туриб, сизни ажойиб хушхабар кутаёганига ҳам қарамай кейинги саҳифани очманг, ҳатто унга мўраламанг ҳам.

САККИЗИНЧИ ДАРС

1. Бўғимлар машқи *
2. Ҳаёлан нафас олиш *
3. Ҳиссомтлағарни машқ қилдириш *
4. И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сөзларини умуртқа погонаси орқали обб ва қўйлар бўғилаб сизжитиш *
5. Шимолий машқлариниң биринчи комплекси *
6. Ўз бағилар ва Кашта ақланга (Кашта ақланадан ҳам бошлаш мумкин) *
7. Юзни ёшартириш учун машқ (биринчи иш куни)

Хурматли сұхбатдош!

Бизнинг янги учрашувимиз шуни англатадики, сиз 7-машғулот дастурини ўзлаштиришини улдаладингиз ва энди яна биргаликда йўлда давом этамиш.

Шу бугунга келиб, бу услубнинг энг асосий ва энг қийин машқларини ўзлаштириб олдингиз.

Лекин ҳали хотиржам бўлишга вақтли. Сизда энди «иккинчи нафас йўли»нинг очилиш фурсати етиб келди, инсон ўз устида ишлаши нақадар ажойиб бўлишини энди англай бошладингиз. Ахир ўзингнинг шахсий уйингта эга бўлиш, уни севиш, шинамгина қилиб бе заб, уни тартибга келтириш, унда яшаётган ҳар бир кунинг, ҳар бир лаҳзанг Тақдирнинг инъоми эканидан қувониш қандай баҳт.

Агар сиз «қалб байрами»га тайёр эканлигингизни ҳис этган бўлсангиз, бу ажойиб! Демак, сиз хушхабарга лойиқсиз. Бугун биз мұхабbat ҳақида сұхбатлашамиз.

Машғулотларимда баъзан тингловчиларга жинслар ўртасидаги муносабат мавзусига бефарқлар ёки ҳаётининг интим томонини яхшилашни истамайдиганлар кўлини кўтарсинг, деган саволни ўртага ташлаганимда, шукрлар бўлсинки, баҳтимизга бунақалар топилмайди.

Менинг ишончим комил, сиз ҳам бундан мустасно эмассиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар сиз китобнинг мана шу саҳифасигача етиб келган экансиз, бу саволга сиз ҳам қўл кўтартмаган бўлардингиз.

Бефарқ, лоқайд, бағритош одамлар, ҳақиқий севгини ҳис қилишга қодир бўлмаганлар умуман бундай китобларни ўқимайдилар.

Мұхабbat мавзуси ҳаётимиздаги абадий мавзулардан бири, ҳамма замонлардаги мавзулардан.

Инсонлар билан кўп йиллик мулоқотда бўлиб, мана, қандай қонунийликни аниқладик.

Ҳаётда фаол бўлган инсонлар, ҳамма жабҳада ҳам фаол бўлишар экан, шу билан бирга интим муносабатларда ҳам. Ёки тескарисига. Бу қонуният деярли барча улғайган ва шахс сифатида шаклланган одамларга таалукъли. Хулоса чиқариб олиш сиздан.

Унда келинг, бошланишига фаоллигимизни кўрсатиб, машқларга киришамиз, сўнгра яна сұхбатни давом эттирамиз.

Бу машғулотимизнинг дастури жуда зич. Энди ишни чўзиб юбормасдан, машқ вақтини назорат қилишга, кўрсатилган вақт ичида машқни бажариб тутатишга ҳаракат қилинг.

*1. Бўғимлар машқи**

Бўғимлар машқини одатдагидек бажаринг, танангизни машғулотга яхшилаб тайёрланг. Бунинг учун 10–15 дақиқа вақт етарли.

2. Ҳаётан нағас олиш*

Ургуни чандықларни, ажинларни йўқотишига ва тे-рининг умумий ёшаришига, шу билан бирга навқи-ронликка қайтиш, соғлиқнинг бутунлай тикланишига эри-шишига қаратинг (5 дақиқа).

***3. Ҳиссиётларни машқ
қилдириш****

«Ҳиссиётлар маятниги» машқини эсланг. Бугун ҳар доимгидек бу машқда ургуни **маятникнинг ҳиссиётли «чўққи»**ларидан барқарор хотиржамлик ҳолатига келишга қаратамиз.

Бу ҳолатни кўшимча яна машқ қиласиз.

Ўзингизни шундай жойда, шундай вақтда тасаввур қилингки, бу пайт ва бу жой сизда ўзига хос яхши тасаввур ҳосил қиласин. Ёш пайтингизни эсланг ва юзингизнинг кўринишини ўшандай тасаввур қилинг. Текис, силлиқ терингиз ёқимли жило таратган, ёноқларингиз қирмизи, истарангиз ҳам жозибали, кўзларда хайри-ҳоҳлик ва табассум. Сиз ҳаётга хурсандчилик ва муҳаббат билан боқаяпсиз.

Танангиз худди зичлаб, босиб турилган пружина-дек, куч шижаатга тўлиб-тошган, истаган пайтда ҳара-катга келишга шайланган.

Машқни ўзингизнинг такрорланмас Ёшлик ва саломатлик тимсолингизда бажаринг.

Кўшимча тавсия: тез-тез кўзгуга қараб боринг ва қанчалар ўзгариб, ёшариб кетганингизни қайд этинг.

Худди болалик пайтида, байрам арафасида ваъда қилинганларни интиқлиқ билан кутиш онларини эсга олиб, бу ёқимли кутиш дақиқаларини эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Шу билан бирга соғлиқ сари интилиш шижаатини ҳам сақлаб қолинг.

Мана шу тимсолдан чиқмаган ҳолда кейинги машқ-қа ўтамиз.

*4. И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сөздиларини ұмуртқа потонаси орқалы обек ба тұрлар бірнеге сипаттапшиш**

Бу машқни юқорида баён этилган тарзда амалга ошириңг.

*5. Шымсоланың машқтариниң бириңи комплекси**

Бириңчи комплексни мустақил бажаринг. Ҳамма машқларға 20 дақықадан ортиқ вақт сарфламанг. Нософ аэзо билан ишлашимиздан олдин бир-иккى оғиз қалқонсимон без ҳақида гапиришга ижозат беринг.

Күпинча китобхонларимизда ва курс тингловчиларимизда бу борада савол туғилади, яғни қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши сабаби нимада ва у билан қандай ишлаган маъқул?

Маълумки, қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши күпроқ аёлларда учраши құзатилған. Уни келтириб чиқарувчи сабабларни экологиянинг бузилиши ва йод танқислиги билан боялаш қабул қилингандар. Шу сабабты бу борадаги профилактика ва даволаш йўллари ҳаммамизга маълум.

Ўз вақтида Абу Али ибн Сино ҳам айтиб ўтган ва умуман Шарқда қалқонсимон без фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ хасталикни күнгли бўш, раҳмдил одамларнинг хасталиги деб ҳисоблаш қабул қилингандар. Бу хасталикнинг бошланғич сабаби кучли ҳаяжон (стресс) билан боғлиқ.

Агар сизда ҳам қалқонсимон безнинг катталашиш муаммоси бўлса, ўйлаб кўринг: Ҳаммаси нимадан бошланган эди? Қачон? Бунга нима сабаб бўлган ва нима таъсир этган?

Курс қатнашчиларининг деярли барчаси касалликнинг бошланишига таъсир этган қандайдир баҳтсизликни хотирлашади. Ундан ташқари қалқонсимон без фаолиятининг кучайишини кучли ҳаяжон бўлган ҳолатлар билан боғлиқ эканлигини аниқ таъкидлашади.

Мана нима учун Шарқда деярли ҳеч қачон қалқонсимон безни жарроҳлик йўли билан даволамай, касалликни келтириб чиқарган сабабларни бартараф қилишади. Агар шундай қилинса, қалқонсимон без фаолияти 10–15 кун ичида меъёрга келади.

Касалликнинг сабабларини бартараф қилиш билан эса биз услубнинг биринчи машғулотлариданоқ бандмиз.

Ўз ўтмишингизга «назар ташланг», ҳаётингиздаги ноҳушиликлар, ўзингиз ва яқинларингизнинг тақдири билан боғлиқ қўрқинчли хавотирлар ҳақида әслаб кўринг.

Қалқонсимон без билан ҳам худди бошқа аъзолар билан машқ қилгандек ишлайсиз. Бу ерда ҳам муаммога умуман бошқа томондан ёндашган ҳолда ҳаракат қиласиз, лекин натижалар ҳар доимгидек жуда зўр бўлади.

Услуб амалиётида ҳатто куни белгиланган жарроҳлик аралашувидан қутулиб қолиш ҳоллари (ташхис: III–IV даражали бўқоқ) ҳам бўлган. Бу эса сизнинг вужудингиз қандай захира кучига эга эканини яна бир бор кўрсатаяпти.

Лекин биз бироз ҷалғидик.

Демак, нософ аъзолар билан одатдагидек (юрак ва миядан ташқари!**) схема бўйича ишлаймиз.** Олдин сезгиларнинг ҳар бирини 5 мартадан «йигиб-сошиб юбориши» (5И, 5Ж, 5С).

Кейин оҳиста «артишга» ўтамиш. Олдинги машқни қайси сезги билан тугатган бўлсанк, ўша сезги билан бошлаймиз, бу сезгиларда ҳар бир текисликда 3 марта йўл ўтилади, бошқа сезгиларда ҳам худди шу тарзда ишланади. Ундан кейин худди шу тарзда «спирал»ни

бажариб бўлиб, тўхтамасдан чандиқлар билан (ёки терининг бошқа нуқсонлари билан) ишлашга ўтамиз, ҳар бир сезгини тасаввуримизни чекламай, тасаввуримизнинг энг юқори «чўққи»сига эришган ҳолда ишлаймиз.

Иш схемасини бироз ўзгартирса ҳам бўлади.

Масалан, комплекснинг барча машқларини И сезгида бажариб (Ж сезгини қўшасиз ёки қўшмайсиз), Ж сезгида, сўнгра С сезгида (ёки С+Ж) ишлаш мумкин.

Энди танаффус қилиб, дам оласиз.

*6. Ўт барглар ва Катта айланадан**

Танаффусдан кейин машғулотни давом эттирамиз. Бу машқларни хоҳлаганингиздан бошлишингиз мумкин.

Масалан, агар сиз ичакларингизга кўпроқ эътибор қаратишингиз керак бўлса, Катта айланадан бошлаб, Уч барглар машқига ўтинг ва яна Катта айланани такрорланг.

Машқни иложи борича 15 дақиқа ичида бажариб бўлишга ҳаракат қилинг. Лекин, сифатни унутманг! Машқларни камроқ бажаришга улгурсангиз ҳам, ҳар ҳолда уларни юрақдан бажаринг. Ана шунда сиз ўзингиз кутаётган ижобий натижани аниқ қўлга киритасиз.

7. Юзни ёшафтириш узун машқ (биринчи иш кунин)

Мана ваъда қилганимиздек, юз учун мўлжалланган машқларга ҳам етиб келдик.

Уларга киришишдан аввал, кайфиятингизни созланг, керакли ҳолатга киринг. Агар бошингизда оғирлик сезсангиз ёки бошингиз оғриётган бўлса, бошда жойлашган биологик фаол нуқталарни массаж қилинг (бўғимлар машқидаги берилган нуқталар).

Шундан кейин ўзингизга қулай ҳолатда ўтириб, танангизни бўшаштиринг, Ёшлик ва навқиронлик тим-

солини ҳосил қилинг, ўзингизни ёқимли ишга ҳозирланг. Кўзларингизни юминг.

Ўз юзингизни худди четда тургандек кузатинг ва хаёлан ундаги ажинларни, изларни текислаб «ўтинг». Уларни жуда эҳтиёткорлик билан оҳиста текисланг. Юзингизнинг жисмоний тарздаги жавобини ҳис қилинг. Бутун танангизда хотиржамлик ва ҳузурланиш...

Юзингизда енгил табассум, унутманг, сиз қироллар тоифасига мансубсиз!

Керакли ички ҳолатни ҳосил қилдингизми? Энди ишга киришамиз.

Демак, юзни ёшартирувчи контактсиз массажни бошлаймиз.

Ишлаш механизми косметик массаж билан ўхшаб кетса-да, самарадорлиги жиҳатидан бу массаж жуда катта устунликка эга.

Контактсиз ўз-ўзини ёшартирувчи массаж жуда тезлик билан периферик рецепторлар фаолиятини яхшилади, сезувчи импульсларни етказувчи йўлларни тиклайди, бош миянинг юз мушаклари, юз томирлари, юз нервлари ўртасидаги рефлектор алоқани кучайтириб, алоқа тикланишини йўлга қўяди.

Контактсиз ўз-ўзини массаж қилиш орқали иш фаолиятидаги капиллярларнинг кенгайиши ва фаолиятсиз мудроқ ҳолдаги капиллярларнинг ишга тушиб кетиши юз беради, натижада эса тўқималар таъминоти яхшиланаб, веноз қон оқими, лимфа суюқлигининг айланиши кучаяди; ёғ безлари ва тер ишлаб чиқарувчи безларнинг иши фаоллашади.

Натижада нафақат юз териси яхшиланабгина қолмасдан, тананинг ҳолати ҳам яхшиланади: бош мия пўстлоғининг таъсирчанлиги камаяди, қон томирларининг тонуси меъёрга келиши натижасида эса артериал қон босими пасайиб, пульс частотаси камайиб бориши кузатилади.

Массаж пайтида юз териси қизаради, унинг ҳарорати кўтарилиб (40 ёшгача бўлган аёлларда 4 градусгacha кўтарилади, ёши катталарда бир ярим градусгacha

ҳарорат күтарилади), терининг сезувчанлиги ошади. Энг ажойиб томони бу массажни сиз ўзингиз учун қулай бўлган соатда, деярли ҳар қандай шароитда бажаришингиз мумкин.

Демак...

Биринчи кун фақат 4 та машқ бажарилади, кейин гисида 7 та.

1. Кетма-кет равища И, Ж, С сезгиларнинг ҳар бирини юзимизнинг турли қисмларида 8-10 сония ушлаб турамиз, машқни қуйида берилган қатъий тартибда амалга оширамиз: ўнг ёноқ, чап ёноқ, пешона, ияқ, бурун. Иситишни чуқур тарзда амалга ошириш мумкин.

Ҳар бир сезги билан 3-5 мартадан ишлаймиз.

2. Хаёлан товуқ тухуми катталигидаги иссиқ (И) юмaloқчани юзимизнинг турли қисмларида спирал йўналишида ҳаракатлантирамиз (25-расмда кўрсатилганларга мувофиқ).

Иш тартиби худди шу тарзда: ўнг ёноқ, чап ёноқ (кулоқ солинчагига қадар), сўнgra пешона, ияқ, бурун. Ҳар бир сезги билан 3-5 мартадан 8-10 сония давомида ишлаймиз.

3. 26-расмга мувофиқ товуқ тухуми катталигидаги И, Ж, С сезгиларини бўйин қисмига кўчирамиз.

Ияқдан бўйинтуруқ томон бир неча сантиметр пастга тушиб, олд бўйиннинг ўртасидан ҳаракатни бошлаймиз. Ҳар бир сезгида 3-5 марта 10-12 сония давомида ишлаймиз.



25-расм. Юзни ёшартиши учун иккинчи машқ



26-расм. Юзни ёшартириши учун учинчи машқ



27-расм. Юзни ёшартириши учун түртмичи машқ

4. Кейинги машқимиз ҳам 3-машқ каби 27-расмга мувофиқ амалга оширилади. Сезгиларни бўйиннинг олд қисмида тепадан-пастга ва тескарисига ҳаракатлантирилади. Ҳар бир сезгига 3–5 мартадан ишланади.

ТҮҚКИЗИНЧИ ДАРС

1. *Өфимлар машқи**
2. *Хаёлан нафас олиш**
3. *Хиссәтшарғын машқ қылдырыш**
4. *Шымсоли мешкіншінің бириңіні комплексі**
5. *Ұй бағылар**
6. *Капта аяқтаны**
7. «Ұйынның құғы» тымсолынан иштеш
8. *Юздің ешарштырыш үрдүн машқілар
(неккінен иш күни)*

Саккизинчи дарснинг давоми.

1. *Өфимлар машқи**

Одатдаги тартибда ишлаймиз.

2. *Хаёлан нафас олиш**

Ёшлик ва саломатлық тымсолида ишлаймиз. Севимли аъзоларимиз орқали нафас оламиз.

3. Ҳиссиятларни машқ қилдириш

Бугун уларга бошқа томондан ёндашамиз.

Инсон теварак-атрофдаги оламни учта аниқ дара-жада идрок қилиш қобилиятига эга

- а) ҳис-туйгулар (қалб);
- б) жисмоний (тана);
- в) интеллектуал (ақл-идрок).

Буларнинг ҳаммаси бир-бири билан чамбарчарс боғлиқ ҳолда бигта тизимни намойиш этади. Нима учун биз уларни ажратамиз? Чунки уларнинг ташқи таъсирларга нисбатан реакцияси сифат ва тезлик борасида фарқ қиласи.

Интеллектга бу қаторда биринчилик берилади, чунки у бизнинг ҳаракатларимизни бошқариб туради, умуман улар устидан назорат қила олиш қобилиятига ҳам эга. Бундан ташқари, унинг таъсир кучи ҳатто ҳужайралар фаоллигига ҳам таъсир этиши замонавий фан томонидан исботланган.

Бошқача сўз билан айтганда, интеллектуал пойдерворсиз биз ҳиссиётларни машқ қилдира олмаган бўлар эдик.

Қачонки ҳиссиётларимиз уйғунликда бўлса, бизнинг ички дунёмизда ички келишмовчиликларга ўрин қолмайди ва олий туйгулар энг асосийси бўлиб қолади. Бундай ҳолатдаги инсонга тажавузкорлик бегона ва у хотиржам, шундай экан табиийки соғлом бўлади.

Ҳар қандай ҳиссиётнинг узоқ муддат бошқа ҳиссиётлар устидан ҳукмронлик қилиши уйғунлик ҳолатини бузиб, тананинг касал бўлишига олиб келади.

Тана, ақл-идрок, қалб уйғунликда бўлсагина, вужудимиз энг маъқул шароитда фаолият олиб боради ва онг ости даражасида бу мувозанатни сақлаб қолишга ҳаракат қилиб, эгасига бу нохуш ҳолатлардан чиқиб олишнинг энг яхши йўлларини кўрсатиб, айтиб туради.

Бошқача айтганда, вужудимизнинг мувозанатга ва уйғунликка интилиши, мушкул аҳволга тушиб қолга-

нимизда тўғри ечимни айтиб турувчи ички овознинг ўзидир. Бу эса ўз навбатида бизнинг асосий жисмоний сезгиларимиз қаторидаги яна олтинчи сезги деб атала-диган интуициянинг тайланган ўзи.

Яхши ривожланган интуиция – бу муваффақиятли ижодий ишнинг, ҳаётий муаммоларнинг энг мақбул ечимини топишнинг гарови. Ички сезги етарлича ривожланган инсоннинг ўзига нисбатан ишончи кучли бўлади, чунки у ички сезгисининг айтганларини ҳис қила олади ёки «эшита» олади. Шунинг учун ички сезгини ривожлантириш йўлидаги биринчи қадам ҳиссиётларни машқ қилдириш бўлади.

Қачонки сиз ҳиссиётларни уйғунлик ҳолатидаги баҳамжиҳатликка келтира олсангиз, вужудингиз бунга кўнишиб қолади ва бу ҳолатни йўқотишни истамайди.

Энди, Ёшлик ва саломатлик тимсолини ҳосил қилиб, кейинги машқларни бажаришга ўтамиш.

*4. Тимсолини машқларини биринчи комплекси**

*5. Ўз барилар**

*6. Катта актана**

Энди янги хаёлан «учинчи қўл» билан уқалаш машқларига ўтамиш.

7. Хаёлан «үйинчи қўл» билан ишлаш

Бу машғулотга қадар сиз **И+Ж** ва **С+Ж** сезгилари билан қилинадиган машқларни етарли даражада пухта эгалладингиз, вужудингизни ҳис қилишни ўргандингиз. Энди «севимли» аъзомизга таъсир қилиш орқали кўпроқ фойда олиш учун «учинчи қўл» тимсоли билан

ишлиш машқини бажаришни ўрганамиз. Бу сизга ичакларга, ўт пуфагига, тананинг етиб бориш қийин бўлган қисмлари ва аъзоларига етиб боришингиз учун имконият йўлини очади.

Мана, мисол учун, кўрсаткич бармоғингизни кўтaring. Бармоқ учидаги пульс уришига «кулоқ тутинг». Ўзингизни зўриқтиришнинг кераги йўқ, шунчаки ҳис қилишга, сезишга ҳаракат қилинг!

Бошқа қўлингизда ҳам худди шу тарзда. Келинг, энди ўзимиз учун «учинчи қўл»ни ўйлаб топамиз, бу биз қаерда ишлишимиз керак бўлса фикрларимиз изидан эргашиб, хаёлан силжий оладиган тасаввуримиздаги учинчи қўл бўлади. Сезгилар билан нима қилган бўлсак, худди шу тарзда ишлаймиз.

Машғулотнинг бу босқичига келиб, «учинчи қўл» тимсоли деярли ҳаммада ҳосил бўлади.

Демак, қулай ҳолатда ўтириб, кўзларни юминг. Тананинг ҳамма мушаклари ёқимли тарзда бўшашган, қўллар тиззада эркин ҳолда ташлаб қўйилган. Бутун эътиборимиз қўл панжасига қаратилган.

Бармоқлардаги енгил пульс уришини ҳис қилинг.

Энди эътиборимизни ўнг қўлимизнинг панжасига қаратамиз. У ердаги ёқимли пульсация, иссиқликнинг енгил жимирилашини ёрқинроқ ҳис қилинг.

Хаёлан панжаларингизни сиқиб-очинг, худди ҳамир қораётгандек ёки бир бўлак пластилинни юмшатаётгандек, гайрат ва бир оз куч билан фаол ҳаракат қилинг.

Бу ишда давом этиб, ички нигоҳимизни **юрак ва бошмия қисмидан ташқари истаган нософ аъзога йўналтирамиз!**

Кўлнинг уч текислик юзасида «артиш» ишларини амалга ошираётганини тасаввур қилиб, у ерда сезиларли дарражада ёқимли жонланиш ҳосил бўлганини ҳис қилинг.

Эҳтиёткорлик билан силаймиз, «севимли» аъзоимизни енгил тарзда массаж қилиб, хаёлан қон ҳарака-

ти секинлашуви сабабини, шлакларни ва нобуд бўлган тўқималарни бартараф қиласиз.

Гўё «учинчи қўлингиз» «севимли» аъзоингизга шифобахш куч, соғлиқ, тетиклик, мусаффолик, майнинлик, ёшлиқ, муҳаббат бераётган тимсолини ҳосил қилинг...

Ўзингиздан ҳам яна нималарнидир қўшинг.

Сўнгра бошқа аъзолар билан ҳам худди шу тарзда ишлаймиз.

Бундай массаж натижасида аъзодаги қон ҳаракати жараёни кучайиб, моддалар алмашинуви фаолияти яхшиланади ва умуман соғайиш фаоллашади.

«Учинчи қўл» тимсолида ишлаш чарчоқни жуда ҳам яхши бартараф этади, лимфа оқими жараёнини яхшилади.

Мисол учун бу ишни болдиришимизда ўтказамиш. Тўғри ўтириб, гавдани ростлаймиз, Ёшлиқ ва саломатлик тимсолини яратамиш. Эътиборимизни ўнг болдиришимизга йўналтирамиз, у ерда иссиқликни йифиб уни яхшилаб қиздиралимиз. Ҳамма қисмларнинг бир хилда қизишини назорат қилинг.

Бутун болдиришимиз бўйлаб иссиқлик пайдо бўлганда, хаёлан уни «учинчи қўл» билан уқалаб, терини ва мушакларни гўё ички ва ташқи томондан текислаб, тўғрилашни бошлаймиз. Майнин ва мулойим, лекин ишонч билан мушакларни массаж қиласиз, терини текислаймиз (ички ва ташқи томондан), ҳатто уларни бироз «тирнаган» ҳолда (худди мушукчалар онасини эмайтганда тортқиласандек) ишлаймиз.

Энди болаларнинг ҳаво пуфакчаси қандай шишаётганини эслант. Тасаввур қилинг, тоза қон оқими худди шу тарзда болдириши терисини таранглаштириди, шундан кейин биз ундан «ҳавони чиқариб» ташлаймиз. Энди терининг қандай осилиб қолганини кўз олдингизга келтиринг...

Массажни давом эттириб, терини ёйиб текислаймиз, уларнинг ортиқчасини хаёлан чеккага сурниб қўямиз. Улар камайиб бораверади.

Кейин болдирни совутиб, салқин ҳаво пуркаймиз. Кўпроқ, кўпроқ, кўпроқ... Тери совуқда майин, силлиқ, эластик бўлади. Мушакларда ҳосил бўлган таранглик, худди совуқ кундаги сайдран кейинги тетиклик ва мусаффоликка ўхшайди.

Энди ўрнингиздан туриңг ва ўнг болдириңгиз билан чап болдириңгиздаги сезгиларни солиштириңг. Фарқи борми? Келинг иккинчи (чап) болдирни ҳам тартибга келтирамиз.

Ишлаш босқичи:

- 1) И;
- 2) И + уқалаш;
- 3) ҳажмни кенгайтириш;
- 4) ҳавони «чиқариш»;
- 5) салқинлик;
- 6) натижани (С) совуқ сезгига мустаҳкамлаш.

Бундан буёғига, учинчи қўл тимсоли билан ишлаганда, бир вақтнинг ўзида И+Ж ёки С+Ж сезгиларини кўшиб ишлатишга ҳаракат қилинг. Бу ишлашнинг энг яхши варианти, чунки бундай массаж натижасида самарадорлик анча кучаяди.

Энди юзни ёшартириш машқларига ўтамиз, «учинчи қўл» билан ишлашни кейинги машғулотда давом эттирамиз.

8. Юзни ёшартириш учун машқлар (иккинчи иш куни)

Ишга фақат аҳволимизни созлаб бўлгандан сўнг киришамиз. Ёшлик ва саломатлик тимсолини яратинг ва бу тимсолда машғулотни давом эттириңг.

1. Кетма-кет юз ва бўйиннинг берилган қисмларида (И, Ж, С) сезгиларни ҳосил қиласиз («гўзаллар йифини»):
 - а) пешона;
 - б) ўнг ёнок;

- в) чап ёноқ;
- г) ияк (қалқонсимон безгача);
- д) бурун;
- е) бўйиннинг олдинги қисми (бу ерни хаёлан 4 қисмга бўламиз ва кетма-кет ҳар бир қисм билан алоҳида ишлаймиз).

И сезигидан бошлаймиз.

Ҳар бир сезгини берилган қисмларда 8–10 сониядан ушлаб турамиз, машқни 3 марта такрорлаймиз. Вазифани бажариб бўлгандан сўнг, 10–15 дақиқа ўтгач, ҳар бир ишланган қисмда ўз-ўзидан **И+Ж** сезигилари пайдо бўлиши керак.

2. Олдинги дарснинг 2, 3, 4-машқларини кетма-кет такрорлаймиз («катта сайр»).

3. **И+Ж** сезигиларини ёрқинроқ ҳосил қилиб, бир неча сония ушлаб турамиз, сўнгра кескин тарзда **C+Ж** сезгисига алмаштирамиз (бунда **И** сезгининг ёрқинлигини 2 марта кўпайтиришга ҳаракат қиласиз).

4. Хаёлан юз терисини қуйидаги кетма-кетликда текислаб ёямиз: пешона, ёноқлар, кулоқ олди қисми, ияк, бурун қисми, қовоқ қисми (пастки қовоқдан 2–2,5 см пастроқдан ва қошгача), бўйин (тўрт қисмнинг ҳар бирида кетма-кет).


4–5 марта такрорлаймиз.

5. Терини енгил тортиш ва ёйиш ҳаракатлари («сичқонлар сайри»). Тортиш ҳаракати енгил тарзда, ёйиш бироз дағалроқ ва кучлироқ, яхшиси Ж сезгини ҳам кўшинг, худди сичқон панжасининг изини ҳис қилганга ўхшаш (кетма-кетлик тартибини 4-машқдан қаранг).

5–8 марта такрорлаймиз.

6. Хаёлан терини текислаймиз, ёямиз, зичлаштирамиз, бунда сезигиларни ажиндан бошқа томонга, тери-

нинг ҳолатига перпендикуляр йўналишда ҳаракатлантирамиз.



7. Ёшлик тимсоли маҳқи.

Ўзимизни навқирон ва гўзал деб тасаввур қиласиз. Бошқача айтганда, эришган муваффақиятимизни мустаҳкамлаймиз.

Юз териси ёшара бошлагандан сўнг, уни янада кўпроқ таранглиги ва рангини яхшиловчи тана механизми ишга тушади.

Ва бугун учун охиргиси. Энг муҳим нарса ҳақида суҳбатлашамиз.

Азиз хонимлар!

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, гўзаллик, баҳт, фаровонлик, соғлиқ деган тушунчалар орасида қандай алоқа бўлиши мумкин?

Албатта сезган бўлсангиз керак, баҳтли бўлганда кўринишингиз ҳам яхши, ўзингизнч ҳам яхши ҳис қиласиз, ҳар қандай ишни бир пасд әжариб ташлайсиз. Қачонки оилада, умр йўлдошингиз билан ўртангизда совуқчилик тушса, бу шу заҳоти ташқи кўринишингизга, соғлифингизга таъсир қиласи.

Маълумки, аёлларда тун ва кун ўзаро яқин боғлиқликка эга. Эркакларда бундай боғлиқлик йўқ.

Азиз хонимлардаги бу ўзига хосликнинг табиийлиги ўзи билан анча-мунча хавф-хатарни яширади. Жинсий муносабатларга ҳеч ҳам алоқаси бўлмаган сурункали шамоллашлар, юрак-томир касалликлари шахсий ҳаёти йўлга қўйилмаган аёлларда анча қийин кечади. Невроз-чи?

Неврознинг 60 % дан ортиқ барча турлари айнан жинсий носозлик заминида ривожланади.

Шахсий ҳаёти йўлга қўйилмаган эркаклар ҳам изтироб чекади, лекин бошқачароқ тарзда. Бунинг асорати сифатидаги касалликлари ҳам бошқача намоён бўлади. Бу кўпинча меъда яраси, 12 бармоқли ичак касаллиги, юрак-қон томирлари касаллигининг хавфли асборатларидан миокард инфаркти, инсульт тарзида намоён бўлади. Невроз ҳам ўзига хос тарзда кечади, яъни кўп ҳолларда у эркакнинг ўзини «тўлақонли» эканлигига шубҳаланиш, ўзини «норасо ҳис қилиш»нинг ривожланиши билан кечади. Бу ҳол ўйлаб кўришимизга арзийди.

Агар оилавий ҳаёт йўлга қўйилмаса, жинсий муносабатда уйғунликка эришилмаса, касалликлар сурункали тус олиб, чиқиб кетиш осон бўлмаган боши берк кўча ҳосил бўлади. Мана нима учун ўзингиз ҳақингизда, оилавий ҳаётингизни ва жинсий муносабатларни йўлга қўйиш ҳақида яхшилаб ўйлаб кўриш керак.

Тўғри, ҳаёт ҳар доим ҳам қайгули бўлавериши керак эмас. Лекин, афсуски, кўп ҳолларда шундай бўлади. Яна шуни ҳам ўйлаб кўришимиз керак, севишган жуфтликларнинг жинсий муносабатига кўпинча айнан нима нифоқ соляпти?

Бу аксар ҳолларда эр-хотинлар севгининг ўзига хослигини яхши тушунмаслигидан, яъни табиатан улар бошқа-бошқа эканлиги, асрлар давомида шаклланган оиласнинг ўзига хос тарзини, яна аёлларнинг турмушда тутган ўрни ўзгарганини ва бошқа кўп нарсаларни билмасликдан кейиб чиқади.

Лекин эътиборингизни ҳозир бу муаммоларга шарқона ёндашишнинг ўзига хос томонига қаратишни хоҳлардим.

Қандай қилиб эр-хотин муносабатида уйғунликка эришиш ва уни сақлаб қолиш мумкин?

Шарқда қадимдан яхши маълум бўлган ҳикмат бор: «Эй аёл, агар умр йўлдошинг одамлар ҳурматининг тахтида бўлса, у ҳолда тахт сенинг қўлинг билан қурилган.

Агар у одамлар нафратининг балчиғида типирчилает-ган бўлса, у ҳолда бу балчиқни сенинг ўзинг ҳосил қилгансан».

Келинг, аввал эркаклардаги ўзига хосликнинг ҳозирча фақат бир томони ҳақида сұхбатлашамиз.

Нима деб ўйлайсиз, у сизни қайси фазилатингиз учун севиб қолган?

Нима деб жавоб беришингиздан қатъий назар, сиз барибир адашасиз.

Ха, гўзаллик улкан кучга эга, лекин сиз ҳозир гўзаллик ҳар доим ҳам жинсий мойиллик уйғота олмаслигини эшитсангиз, балки ҳайрон қоларсиз. Ҳар бир эркак аёлнинг жозибали эҳтироси борасида ўзининг шахсий идеалига эга.

Икки бошқа бошқа эркакда у камдан-кам ҳолларда мос келиши мумкин. Жинсий мойиллик уйғота оловчи омил ҳар бир одамда қатъий ўзига хосликка эга ва у чуқур онг ости даражасида бўлади. Айнан ана шу белги учун эркак, айнан ўша аёлга уйланади, яъни ундаги такрорланмас жисмоний, руҳий ўзига хос томонлари учун.

Бу мавзу юзасидан мен эркакларни бир неча марта маҳсус анкета ва тестлар орқали сўровдан ўтказдим. Улар бўлғуси умр йўлдошларининг жисмоний сифатлари борасида бутунлай қарама-қарши фикрда эканликлари маълум бўлди. Эркаклар асосан аёлларнинг маънавияти борасида ҳамфир эканликлари кузатилди. Уйда ким хўжайнави саволига берилган жавобда эса ҳамма эркаклар бир овоздан яқдилликни ҳосил қилишди.

Демак, азиз бақалоқчалар, қоқ сүяқ қўлтириқлар, нозик-ниҳол тиш ковлагичлар, қийшиқ оёқ сепкилойлар, сизнинг ҳар бирингизни кимдир излаяпти, ўша сиз учун ягона бўлган ва сизни энг чиройли, такрорланмас ва дунёдаги энг ажойиб аёл эканингизга шубҳа қилмайдиган кимдир албатта излаб топади.

Энди, агар севганингиз нима сабабданdir сиздан совиб бошқача бўлиб қолган бўлса, нима қилиш керак?

У ҳолда шошилинч равиша разведка ишини ўтказинг ва аниқланг, у нима учун қачонлардир сизни яхши кўриб қолган ва сизга уйланган айнан мана шу хислатни ўзингизда ривожлантиринг.

Мисол учун, агар у: «Эсингдами, қўнғизчагинам, қачонлардир бир ёёқ томонга қийшанглаб юардинг, бу жуда жозибали эди» деса, ҳар хил сабаблар билан кўпроқ оқсоқланишга ҳаракат қилинг.

Агар у сизни қачонлардир келинлик пайтингда кўзларинг бир томонга жуда чиройли қисилиб қоларди деб ҳисобласа, дадиллик билан кўзларингизни янада кўпроқ ола-кула қилинг. Бу сизга муваффақият келтиради. Унинг «заиф» жойини топинг ва олга ҳаракат қилинг!

Бу ҳаммаси, албатта ҳазил, лекин жуда жиддий!

Ўзининг қаллиғига ошиқ бўлган қизнинг тимсолига киринг. Ўзингизнинг мафтункор муомалангизни, жаҳлдан тез тушишингиз, унинг беъмани қилиқларини ва сўзларини ҳам тезлик билан кечирувчан бўлган пайтингизни эсланг. Эслаб кўринг, ўша пайтда хафагарчиликка, фазабга, вайсақиликка ва Худо сақласин, дилозор сўзларга ўрин йўқ эди. Яна жуфтингиз ҳам ўзини бунақа пайтда хушмуомала тутганини эсланг. Балки бунга сабаб, сизнинг унга нисбатан бўлган барча ҳис-туйгуларингизга қарамай, уни масофада ушлаб турганингизда эмасмикан?

Биласизми, азиз хонимлар, ҳар бир эркакнинг ўз ички тарозиси бор? У қаердадир бирорта гўзал аёлни кўрса, дарров ўзи англамаган ҳолда тарозининг бир палласига сизни, бошқасига эса уни жойлади ва солиштира бошлайди.

Энди тасаввур қилинг, у чиройли кийинган, ўзига яхши қараган ва ҳ.к. Ахир сизни у уй шароитидаги аҳволингизда эслайди, сиз эса уйда қандай юрасиз: эгнингизда тарихий музейдан қолган эски халат, оёғингизда алмисоқдан қолган башант чиптаковуш, сиз уни ки-йиб олиб у хонадан-бу хонага шипиллаб юрганингиз-

юрган, ҳатто кечаси ҳам шунда ухлайсиз, чунки шуни-си сизга қулай.

Сочларингиз-чи, улар қанақа аҳволда! Бир сўз билан айтганда, мочалканинг кўриниши ундан анчә яхши. Кўзларингизнинг қанчалар жонсиз экани ҳақида гапириб ҳам ўтирамайман!

Мана шу аҳволда унинг олдида у ёқдан-бу ёққа сайр қиласиз: шилп-шилп – бир томонга, шилп-шилп – бошқа томонга, яна дент ички кийимда. Агар у чиройли бўлса яхши-я, чиройли бўлмаса-чи, яна ютқаздингиз.

У сизга қараганча хўрсиниб қўяди ва ўша гўзалларни эслайди, ўша тентаклар ҳам уйда шу аҳволда юришини билмайди-да!

Шуни унутмангки, тўйгача у сизни умуман бошқа қиёфада кўрган ва ўша гўзалга ошиқ бўлган.

Бу мавзуни узоқ давом эттиришимиз мумкин. Уни ўзингиз давом эттириинг, ана шунда кундалик турмушнинг икир-чикир ботқоғидан чиқиб, ўзингизга бир назар солишингиз учун ҳам яхши, ҳам фойдали бўлади.

Аёллар учун ёзилган бу ва бошқа қоидалар минг йиллар давомида тўлдириб борилган «Бахти оила қонуни» китобидан таржима қилинган.

Унда бу борада азиз хонимларга ҳар қирқ кунда ўзларининг ташқи кўринишини «ўзгартириш» зарурлиги ҳақида айтилган. Нима учун?

Эркаклар табиатан полигам (кўп никоҳлилик) бўлишади. Аёллар ҳақида бундай демаймиз-ку.

Энди табиатдаги бизнинг эркак аждодларимиз қандай яшашини кўрамиз! Бир ёки бир неча эркак ва бутун бошли урғочилар ҳарами. Сиз қаердадир битта урғочи ва эркаклар ҳарамини кўрганмисиз?

Улар (эркаклар) бу аҳволда бир-бирини еб ташлашади! Нима деб ўйлайсиз, эркаклардаги полигамликка интилиш инстинкти қаергадир йўқолган бўлиши мумкинми?

Албатта, йўқ! Шунчаки одоб-ахлоқ қонуни таъсирида, ўзини тутиш қоидалари ва таъқиқлар, ақл-ид-

рокнинг хукмронлиги остида табий инстинктлар чукур оңг остига сингиб кетган. Мана нима учун қадимда донишманлар эркакларни полигамликка мойиллигини қондириш учун аёлларга вақти-вақти билан ташқи қиёфасини ўзгартириб туришга «кўрсатма» беришган.

Эрингиз уйга келади, эшикни очади, у ерда эса, э Худо!.. Бошқа аёл!

Кўрқманг, бу сиз, фақат бошқача ташқи кўринишда!

Бир неча йил давомида мен эркаклар орасида тадқиқотлар ўтказдим. Берилган анкеталарда 30 дан ортиқ савол бор эди, уларнинг ҳаммаси бир нарсани тасдиқлайди: севганининг ташқи кўриниши эркак учун муҳим аҳамиятга эга, лекин ундаги янгича ўзгариш эркак эътиборини янада кучайтиради ва ўзига кўпроқ жалб этади. Бундан ўзингиз учун хулоса чиқаринг, азиз аёллар!

Ташқи қиёфангизнинг ўзгариши, азиз хонимлар, эркакка оңг ости даражасида таъсир қиласи, яъни ташқи кўринишингиз ўзгарганда унда сизга нисбатан кучли реакция юзага келади, сиз унинг учун худди бошқага айланиб қолгандай бўласиз ва унинг оңгидаги полигамликка хосликдан пайдо бўлган «бўш жой» тўлдирилади.

Мана шунинг учун ҳам кўхна китобдаги битикларда ҳар қирқ кунда ётоғингиздаги ўриндиқнинг чойшабларини бошқа рангга алмаштириш тавсия қилинган. Бу ерда ётоғингиздаги чойшабни фақат қирқ кун деганда тозасига алмаштиришни эмас, айнан рангини!

Масалан, севимли турмуш ўртоғингиз бир хил рангга ўрганиб қолган. Кечкурун, керишиб, эснаб, кўрпатўшакка яқинлашади, у ерда эса бошқа қиёфадаги хотин (кўрқманг, бу яна сиз) бутунлай бошқа рангдаги кўрпа-тўшакда! Мана хурсандчилик! Уйку ҳам қаёққадир фойиб бўлди...

Ёки, одатдагидай, ёнбош ташлашга ҳозирланиб ётоқقا кириши билан чапга бурилади, у ерда эса каравот ийќ! Шу заҳоти кўзларини катта очиб қарасаки,

уни умуман бошқа жойдан топади. Кўзлари дарров ўзининг севимли «хурракжонгинаси»ни, ие, кечирасиз, ёстигини излай бошлайди. У томонда эса ҳамма нарса бошқача, яна устига-устак, у ЯНГИ қиёфада... Мана буни омад деса бўлади!

Азиз аёллар, шундай қилингки, севган инсонингиз сизга худди захирадаги ёстиқдай муносабатда бўлиб, кўнишиб қолмасин.

Буларнинг ҳаммаси бутунлай ўзингизга боғлик!

Буюк Фирдавсий айтган: «Эй, аёл! Агар эринг оила ўчоини сўндиришмай ёнингда бўлишини хоҳласанг, сен шундай шароит яратгинки, бунга тенг келадиган ҳузур ҳаловатни у ҳеч қаердан топа олмасин!»

Уни доим ўзининг ёнида ва атрофдаги одамларни кўз олдида ҳурматини кўтариб гапирсангиз, унда ривожлантиришни истаган сифатларни кўшиб, майдачуда фазилатлари учун ҳам тез-тез мақтаб турсангиз, бир кун келиб сиздаги муҳаббат ва ишончдан севгилингиз ҳақиқатан ҳам яхши томонга ўзгарганини албатта кўрасиз.

Агар эрингиз шунчалик жонингизга теккан бўлса, уни ҳатто кўришга ҳам тоқатингиз қолмаган бўлса, «Бахти оила қонуни» маслаҳат бергандай иш тутинг: «Эй, аёл, агар сен ўчиб бўлган севги ўчои олдида ўтирган бўлсанг, бу оилани тарк этиш эшиклари бўлмаса, эрингнинг юзини кўришдан нафратинг ошса, у ҳолда сен учун ягона йўлни кўрсатамиз: шундай қылгинки, у сени бошида кўтариб юрсин, шунда сен унинг жирканч кўзларини кўрмайсан!»

Ҳеч қандай изоҳсиз!

ЎНИНЧИ ДАРС

1. Бўғимлар машқи*

2. Хаёлан нафас олиш*

3. Ҳисснётлафни машқ қилдириш*
(маятник принципи асосида)

4—7. Бертилан дастур бўйинда севдилар билан
ишлаш*

8. «Ўчинчи қўй» тимсоли билан ишлаш
(умуртка погонаси оғқали объект ва қўйлар бўйлаб
иёки аззоларни, шунингдек, юз ва бўйинни
уқалаш)

9. Юзни ёшартириш учун машқлар

Бугун сиз билан бизда ўзига хос кун, сиз дастурнинг катта қисмини ўзлаштирдингиз.

Фақат бугун ва фақат иш учун олдинги ташхисларингизни эсланг, рост ва холисона тарзда дастлабки хулосаларни чиқаринг.

Кундалингизда ютуқларни ва натижаларни қайд этишини унутманг, сўнгра танангиз билан ишлаганда яна нима қилиш ва нималарга алоҳида эътибор қартиш кераклигини кўриб чиқинг.

Бу вазифани бажариб бўлгандан кейин ўзлаштирилган машқларни мустақил бажаришни бошланг. Ҳамма

машқларни Ёшлик ва саломатлик тимсолида бажариш эсингиздан чиқмасин.

*1. Сөздилар машқи**

*2. Хаблан нафас олиш**

(«сөвимни аззолар»ни эсдан икәрманды)

*3. Ҳисснёттарни машқ қылдырыш**

Маятник принципи (шарни наэорат қылыш маэоратини машқ қыламаңыз)

*4 – 7. Берилган дастур бўйнида сезилар билан ишлаш**

Иложи борича кўпроқ мустақил ишлашга ҳаракат қилинг. Сиз энди ўзингизнинг индивидуал ўзига хослигингиздан келиб чиқсан ҳолда, у ёки бу машқ учун қанча ваqt сарф бўлиши ва уни неча марта қайтариш кераклигини биласиз. Ички сезингизга қулоқ тутган ҳолда ҳаракат қилинг.

Машқлар орасида 2-3 дақиқадан кўп бўлмаган танаффуслар қилиш мумкин, узоқ қимиirlамай ишлана-диган машқнинг чарчогини кетказиш учун маза қилиб керишиш ва эснаш мумкин. Мушуклар қандай керишишини эслаб кўринг, нозик ёйсимон ҳолатда шундай эгиладики, ҳатто думининг учларигача қалтирайди.

Бугун ҳамма машқларда Ёшлик ва саломатлик Тимсолига ургу беринг. Ҳар бир машқни ўзингизнинг идеал тимсолингиз фонида бажаринг. Охирги машқни бажарib бўлганингиздан сўнг кичкина танаффус қилинг.

8. «Ұлттық құл» тимсаби билан иштеш
(ұмуртқа погонасы оғқалы оәк өз құллағы бүйілаб
шілді ақжоларни, шуннан деңек, нәз өз үйдін
қисметини үқалаш)

Тасавурумиздаги хаёлий иккита қўл билан ишласа ҳам бўлади, хаёлан танамизнинг ўнг қисмини ўнг қўл билан, чап қисмини чап қўл билан уқалаймиз.

Массажни И+Ж ва С+Ж сезгиларида бажарамиз.

Үнг кафтимизни ёки иккала кафтимизни ҳам уқалаш учун тайёрлаб қиздирамиз. Ҳаёлан бармоқлар билан уқаловчи ҳаракатлар қиласыз ва уни ўша ишлайдиган жойимизга, масалан, қорин қисмiga қўчирамиз.

Оҳиста, шошмасдан уқалаймиз, қўлимизнинг ҳажми худди катталашаётгандай. Танамизнинг ҳар бир қисмидан жисмоний сезиладиган жавоб олишга ҳаракат қила-миз. Ҳаракатларимиз текисловчи, сийпаловчи бўлади.

Кейин эса оёқларга ўтамиз. Битта оёқнинг сонидан юриб тўпифигача бориб орқага қайтамиз, қорин ости орқали бошқа оёққа ўтамиз, олдингидай ишлаб, яна корин кисмига қайтамиз.

Кейин бутун диққат-эътиборимизни умуртқа поғонасига йўналтирамиз. Хаёлан уни ўқалаймиз, кўлимизнинг ҳажми гўё катталашиб бораётгандай тасаввур қиласиз.

Умуртқа погонаси бүйлаб тепага-пастга ўтамиз, хаёллан худди танани ич-ичларигача пайпаслаб чиқаётгандай, умуртқа погонасини ва ички аъзоларни (**юракдан ташқари!**), айниқса, эътиборимизни кўпроқ қаратишимиз керак бўлган жойларни (ўша ерда иссиқлик сезги-си қолиши керак) яхшилаб уқалаш учун хаёлий қўллар билан бу жойларни қамраб оламиз.

Давомига елка қисмигача күтарилиб, құлларга ўтамиз, у ерда бармоқларнинг учигача уқалаб ўтамиз (ҳамасини, ҳатто терини ҳам қамраб оламиз), бүйинни,

терини, қалқонсимон без қисмини үқалашда давом этамиз...

Тепароққа, юз қисмигача күтарилиамиз, бурун-халқум қисмини, бодомсимон без, милклар ва юз терисини яхшилаб үқалаймиз, силлиқлаб, текислаб, гүёки бармоқ учлари билан ички ва ташқи томондан оҳиста босиб-босиб қўйгандай. Бу ҳаракатни иссиқлик сезгиси ҳосил бўлгунга қадар амалга оширамиз.

Кейин яна бўйин қисмига ўтамиз, уни юз қисмига нисбатан қаттиқроқ үқалаймиз, қулоқ атрофи, тери ва яна бир марта қалқонсимон без қисмини эсдан чиқармаймиз.

Агар сиз эшитиш қобилияtingизни яхшиламоқчи бўлсангиз, у ҳолда фаоллик билан ўзингизни чекламасдан қулоқ қисмини ички томондан, агар кўриш қобилиятини созламоқчи бўлсангиз кўз соққасини (лекин майин, авайлаб, эҳтиёткорлик билан) үқалашиниз мумкин.

Ишлашда давом этиб, яна кўкрак, қорин қисмига тушибамиз, ҳар бир аъзони үқалаб чиқамиз, ҳеч нарсани эсдан чиқармаймиз (ўпка, ичак, меъда ва бошқалар). Уқалашни хаста аъзо қисмидаги тутатамиз, унга алоҳида эътиборимизни қаратамиз.

Яна бир марта эслатиб ўтаман: **юрак қисмини четлаб ўтамиз!** Биз учун қилаётган ҳамма хизматлари учун унга хаёлан ташаккур билдирамиз ва уни четлаб ўтамиз. Ёшлик тимсолида, идеал соғлом тана тимсолида ишлаймиз.

Олдин енгил тарзда үқалаймиз, кейин кучлироқ (бу қаерда керак бўлса ва мумкин бўлса), лекин шундай үқалашимиз керакки, бу жойда нохушлик ҳисси пайдо бўлмасин. Машқ натижасида носоғлом аъзода енгил оғриқ пайдо бўлиши мумкин.

И+Ж билан 3-4 дақиқа, кейин **C+Ж** билан 3-4 дақиқа ишлаймиз. Белгиланган вақт ичидаги улгуришга ҳаракат қиласиз, бутун тана бўйлаб 1-2 марта үқалаб ўтамиз, асосий эътиборни сизни кўпроқ безовта қилаётган аъзоларга ва жойларга қаратамиз.

9. Юзни ёшартириш үүн машқлар

Биринчи кун дастури бўйича ишлаймиз. Шошмасдан, бугун сифатга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ишлаймиз.

1. Кўзларни юмиб, танамизни бутунлай бўшашибтари-
миз, ўзимизни жуда ёқимли ишга ҳозирлаймиз.

Юзимизни кейинги ишга яхшилаб тайёрлаш учун, иссиқ билан ишлашни бошлаймиз. Ҳаракатларимизни чекламаймиз. **Одатдагидай И** шарни 8–10 сонияча тўплаб туриб, олдинги тартибда юзимиз бўйлаб ҳаракатлантира бошлаймиз.

Хаёлан ёноқларингизни лов-лов ёндирадиган муз-
дек совуқ ҳавони, буғланишни хуш кўрсангиз ҳаммом-
ни тасаввур қилиб ишланг. Юз терингиз иссиқдан ло-
вуллай бошлаётганини ҳис қилинг. Юзингиз ҳатто би-
роz чимчилангандай ачишиб, жимиrlашяпти. У
таранглашиб, текисланади ва иссиқ қон тўлқини би-
лан ювилаётган тери остидан енгил томир тепиши се-
зилади.

Шу тахлитда юзимизни шошмасдан, лаззат ва му-
ҳаббат билан беш мартагача қиздирамиз.

2. Энди, юзимиз тўлиқ қизиганида, хаёлан сезги-
ларни ҳаракатлантира бошлаймиз, **И** сезгидан бошлаб
юқорида кўрсатилган кетма-кетлиқда. Ҳаммасини бир-
варакайига уқалаб, ҳеч нимани назардан қочирмасдан
үтишга ҳаракат қиласиз.

Тасаввуримизни чекламасдан, чуқурроқ қатламлар-
да ишлаймиз, айниқса, бурнимизни (мисол учун тон-
зиллит бўлса, бурун-ҳалқумни), ёноқларни (гайморит-
да), қош усти қисмини (фронтитда) яхшилаб уқалай-
миз. Бундай қиздиришнинг самарааси баъзи физио-
муолажаларга қараганда анча барқарор.

3. Юзни қиздириб бўлгандан сўнг, бўйин қисмига
үтамиз. 8-дарсда берилган машқларда қандай баён этил-
ган бўлса, худди шу тарзда ишлаймиз.

Эсимизда бўлсинки, бўйин қисмининг териси юзи-
мизнинг терисига қараганда дағалроқ ва қалинроқ, қон

томирлари эса камроқ. Одатда у ерга эътиборимизни ҳам унча қаратмаймиз. Юзимизни наридан-бери парвариши қилиб борамиз-у, бўйин қисмига келганда сабримиз чидамайди, шунинг учун у баъзан ҳақиқий ёшимизни намойиш этиб, биздан шафқатсизларча ўч олади. Шу сабаб ҳеч бўлмаса ҳозир, анча кечикиб бўлса ҳам бой берилган фурсатнинг ўрнини қоплашга киришамиз.

Бўйин қисмини уқалагандан, сезгилар тезлигини чекламаймиз, ички нигоҳимиз билан тери остидаги мушакларни тасаввур қилиб, уларни ҳам яхшилаб уқалаймиз. Бўйиннинг ён томондаги тепа қисмига ва қулоқ солинчаги ёnlаригача этиб борамиз, хаёлан пастки жағқисмидаги териларни ҳам қамраб оламиз.

4. Ҳаракат йўналишини 8-дарснинг 27-расмига муводиқ ўзгартирамиз ва бўйинни шу йўналишда уқалаймиз.

Сезгиларнинг кетма-кетлиги ҳар доимгидай – **И**, **Ж**, **С**. Яна бошқа схема билан ҳам ишлаш мумкин. Олдин тўрттала машқни ҳам **И** сезгига бажарамиз, кейин **И+Ж**, кейин **Ж** билан ва оҳиста **С** сезгига ўтамиз (**Ж+С** орқали ҳам ўтиш мумкин).

Қачонки зарур бўлган маҳоратларни эгаллаб бўлганингиздан кейин, контактсиз ёшартирувчи массаж учун энди вақтингиз жуда кам сарф бўлади, сиз уни қачон ва қаер қулай бўлса ўша ерда, қанча зарур бўлса, шунча бажараверасиз.

Ҳамма машқларни астойдил ва меҳр билан бажаришни унутманг. Бажарилган иш учун ўзингизни мақтанг, унга четдан муҳаббат билан кузатиб қараб чиқинг.

Маълумки, инсоннинг юзини унинг кўзлари безайди. Уларни ҳар доим тиниқ, чарақлаган ҳолда сақлаб қолиш учун нима қилиш керак? Бизнинг замонга келиб кўзларга оғирлик тушириб чарчатадиган нарсалар жуда кўпайиб кетди. Кўзлар чарчайди, қизариб қолади. Сизга уларни тезда бартараф этишда (бирағула чарчоқни ва бошдаги оғирлик ҳиссини ҳам) унча мураккаб бўлмаган бир неча шиацу усули ёрдам беради:

- учта бармоғингиз учини қошингиз остига жойлаштиринг (кўз косасининг тепа қисмидан) ва шу қисмни уч марта босинг (ҳар босганда тахминан 5 сония кетади); тирноклар терига тегмаслигига ҳаракат қилинг, ҳаракат тепага йўналган ҳолда амалга оширилади;
- худди шу аснода кўз косасининг пастки томони билан ишланг, ҳаракат йўналиши пастга қараб йўналган бўлади;
- катта бармоқнинг юмшоқ учи билан қовоғингизни босинг (тахминан 10 сония).

Зарур бўлган эслатмалар

Сиз энди-энди ёшлик томонга қадам ташладингиз, лекин сиз яна олдинга қараб интилишингиз ва бу ҳаракатни бир умрга канда қилмаслигингиз зарур. Китоб бошида берилган қоида ва ман қилишларни эсланг, яхшиси уларни бошидан ўқиб чиқинг.

Ҳар доим эсда тутинг:

- машғулот вақти бир кунда 30–40 дақиқадан ошмаслиги керак;
- бир кунда фақат бир марта шуғулланиш мумкин, ҳафтасига эса 4–5 мартадан кўп бўлмаслиги керак, бунинг орасида икки марта танаффус (улардан бири – икки кунлик дам олиш, мисол учун, шанба ва якшанба).

Машқларни меъёрдан ортиқ даражада тиришиб бажариш мумкин эмас! Улар барча ҳаракатларимизни йўққа чиқариши мумкин. Буни албатта эслаб қолинг!

Хозир эса севги ҳақида сұхбатимизни давом эттирамиз. Келинг, уни ўзимиз ва ўзимизнинг севгимиз ҳақида бошлаймиз.

Сексуал соғлом бўлиш нима эканини биласизми, сиз уни қандай тушунасиз?

Агар олдин, бир неча ўн йиллар давомида, бизда бундай муаммо йўқ деб ҳисобланган бўлса, яна бу умумдавлат миёқсидаги нуқтаи назар эди, энди эса ҳар бурчакда ҳар бир хоҳловчи, ҳатто энг нозик ёшдагилар

ҳам ўзини қизиқтирган маълумотларни нашрий, оғзаки, видео, амалий маҳоратнинг исталган турлари кўри-нишида олиши мумкин.

Лекин бу даражада ҳаммасига йўл қўйишлик ва ҳаммасидан боҳабарлик баҳт келтираяптими? Улар оила-вий ва интим муносабатларни мустаҳкамлашга ёрдам бера олдими? Одамларни севгига қобилиятли қила оляпти-ми?

Албатта, йўқ!

Атрофга назар ташланг. Қаранг, бугунги кунда бу ҳақда қандай гапиришайти? Такрорлаб ўтиришим шарт эмас, ўзингиз ҳам буни жуда яхши биласиз.

Энг чидамли, табиий истинкт, бу — жинсий, агар у табиатан чидамли бўлмаганида эди, бу жуда қўрқинчли бўларди, тур, уруғлар йўқ бўлиб кетиши хавфи остида қоларди. Бахтимизга, одамларда у ўз ифодасини топган, лекин баъзида шундай оддийлашиб кетган ёки бузуқи тус олган, ёки тарбияланмаган, ривожлантирилмаган, маданийлашмаган, бундай аҳволда эса у қўйидагича намоён бўлади, яъни одам фақат кучли табиий инстинкт измида бўлади ва унинг барча ҳара-кати жисмоний қониқишига бориб тақалади.

Бекорга айтишмайди, одам қанақа бўлса, унинг сев-гиси ҳам шундай, бу худди унинг сояси каби ва яна жуда ҳаққоний таъкидланган, эркакнинг қандайлигини унинг аёлга нисбатан бўлган муносабатидан билиш мумкин. Бу айнан шундай. Ахир эркакка табиатан сев-гида фаол ўрин ажратилган ёки, аниқроғи, аёлга нисбатан фаол бўлиш ўрни берилган.

Лекин ҳозирги кунга келиб, кўп нарса оёғи осмондан бўлиб, ўзгариб кетган пайтда, аёллар эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлиб эркин, «озод» бўлганда, улар севгида ҳам эркакларнинг тўла пассивлик ҳолатида, табиатан уларга хос бўлмаган фаоллик кўрсатмоқдалар. Афсусли томони бундан ҳаммага ёмон, минг афсуски, кўп ҳолларда мана шундай бўляпти.

Шундай экан, балки бу ерда ҳам ўзимизни ўзгарти-ришимиз, ниҳоят атрофимизда ҳам нимадир

ўзгараётганини, ўзгарганда ҳам яхши томонга ўзгараётганини ҳис қилиш учун керакдир.

Ҳаётимизнинг бу томони қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини сизга узоқ ўтмишдан олиб, эслатиб кўймоқчиман, холос.

Ҳа, бу муаммолар ҳаётимизнинг ҳам, соғлиғимизнинг ҳам бир қисми. Мана нима учун қадим замонлардаёқ одамлар ноҳушлиқдан қочишга уриниб, оиласвий муҳитда, жинсий муносабатларда уйғунликка эришишга ҳаракат қилишган.

Замонавий дунё, афсуски, бу билимлардан юз ўтирган, лекин бу билимлар бебаҳо китобларда сақланиб қолган, уларни ўзлаштириш учун ўзида жасорат топа олган кимсаларга эса у озмунча фойда келтирмайди. Биз ҳам англаб етиш саёҳатини ўтказамиз. Демак, қадим хитойдаги Дао таълимоти.

Нима учун қандайдир бошқа давлат эмас, айнан Хитой танланган?

Чунки, буюк европалик олим ва элчи Р. Х. ван Гуликнинг сўзларига қараганда, айнан ўша ерда қадимдан севги ва жинсий муносабатларга ўзига хос қарааш юзага келган бўлиб, «жинсий муносабат табиатнинг интизомли ҳисми ҳисобланган».

Кўк осмоности яшовчилари «буни ҳеч қачон гуноҳ ҳисси билан ёки ахлоқий бузуклик билан боғлашмаган. Бу эса қадимги Хитойдаги жинсий ҳаётнинг бутунлай соғлом бўлишига олиб келган, улар бошқа кўплаб қадимги маданият ўчоқларида намоён бўлган патологик тушумовчиликлар ва бузилишлардан ажойиб тарзда озод бўлишган».

Дао таълимоти – сабр-тоқат ва уйғунлик фалсафаси – жуда қадим замонларда вужудга келган. Кейинги пайтларда бу таълимотга қизиқиш ортиб бормоқда. Дао таълимотидаги донишмандлик фалсафасини нафақат Хитой ва Шарқда, балки Европада ҳам англаб етишган, шундай экан, бу дарёнинг «сувларида биз ҳам акс этсак» чакки бўлмайди.

Дао фояларининг кенг тарзда тарқала бошлишини Лао-цзи номи билан боғлашади, у эрамиздан аввалги VI асрларда бу фалсафанинг асосий принципларини «Дао-дэ-цзин» (Йўл ва унинг аён бўлиши ҳақида-ги) китобида ифода қилган.

Таълимотдаги асосий фоя шундан иборатки, мавжуд нарсалар тизимида биз одамлар, бор-йўғи кичкинагина, арзимаган ва жуда заиф мавжудотмиз. Агар биз ўзимизни эҳтиёткорона тутмасак ва табиатнинг чексиз кучи билан уйғуллашиб кетиш йўналишини топа олмасак, узоқ умр кўришга умид қилмаса ҳам бўлади. Табиатнинг чексиз кучи дао ҳам шунинг ўзи (унинг таржимаси «йўл» деган маънони англатади).

Улкан дараҳт кичкинагина новдадан ўсади.

*Тўққиз қаватли минора бир уюм тупроқдан туғилади,
Минг чақиримга саёҳат биринчи қадамдан бошланади¹.*

Қадимда одамнинг сексуал ҳаёти жуда диққат билан астойдил ўрганилган. Қоидага биноан, жараён кузатуви учинчи шахс томонидан олиб борилган ва шу заҳоти жуда батафсил ва аниқ ёзиб қўйилган.

Қадим хитойликларнинг бу соҳадаги кўплаб изланышлари ҳозирги замон олимлари, айниқса, Америка олимлари томонидан ўз тасдигини топган.

Мисол учун, замонавий тадқиқотлар жинсий алоқанинг давомийлигини чўзиш учун такрорланувчи танаффусларни маъқуллашган, бу аёлларга тўла қоникиши ҳосил қилиш имконини берса, эркакларга эса борабора эякуляцияни назорат қила олиш қобилиятини эгаллашга ёрдам беради.

Давомига, замонавий мутахассислар томонидан эркакларга пушт қувватини қучайтирувчи муҳим жиҳат сифатида эякуляцияни назорат қила олишни ривожлантириш тавсия қилинди.

¹ Шеър «Дао-дэ-цзин»дан.

Дао бу фикрга тўла қўшилади ва ҳатто бу фикрни яна ривожлантиради. VII асрдаёқ қадимги империя пойтахтининг тиббий мактаб бошлиғи қўйидагиларни ёзган эди: «Эркаклар аёл ҳамроҳининг тўлиқ қониқиш ҳосил қилгунига қадар эякуляцияни назорат қилиш қобилиятини ривожлантириши керак...

Эркаклар ўзларининг шахсий мукаммал эякуляция тезлигини кашф қилиши ва ривожлантириши керак, акс ҳолда бу қон ҳаракатининг сустлашишига ва простатитга олиб келади ва ҳ. к. Европа тиббиёти эса бу пайтда ҳар бир жинсий алоқа эякуляция билан тугаши керак, акс ҳолда бу қон айланишининг сустлашишига ва простатитга олиб келиши мумкин», деб таъкидлайди.

Дао тарафдорларининг маслаҳатлари анча афзалликларга эга бўлиб, маълум бўлишича, агар уларни тўғри кўллашга эришилса, бу ҳам эркак учун, ҳам аёл учун фойдали бўлади.

Агар яхшилаб ўйлаб кўрилса, балки бу фикрга қўшилиш мумкинdir, чунки одий жинсий муносабат ҳар доим бир неча сабаб билан қониқиш ҳосил қилишни камайтириши мумкин:

1) эркак ҳар доим ўз эрекция ва эякуляцияси ҳақида хавотирда бўлади;

2) аёллар кўпинча ҳомиладорликдан хавотирда бўлишади;

3) аёллар ҳомиладорликка қарши воситалар қабул қила туриб, ҳар доим ўз хавфсизлиги ҳақида ўйлайди, бу воситанинг ножӯя асорати ёки уни таъсир қилиш вақти ҳақида ўйлаши керак.

Бундан мантиқий холоса чиқади. Онгида шунча хавотир бўлган эркак ва аёл қандай қилиб жозибали экстаз ҳолатига эриша олиши мумкин?

Келинг, энди бу вариантни дао вариантни билан солиштирамиз.

Биринчидан, эркак ҳам, аёл ҳам юқорида санаб ўтилган барча хавотирлардан эркин. Шу билан бирга улар севги билан кўп бора ва давомли шуғулланиши мумкин, натижада бу мулоқотнинг кувончини ҳис қилиб,

унинг қадрига ета олишга эришадилар, муҳими ҳеч ни-
мадан хавотир олмай, ақлини буткул ҳаммасидан озод
қилган ҳолда.

Иккинчидан, иккала томон – эркак ҳам, аёл ҳам
даонинг севги борасидаги тавсияларига риоя қилса,
яъни эякуляцияни чеклаган ва назорат қилган ҳолда
ҳаракат қилса, қониқмаслик ҳиссидан кутилиши мум-
кин, чунки бунда улар севги билан кўп бора ва давом-
ли шуғулланиши мумкин, қанча исташса шунча, яна
бу пайтда эркакнинг ўзига нисбатан бўлган ишонч ҳисси
анча кўпайиб боради.

Шу тариқа ҳамроҳлар бир-бирининг моҳиятидан
анча нарсалар олиши мумкин: эркак аёлнинг инъ-мо-
ҳиятидан, аёл-эркакнинг ян-моҳиятидан. Бунинг на-
тижаси ўлароқ улар чексиз хотиржамликка эришади-
лар. Бундай хотиржамлик қадимий хитойликларга инъ-
(аёл) ва янъ(эркак) уйғунлиги сифатида маълум бўлган.

Азиз суҳбатдошлар, эътибор қилинг: маълум бўли-
шича, эр-хотин ўртасидаги уйғунлик бўлиши учун
юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, етарли дара-
жада кўп нарсани ҳис қила олишга ва муомала мадани-
ятига эга бўлиш зарур.

Ҳаммага маълумки, боланинг меъёрдагидек ривож-
ланиши учун оила, ўзаро мулоқот, ота-онанинг фар-
зандига муҳаббати, уларнинг бағрига босгандаги қалб
тафти муҳим.

Болалар уйи ва етимхонада тарбия топган болалар
ёки умуман уйдан ва оиласдан ташқарида ўсган бола-
ларнинг деярли ҳаммаси, давлат ҳисобига яшашига
қарамасдан, яхши овқат, ғамхўрлик ва тиббий хизмат
етарли даражада кўрсатилишига қарамасдан муҳаббат
етишмаслигидан азоб чекишиади.

Муҳаббат ўрнини ҳеч нарса босолмайди! Муҳаббат-
ни «ошириб юбориш»дан хавотирланиш ўринсиз!

Айтгандай, маймунлар билан ўтказилган тажриба-
да бу аллақачон ўз исботини топган: маймун боласини
онасидан олиб қўйишган, бунда у сўргичдан қанча сут
хоҳласа ичган, онаси эса ясалган манекен билан ал-

маштирилган, у бу манекендан ҳимоя излаган, худди онаси каби унинг пинжига тиқилган, ундан тушуниш ва мулоқот кутган, лекин жавобига ҳеч қандай қалб тафтини ололмаган.

У улгайиб борди, лекин ҳаётга мослаша олмади, унинг руҳияти шунчалик синган эдики, оддий «маймунлар жамиятида» севиш ва тушунтира олиш қобилиятидан маҳрум бўлган, мустақил яшай олмайдиган бўлиб қолган ва «жамият» уни рад этган.

У жинсий муносабат муомаласига ҳам лаёқатсиз бўлиб, одатга кўра охир-оқибат жуда тез ҳалок бўлди. Мана, муҳаббат бўлмаслигининг оқибати, болаликда она-бала риштасининг бўлмаслиги, ҳис қилиш ва ўзаро мулоқотнинг йўқлиги. Бу секин-аста ўлим дегани.

Эр-хотин муҳаббати ҳам шундай яқин муомалада ривожланади, мустаҳкамланади. Эякуляцияни назорат қилишга берилаётган дао эътибор, эркак ва аёлга севгини ҳис қилиш учун деярли чекланмаган имкониятлар захирасини беради. Бу эса ҳақиқий севги қувончига энг ишончли ва энг тўғри йўл.

Агар бу сизни қизиқтирган бўлса, агар жинсий муносабат сифатини яхшиламоқчи бўлсангиз, ўйлайманки, сиз бу таълимот билан батафсилроқ ва ўзингиз учун фойдали тарзда танишишга имконият топасиз.

Мана шунда сизга олдинги жинсий муносабатлар амалиётига қайтишингизга зарурат қолмайди. Бунга ишончим комил, чунки шундай баҳтли инсонларни биламанки ҳали улар орасида ўзида дао севгини қўллашнинг афзалликларини етарлича баҳолай олмаган биронтасини тополмадим.

Даонинг учта асосий тушунчасини кўриб чиқамиз.

Биринчиси шундан иборатки, эркак ўзининг ёши ва жисмоний ҳолатига муносиб тўғри эякуляция тартибини топиши керак. Бу унга севги билан ўз истагига жавоб бера оладиган ва аёлни ҳам тўла қондира оладиган даражада машғул бўлиш имконини беради.

Иккинчиси. Фарбликларнинг тасаввуридан фарқли равишда қадим хитойликлар эякуляцияни, айниқса, назорат қилинмайдиган эякуляцияни, эркак лаззатланишининг энг чўққи лаҳзаси эмас деб ҳисоблашган. Уларнинг фикрича, эякуляцияни назорат қилишга эришиш ҳисобига эркак яқинлик пайтида ўзи учун кўпгина ёқимли қувончларни кашф қилиши мумкин, деб ҳисоблашган.

Учинчиси – аёл қониқишининг муҳимлиги. Бу тушунча умуман қадим хитойдаги севги фалсафасининг асосини ташкил этади.

Даослар фикрига кўра, жинсий муносабатдаги уйғунлик бизни табиатнинг чексиз кучи билан бирлашишга олиб келади, бу куч ҳам яна уларнинг фикрига кўра, ўз навбатида сексуал қиррага эга. Мисол учун, ер–аёл, инъ, осмон эса –эркак, янь. Улар орасидаги ўзаро муносабат дунёнинг яхлитлигини ташкил қиласиди. Худди шу тариқа эркак ва аёл иттифоқи ҳам бирлик ва уйғунликни яратади.

Тормозлаш усули ҳақида батафсилоқ келтириб ўтаман (ёки беркитиш усули), яъни эякуляцияни назорат қилишнинг асл манбалардан олинган техникаси.

Сабр-тоқатсиз эркак учун уни ўзлаштиришга ўртacha 20 кунлик амалиёт керак бўлса, анча тажрибали одам икки ҳисса тез фурсат ичида ўзлаштириши мумкин.

Аввало бу усулни бир ойга яқин дикқат билан ўрганиб чиқинг, ана шунда эркакнинг бебаҳо хазинаси (уруг, чжин) буткул хавфсизликда бўлади.

Беркитиш усулининг афзаллиги унинг осонлик билан амалга оширилишида. Қачонки эркақда етарли дарражада жинсий қўзғалиш бўлиб, тез орада назоратни йўқотиб қўйишини ҳис этса, у битта чаққон ҳаракат билан ўз белини кўтариб олиб шу ҳолатда тифиз (олат)ни бир дюймга ёки бироз кўпроқ чиқарганча нафас олмасдан қолиши керак.

Сўнгра бутун диафрагмаси билан чуқур нафас олиб, бир пайтнинг ўзида қорнининг пастини тортиши, яъни

худди ҳожатхона излаган пайтида ўзини назорат қилгандек назорат қилиши керак.

Бу пайтда ўз шаҳватини тўқмасдан сақлашнинг муҳимлиги ва уни тартибсиз равишда йўқотиш мумкин эмаслиги ҳақида мулоҳаза юритса, чуқур нафас олса, у тезда тинчланади. Сўнгра алоқа ҳаракатини давом эттириши мумкин.

Муҳими шуни эслаб қолиши керакки, жинсий қўзғалиш жуда авжига чиқмасдан чекиниш керак.

Агар у жуда авжга чиққан пайтда чекинса ва шаҳватни орқага қайтармоқчи бўлса, шаҳват орқага қайтмайди, бунинг ўрнига унинг қовуғига ёки ҳатто буйрагига ўтиб кетади. Бунга йўл қўймаслик керак. Яхшиси жуда кеч қолгандан, эртароқ чекинган яхши.

Бу усулни амалда қўллаётганда, эркак ўз эякуляциясини жуда қулайлик билан назорат қилиши мумкин, негаки у ўз закарининг таранглигини йўқолишига йўл қўймайди.

Бунда энергия сақланиб қолади ва ўзини жуда яхши ҳис қилади. У жинсий алоқа ҳаракатини 5 мингтагача етказмагунча шаҳватни тўқмаслиги керак.

Беркитиш усули билан диафрагмали чуқур нафас олишни бирлаштириш орқали у деярли номаълум вақтгача алоқани давом эттириши мумкин.

Қадимий донишмандлик манбаи мана шу ҳақда маслаҳат беради. Ўзингизда синааб кўринг, у ердан ўзингиз ва севгилингиз учун фойда келтирувчи нимаики бўлса ҳаммасини тадбиқ учун олинг.

Мизож қувватини оширишга йўналтирилган баъзи бир машқларни келтирамиз.

1. Иложи борича бу машқни чалқанча ётиб, чаноқни бироз кўтарган ҳолда бажаринг: анус мушакларини 50 мартағача ирода кучи ёрдамида қисқартириб, сўнгра бўшаштирилади, ҳар бир қисқартиришга бир неча сониядан вақт сарфланади. Буни ҳар куни бажариш керак, кунига 2-3 марта бажарса ҳам бўлади.

2. Худди шу машқни, лекин тизза-тирсак ҳолатида (яъни тиззада туриб, тирсаклар билан полга тира-

либ турамиз, бошни яхиси тушириб бўшашган ҳолда).

Аста-секин анус мушакларини қисқартириш ва бўшаштириш тезлигини ошириб бориш мақсадга му-вофиқ бўлади, ҳар бир ҳаракатга тахминан ярим сония (саноқ остида, бир, икки, уч ва х. к.) сарфланади.

3. Сийдик чиқараётганингизда ирода кучи ёрдамида сийдик оқимини тўхтатинг ва бунда қандай мушаклар иштирок этаётганини эслаб қолинг. Бу мушакларни олдинги машқларда баён этилган тарзда қисқартириш ва бўшаштиришни ўрганинг. Ҳар куни 40 марта гача қисқартиришни бажариш керак бўлади, кунига 3–5 марта, 5–6 кун кет кет бажаргандан кейин 2 кун танаффус.

4. Услубнинг юқоридаги баёни тарзида иссиқлик сезгисини қовуқда, сийдик чиқариш канали, анус, дум-фаза қисмида ҳосил қиласиз. И сезгини Ж билан бирга ҳосил қилиш мумкин, сўнгра эса буни С ва С+Ж билан амалга оширамиз. Бу сезгиларни 15–20 сониягача ушлаб туриш мумкин, 10 марта гача такрорлаш керак.

5. Мояк ва мояк халтасини массаж қилиш керак: ҳар бир моякни кафтимиз билан бир вақтнинг ўзида, оғриққа ўхшаш ҳолат пайдо бўлгунга қадар сиқиш керак. Буни ҳар куни ёшингиз қанча бўлса, шунча такрорлаш керак.

ҮН БИРИНЧИ ДАРС

1. Бүгімлар машқи*
2. Хаёлан нафас олиш*
3. Ҳиссиётларни машқ қылдариш*
4. Хаёлы машқларнини бирнешіл комплексі*
5. Кашта айланы*
6. Ұт бағы (іккіншіл комплекс)*
7. Қоматты созлаш
(«ұттың құл» тимсолы билан ишлаш)
8. Юздни ёшағтириш үзүн машқ
(ұт босқының иш)

Бизга олдин маълум бўлган машқларимизга қоматни созлаш иши ҳам қўшилаяпти.

1 – 6-бандар бўғинча мустакил ишланиш*

Ҳамма машқлар Ёшлик ва саломатлик тимсолида бажарилади!

Айниқса, бўғимлар машқини астойдил бажарамиз. Аутомануал комплекс, бўғимлар ва умуртқа поғонаси учун машқ, хаёлан нафас олиш ва ҳиссиётларни машқ қылдиришга ўтамиз.

Маятник тамойили асосида ишлаш учун бир неча машқларни танлаб оламиз. Ҳиссиётларни машқ қылдиришда онгли равишда ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда

ўзимизнинг бекаму кўст Ёшлик тимсолимиз устида ишлаймиз.

Бугунги кундан бошлаб тўлақонсизлик комплексни бутунлай бартараф этамиз, чунки «одамлар бўлаётган воқеалардан изтироб чекишимайди, шу воқеага нисбатан ўзларининг муносабатларидан изтироб чекишиади» (Монтень).

Мана шунинг учун ҳар кунги хатти-ҳаракатимизни қайта кўриб чиқиб, унга тааллуқли тузатишлар киритиш мұхим.

Тўлақонли эмасликнинг баъзи бир кўринишлари қуйидагиларда намоён бўлиши мумкин:

- қўрқув, ўзига нисбатан ишончсизлик;
- ўта тортиங்களிக, кўнгли нозиклик;
- қарамлик, одамовилик;
- инфантиллик.

Бу ҳаммаси ўзига нисбатан нотўғри тасаввурга эга бўлиш натижасида вужудга келади. Одам онг ости дарражасида иккита нарсага – оғриқдан қочишига ва лаззат олишга инстинктив интилади. Ўзи ҳақидаги нотўғри мулоҳаза уни йўлдан чалғитади, бу инстинктларнинг тўғри ишлашига халақит беради.

Ўз-ўзини англаш борасидаги амалий ишларни давом эттиринг ва феъл-авторингиздаги етишмаётган ижобий қирраларни ривожлантиришида давом этинг.

Ҳиссиётларни машқ қилдиргандан кейин (ўз хоҳишингизга биноан) сезгиларни силжитиш машқларини бажаринг, сўнгра ўзингизга қисқа танаффус учун имкон беришингиз мумкин.

7. Коматни соъзлаш («уғинни қўғи» тимсоли билан ишлаш)

Ишни бошлашдан олдин хаёлан ўз танангизга назар ташланг ва сиз унда нимани ўзгартиришни хоҳлашингизни аниқ тасаввур қилинг.

Сиз энди сезгиларни «учинчи қўл» тимсоли билан биргаликда ишлатишни, хаёлан тананинг маълум бир қисм ҳажмини ошириш ва камайтиришни амалда си наб кўргансиз. Шундай экан, бажарадиган машқимизда сиз учун деярли ҳеч қандай янгилик йўқ. Лекин уни амалга ошириш учун барча олдинги машқларни бажариш жараёнида ортирган маҳоратингиз керак бўлади.

Бу машқни 15 дақиқа ичидаги бажариб ултуришингиз керак. Ажойиб натижага эришмоқчи бўлсангиз, Ёшлик тимсолида улкан хоҳиш билан ишланг.

Асосий машқقا тайёргарлик.

Тери таранглигини созлаш (қаерда шалвираган тери бўлса, ўша ерда) ва бўғимларни контактсиз уқалаш (ўзи ҳақида сездираётган жойларни).

И+Ж дан бошлаймиз.

Қўлингизни хаёлан яхшилаб иситинг. Иссиқни қўлимиз яхшилаб қизигунча тўплаймиз (худди кир юваёт-гандек). Қизиган қўл тимсоли билан иш бошлаймиз.

Хаёлан ички томондан тананинг танланган қисмига қизиган қўлимизни яқинлаштирамиз ва сезгини оширишда давом этиб, терининг ҳар бир ҳужайрасига И+Ж сезгини қўшамиз, бир вақтнинг ўзида бу жойни «учинчи қўл» билан уқалаймиз.

Шу тарзда бир дақиқа ишлаймиз (ёки бироз кўпроқ), тахминан ҳар 10 сонияда иссиқни кўпайтириб борамиз.

Сўнгра худди шу тариқа совуқ қўл билан Ёшлик тимсолида ишлаймиз. Танамизнинг бутун териси тоза, силлиқ, ёш эканини тасаввур қиласиз. Бу тимсолни, бу истакни кучайтириб борамиз ва натижани совуқ сезги билан мустаҳкамлаймиз.

Давом этиб, бўғимларга ўтамиш. Уларни «учинчи қўл» билан уқалаймиз, ҳозир ва олдин безовта қилган жойларга алоҳида эътибор қаратамиш.

Бир дақиқа давомида бир пайтда «Учинчи қўл» ва И+Ж сезгиси билан ишлаймиз (ёки бир ярим дақиқа мобайнинда), тананинг бу қисмини идеал соғлом деб тасаввур қиласиз.

Тери ва бўғимлар билан ишлагандан кейин, дарров асосий машқларга ўтамиз. Демак, бутун эътиборимизни танамизни ўзгаришишни хоҳлаган қисмига қаратамиз.

Массаж ва сезгилар таъсирини кучайтира бориб, тимсолларнинг ёрқинлиги ва кучини оширамиз. Кетма-кетлик қуидагича:

(тананинг танланган қисмини қиздирамиз (И+Ж);

- а) тананинг танланган қисмини қиздирамиз (И+Ж);
- б) уни «учинчи қўл» билан уқалаймиз;
- в) уни шиширамиз (ҳаво пуфакчасининг тимсоли ёрдам беради. Танланган тана қисмининг ҳажми катта-лашаётганини тасаввур қиласиз, тери эса таранглаша-ди ва силлиқ бўлади);
- г) хаёлан шиширилган қисмнинг ички томондан те-рисини силлиқлаб, текислаб уқалаймиз;
- д) «ҳавони чиқариб ташлаймиз» (тери осилиб қола-ди, аста-секин қисқариб, ҳажм камаяди);
- е) ҳажмнинг қандай камайганини ёрқинроқ тасаввур қиласиз;
- ж) қоматимизни шаклга келтира бошлаймиз («ясай-миз»), уни эҳтиёткорлик билан текислаб, терини ёйиб, ортиқча ҳамма нарсани олиб ташлаймиз, чеккаларига-ча суриб текислаймиз (ёш, силлиқ, тоза, нуқсонсиз таранг терининг тимсоли).

Бу тимсолнинг ёрқинлигини кучайтира бориб, бир пайтнинг ўзида хасталиқдан бутунлай қутилган ўзининг идеал тимсоли билан бир бўлиб кетиш истагини шакллантирамиз;

- з) янги шаклни салқин сезгида мустаҳкамлаймиз;
- и) тананинг бу қисмida эришилган натижаларимиз-ни салқин «учинчи қўл» билан ҳар бир ҳужайрада енгил салқинлик сезгиси ҳосил бўлгунча мустаҳкамлаймиз.

Хаёлан яна бир марта (мамнуният билан) ўз тана-мизга қараб чиқамиз, уни идеал эканини ҳис эта-миз ва бу тимсолни ҳис эта оладиган даражада эслаб қоламиз.

(танани тұлароқ қилиш учун)

Иш жараёни шу тарзда, фақат сезгилар кетма-кетлиги бироз үзгарған:

- а) И+Ж;
- б) «учинчи құл» билан уқалаш;
- в) шишириш;
- г) идеал қоматни шакллантириш;
- д) совуқ;
- е) совуқ билан мустаҳкамлаб, қайд қилиш.

**8. Юзни ёшартыриш үзүү машқ
(үз боскында иштапады)**

Бу машқни ўзлаштириш осон бўлиши учун иш жараёни атайлаб уч босқичга бўлинган. 8-дарснинг тўртта машқи тайёргарлик машқидир. Бугун (кейинчалик ҳам) биз фақат иккинчи ва учинчи кун (9—10-дарслар) машқларини бажарамиз.

1-босқич. 9-дарснинг 1-машқи фақат юз билан чегараланиб қолмай, шу билан бирга бўйин қисмида ҳам ишлаймиз (**И+Ж** сезгилари ўз-ўзидан пайдо бўлгунига қадар).

2-босқич. 10-дарснинг 2-, 3- ва 4-машқлари.

3-босқич. 9-дарснинг қолган олтита машқини, кўз чарчогини бартараф этиш учун шиацу амалини қўллаган ҳолда (10-дарс) бажарамиз.

Барча машқларни ўзингизга нисбатан меҳр билан ҳамда Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида роҳат билан бажариш кераклигини унутманг.

Зарурый эслатма ва маслаҳатлар

Юзни ёшартыриш машқларини бошқа машқлар комплексига киритилса яхши бўлади, лекин уларни алоҳида бажариш ҳам мумкин (бунинг учун энг яхши пайт — эрталаб ёки кечкурун).

Бу машқларни бирин-кетин танаффуссиз Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида бажариш керак (мамнуният, ўзимизга муҳаббат ва миннатдорчилик билан).

Юз терисини машққа яхшироқ тайёрлаш учун қардиом **И** билан бошланг ва уни енгилгина уқаланг. Кейин **И** сезгиға **Ж** сезгини күшганингиз маъқул. **Ж+С** билан ҳам шу тарзда.

Юзни етарли даражада чуқур қиздириш мумкин, лекин ҳамма қисмларини ҳам эмас.

Эътибор беринг, пешонани фақат тери қалинлигиде қиздириш мумкин. Бурун ҳалқумгача, айниқса, тез-тез шамоллаб турадиганлар бўлса (тумов, тонзиллит), бурунни астойдил қиздириш керак. Иягингизни қиздираётганда, милкларингизни, тишларингизни, бутун оғиз бўшлиғини қиздиринг.

Бўйин қисмida ишлатганингизда, эсингиздан чиқмасин, бу жойда тери қопламаси дағалроқ, томирчалар эса юздагига нисбатан камроқ, шунинг учун бу қисмда ишлаганимизда ўзимизга нисбатан сезгиларимизни ёрқинроқ ва шиддатлироқ ишга солишимиз мумкин. Агар сизда қалқонсимон без қисмida муаммолар бўлса, машқ жараённда бу қисмни четлаб ўтиш керак бўлади.

Юз массажини бажараётганда теридаги биронта ҳам ажинни, биронта ҳам букламани ўтказиб юбормасликка ҳаракат қилинг, хаёлан уларни силлиқлаб, тўғрилаб, текисланг.

Юз ва бўйин терисини муздек ҳаводан иссиқ уйга киргандан кейин ловиллаши ёки ҳаммомдан кейин ёқимли қизиб тургандек тасаввур қилинг.

Қандай ёқимли тозалик, софлик туйғулари ҳосил бўлаётганини, қар бир ҳужайра қандай қилиб нафас олаётганини, тери силлиқланиб, ёшариб, юмшок, мулоийм ва табиий соғлом тусга эга бўлаётганини ҳис қилинг.

Сиз энди айнан қандай хоҳлаган бўлсангиз, шундай кўринишга эга эканингизни тасаввур қилинг. Бундай ажойиб ишингиз учун ўзингизни мақтаб қўйишни унутманг.

Савол: Шуғулланиш вақти қанча давом этиши мүмкін?

Жавоб: Ўзингизга қанча зарур бўлиб туюлса шунча. Бугун сизга бу комплексни ўзлаштиришингиз учун кўпи билан 15–20 дақиқа берилади. Кейинчалик эса вақтни 10–12 дақиқагача камайтириш керак.

Юзни ёшартириш машқини уйда, қулай шароитда бажариш кераклигини эслатиб ўтамиш.

Ва охиргиси. Юз учун ҳам, бўйин қисми учун ҳам машқларни «учинчи қўл» тимсолини қўллаган ҳолда И+Ж ва С+Ж сезгилари билан биргаликда ишлаш мүмкін (таксиман ҳар бири билан 2 дақиқа).

ҮН ИККИНЧИ ДАРС

1. Ефимтар машқи*
2. Хаёлан нағас олиш*
3. Ҳиссөттәрни машқ қылдырыш*
4. И+Ж әс С+Ж сөзиншары билан ишлеш*
5. «Ұмытың күл» тимсоли билан ишлеш
(хөдниш бірнің)
6. Җөзни өшартириш үүн машқ*
7. Мұстакил ишлеш дастури
(12 дарс дастуринин ғұлаштириб бүтәндан сүрі
ба машылғышнинг 40-күннеге)

- биринчи икки ҳафталик мұстакил иш режаси
- иккінчи икки ҳафталик мұстакил иш режаси
- қоматни созлаш ишининг кетма-кетлеги
- «учинчи күл» тимсоли билан ишлеш кетма-кетлеги.

Кимдир хурсанд, кимдир хафадир, лекин бугун бизнинг охирги дарс кунимиз. Бу ёғига энди сизни мұстакил иш кутаяпти. Бироқ, у ҳозирнинг ўзіда бошланғанда.

Дарс дастурининг дастлабки олти банди бүйіча индивидуал равишда ишлаймиз. У деярли ўқув курси дастурида мүлжалланғанларнинг ҳаммасини ўз ичига олади.

Агар сиз материални тўғри ўзлаштирган бўлсангиз, бу ёғига сизга тўғри йўл кўрсатувчи компасингиз ички сезингиз бўлади. Услубни ўзлаштиришнинг энг сўнгги мақсади қуидагилардан иборат:

- хасталикнинг келиб чиқиш сабабини излаш;
- хасталикдан чиқиб олишнинг асосий йўлларини аниқлаш;
- тана, онг, қалб ва руҳ уйғунлигига эришиш учун ҳаракат.

Бу бирлашишдаги уйғунлик соғлиқ ва ёшлиқ ҳолатининг айнан ўзи.

1–6-бандалар бўйича мустақил тарзда Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида ишланг.

Энди мустақил ишлашнинг кейинги режаси билан танишинг.

7. Мустақил ишлаш дастурни (12 дарс дастурини эканландан сўни ва машғулотини 40-куннида)

1. Дастурни ўрганиб олгандан сўнг, 2 – 3 кун дам олиш керак ва фақат шундан кейин ўз устингизда ишлашни давом эттиришингиз мумкин. Кейинги босқич умумий ҳисобда 40(+5) кундан ошмаслиги керак.

2. Ҳафтасига 3–5 марта 1-2 кунлик танаффуслар билан машқ қиласиз. Машғулот вақти 20 дақиқа. Шундай қилиб, умумий машғулот вақти кунига 50 дақиқадан ошмаслиги керак (шундан 15–20 дақиқаси бўғимлар машқига).

3. Доимий равишда ўзингизнинг ҳолатингизни назорат қилинг, Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида яшанг. Агар бу ҳолатни ушлаб туролмасангиз, уни сунъий равишида ҳосил қилинг.

Ҳар бир машғулот олдидан албатта керак бўлган ички кайфиятни ҳосил қилинг, бу ажойиб натижа беради.

Кечқурунлари кундаликда ўзингизни руҳий эмоционал ҳолатингизни ва яшаб ўтган кунингизда эришган ютуқларингизни қайд этинг.

Кечқурунги тимсолиј машқларни уйқудан 1–2 соат олдин қилишни маслаҳат берамиз. Ичак ва қовуқлар машғулотдан олдин бўшангандан бўлиши керак. Бўғимлар машқидан кейин албатта душ қабул қилинг. Эрталабки машғулотдан олдин (20–30 дақиқа олдин) енгил нонушта қилиб олиш керак.

Биринчи иккни ҳафтаник мустақил иш рөзаси

Эрталабки машғулот

1. Атомануал комплекс, умуртқа ва бўғимлар учун машқни 15–20 дақиқадан кўп қўлмаймиз. Вақтимиз такрорлашларнинг камайиши (3–5 марта) ҳисобига қис-қаради, лекин бундан сифатга зарар етмаслиги керак!

Агар қаерингиздадир заиф жой қолган бўлса ва сиз буни билсангиз (айтайлик, бўғимлардан қайси биридир ҳали ҳам безовта қиласяпти), шу бўлакка бироз эътиборимизни кўпроқ қаратишимиш керак, у ердаги машқнинг такрорланиш сонини кўпайтирамиз.

2. Ҳиссиётлар билан тўла кўламда ишлаймиз: Маятник, Кечириш машқи ва бошқалар. Ҳаётда ҳам маятник тамойилини қўллаб такомиллаштириб борамиз, ҳар доим Ёшлик ва саломатлик тимсолида бўламиш, ҳатто **И+Ж** ва **C+Ж** машқини бажараётган пайтда ҳам.

Саломатлик ва Ёшлик тимсолисиз ишлаш мумкин эмас!

3. Тимсолиј машқларнинг биринчи комплекси. Сезгиларнинг оёқ-қўллар бўйлаб умуртқа орқали ҳаракатланishi – ҳар сезгида бир марта йўл ўтилади.

Носоғлом («севимли») аъзо орқали 3–5 марта нафас олиш. Агар аъзолар жуфт бўлса, олдин биттаси билан, сўнгра бошқаси билан «нафас оламиш». Вақтсоати билан жуфт аъзоларнинг ҳар иккаласи билан бир вақтда ишлаш мумкин бўлади.

Агар иккита ҳар хил носоғлом аъзо бўлса, олдин биттаси, кейин бошқаси орқали «нафас оламиш».

Сезгиларни тўплаш ва сочиб юбориш – 3–5 марта. «Артиш» ва «спирал» – ҳар бир йўналишда 3–5 марта. «Спирал» ўрамларини кенгайтирган ҳолда (худди «Сершовқин шаҳар»даги каби), албатта учала текисликда ҳам бажарамиз.

Теридаги нуқсонлар билан ишлаш. Ҳар доим тоза, силлиқ, мулойим ва таранг тери тимсолида ишлаймиз. Бу комплекс учун кўпи билан 15 дақиқа ажратамиз, бу вақтни ҳам 10 дақиқагача қисқартириб боришга ҳарарат қиласиз.

Ҳамма машқларни олдин **И+Ж**, кейин **C+Ж** сезги-ларида бажариш мумкин.

4. Иккинчи тимсолий машқлар комплекси. «Уч барг» – ҳар бир сезги учун 1–2 марта тақрорланади.

«Сершовқин шаҳар» – 2–3 дақиқа давомида.

Носоғлом аъзо фаолиятини созлаш учун, Ёшлиқ ва саломатлик тимсолида ишлаб, аъзони буткул соғлом бўлиш истагини кучайтирамиз.

Иккинчи комплекс машқи ҳам 10–15 дақиқадан кўп вақтни эгалламаслиги керак.

Кечки машгулот

Ҳафтасига 3–5 марта бажарамиз:

- Контактсиз гинекологик ва эркаклар учун урологик атомассаж;
- юз ва бўйинни ёшартириш учун машқлар.

Агар гинекологик ва урологик муаммоларингиз бўлмаса, контактсиз массажни профилактика юзасидан ҳафтада 2–3 марта 10–12 дақиқадан ўтказиш мумкин (енгил чарчоқ ҳисси пайдо бўлгунча).

Яна бир марта эслатиб ўтамиз, ҳамма машқлар учун кунига 1 соату 20 дақиқадан кўп вақт кетмаслиги керак, бу вақтни 50–60 дақиқагача камайтириш мақсадга мувофиқ.

Иккинчи иккни ҳафталик мустаҳил иш резжаси

1. Ёшлиқ тимсолининг ёрқинлигини кучайтириб борамиз.

2. Бүгімлар машқини худди биринчи иккі ҳафталик ұажмида ўтказамиз. Ички ҳолатимизни кузатамиз.
 3. Биринчи комплексни тұлалигича бажарамиз.
 4. Иккінчи комплекс: «Сершовқын шаҳар» ва «Уч барғ»ни чиқарып таштаймиз. Фақат (хоҳиши бүйіча) күришни, эшитишни, хаста аъзо фаолиятини созлаш машқулары қолади.
 5. Кечкүрнги машқулар ҳам олдинги ұажмда қолади.
 6. Хаёлан «Учинчи құл» билан уқалаш машқини ба жаришни ҳам құшамиз. Ҳамма машқуларни жуфт сезгилар билан бажарамиз:
- И+Ж** ва **C+Ж**. Идеал мұвоғиқлиқ;
- И+Ж** (ёки томир уриши) + «учинчи құл» тимсоли;
- C+Ж** (ёки томир уриши) + «учинчи құл» тимсоли.

Қоматни соғлаш иштеген көттә-көттәлік

Танани ихчам қилиш үчүн:

- **И+Ж**;
- хаёлан «учинчи құл» билан массаж;
- «шишириш»;
- «шишириш билан массаж»;
- «ҳавони чиқарып ташлаш»;
- фуж бўлиб сиқилиб қолган тери тимсоли;
- қоматни керакли ұажмда шакллантириш («ясаймиз»), (хаёлан терини худди тикувчи матони текислагандай текислаймиз, ҳайкалтарош ҳамма ортиқча жойларини йўниб текислаган сингари тоза, силлиқ, таранг тери тимсолида иштаймиз, ўзимиз интилаётган идеал тимсолни яхшироқ тасаввур қиласмиз);
- салқынлик;
- енгил салқынланган тана тимсоли (**C+Ж** ва салқын «учинчи құл»).

Танани тұлароқ қилиш үчүн:

- **И+Ж**;
- хаёлан «учинчи құл» билан массаж;
- «шишириш»;

- қоматимизни шакллантирамиз («ясаймиз») (худди олдинги машқдаги сингари);
- салқин билан мустаҳкамлаб қайд қилиш (**С+Ж** сезгисини салқин «учинчи қўл» билан биргаликда).

«Учинчи қўл» тимсоли билан ишлаш кетма-кетмизи

Тизимнинг ҳамма машқларида «учинчи қўл» тимсоли билан ишлаш мумкин (ҳатто бу мақсадга мувофиқ), албатта мумкин бўлган жойда (агар бу билан ишлаш сизда яхшироқ ва осонроқ бўлаётган бўлса).

Шу тарзда биринчи комплекс ва кечки машқларни бажариш мумкин. «Учинчи қўл» билан биргаликда **И+Ж** ва **С+Ж** сезгилар жуфтлигининг идеал мувофиқлиги.

Буни қўйидаги кетма-кетлиқда бажарамиз:

1) умуртқа поғонаси орқали оёқ ва қўллар бўйлаб ҳаракатланиш; кўкрак, қорин, бўйин, юзни массаж қиласиз (биринчи йўлни «иссиқ қўл» билан 2–3 дақиқа давомида ўтамиш, кейин – «салқин»да ҳам 2–3 дақиқа атрофифа);

2) терини, бўғимларни массаж қиласиз («севимли» қисмларга алоҳида эътибор қаратамиз);

3) юқорида кўрсатилган кетма-кетлиқда қоматни созлаймиз (саломатлик ва Ёшлик тимсолида ишлаганча хаёлан ўзимизнинг идеал кўринишимизни тасаввур қиласиз, бир вақтнинг ўзида сезгилар кучини ва ёрқинлигини кўпайтириб борамиш, тез-тез, лекин муҳаббат билан «учинчи қўл» тимсолида майнинлик билан ишланади; **И** сезги билан 3–5 дақиқа, **С** сезги билан 2–3 дақиқа);

4) бўйин қисмини, юз қисмини юқоридаги машқда кўрсатилган тартибда уқалаймиз (тахминан 2 дақиқа **И** билан ва худди шунча **С** билан); эътибор талаб аъзо билан қўшимча ишлаймиз (**юрак ва бош мия қисмига тегмасдан!**).

30-машғулотдан кейин (тахминан) биринчи комплексни бажармаса ҳам бўлади.

Қоматни ва терини созлаш устида шуғулланишда давом этамиз, яъни Ёшлиқ тимсолида ишлаймиз, кўзланган натижага эришиш учун диққатимизни кўпроқ юз ва бўйин қисмларидаги ишларга қаратамиз.

Агар сиз биринчи комплексни яна давом эттириш кераклигини ҳис қилаётган бўлсангиз, уни яна беш кунча давом эттириш мумкин, лекин ундан кўп эмас.

$40(\pm 5)$ кунлик машғулот тугагандан кейин албатта 15–20 кун дам олиш керак. Бу вақт оралиғида бўғимлар машқидан ташқари (эҳтиёжга қараб) бошқа машқлар бажарилмайди. Албатта, Ёшлиқ ва саломатлик тимсоли ўзингиз билан қолади, энди у сиз билан бир жону бир тан бўлиши керак.

Бу ёғига энди ихтиёрингиз ва аҳволингиз шароитига қараб ҳаракат қилинг. Сиз, агар ўзингизни безовта қўлган аъзоларнинг фаолиятини тўла тиклай олмадим ёки қоматни созлашда ўзим истаган натижага эриша олмадим, деб ҳисобласангиз, «Тана ва руҳиятни чинқитириш» китобида кўрсатилган «Қонунлар» бўлимидаги машқлардан қўшиб бажаришингиз мумкин.

Кечқурунги машқлардан қоматни, юз ифодасини ва ҳатти-ҳаракатингизни назорат қилишни ҳеч қачон бўшаштираманг.

Ҳамма бошлаган ишларингизга муваффақият, хур-санҷчилик ва омад!

БИЛДИНГИ ДАР	
1. Ўзимнада менинг	
2. Менинг нафада ким	
3. Ҳисобларни чин	
4. Берилган тарақкимни бе	
5. Чинмий тарақкимни бе	
СИҲ Сарфланни сабаби	
6. Н. ж. Саломатлабдаги менинг жони, туплини	
Сарфланни бирга узган тарақкимни сабаби	

жончимни китобни ўқиб чиқдингиз, сиз оларни ташлашга беради. Сизга омади мөнди, яхши мөнди, яхши мөнди, яхши мөнди. Сизга омади мөнди, яхши мөнди, яхши мөнди, яхши мөнди.

Хулоса

Демак, ҳурматли ўқувчи, сиз китобни ўқиб чиқдингиз, 12 та дарсни ўзлаштиридингиз. Умид қиласманки, баён этилган билимларнинг барини ихчам тизимга жойлай олдингиз, энди бу сизга ўз кучингизга ишонишга, ёшлиқ ва соғлиқ томонга биринчи энг муҳим қадамни ташлашга ёрдам беради.

Ишончим комилки, сиз ўз вужудингизда ишга тушмай ётган қанчалик қудратли ҳаётий имкониятлар захираси мавжуд эканини ҳис қилишга улгурдингиз. Лекин бу фақат бошланиши.

Муҳими, сиз ўзингизни англаш йўлидан бориш учун зарур бўлган мўлжални олдингиз. Уйгунлик чўққилари сари интилишингизнинг кейинги натижалари сизнинг сабр-тоқатингизга ва тиришқоқлигингизга боғлиқ.

Ушбу китоб сизнинг бу йўлдаги ишончли ҳамроҳингиз бўлиб қолсин.

Сизга омад тилайман!

МУНДАРИЖА

Муаллифнинг кириш сўзи	3
Кириш	6
БИРИНЧИ ДАРС	9
1. Услуб моҳияти	9
2. Тақиқлар, насиҳатлар ва қоидалар	16
ИККИНЧИ ДАРС	22
1. Бўғимлар машқи	26
2. Хаёлан нафас олиш	45
УЧИНЧИ ДАРС	49
1. Бўғимлар машқи	
2. Хаёлан нафас олиш	
3. Тасаввурни машқ қилдириш	50
4. И, Ж, С сезгилари билан ишлаш	
(И – иссиқлик, Ж – жимирлаш, С – совуқлик)	52
5. Ҳиссиётларни машқ қилдириш (бошлангич босқич) ..	54
ТЎРТИНЧИ ДАРС	56
1. Бўғимлар машқи	
2. Хаёлан нафас олиш	
3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш	
4. Берилган тана қисмларида И, Ж, С	
сезгиларини ҳосил қилиш	64
5. Тозалаш механизмини ишга тушириш	
(жигар ва буйрак билан ишлаш)	67
6. Кўриш қобилиятини ва/ёки эшлишини созлаш	
7. Контактсиз гинекологик аутомассаж	
БЕШИНЧИ ДАРС	72
1. Бўғимлар машқи	74
2. Хаёлан нафас олиш	74
3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш (машқнинг давоми) ..	75
4. Берилган тана қисмларида И, Ж, С	
сезгиларини ҳосил қилиш	78
5. Берилган тана қисмларида И, Ж, С, И+Ж ва	
С+Ж сезгиларини силжитиш	79
6. И, Ж, С сезгиларини носоғлом аъзога йиғиш, тўплланган	
сезгиларни бироз ушлаб туриб, сўнгра сочиб юбориш..	83

7. Чандиқларни йўқотиш (синов ишлари)	86
8. Саломатлик ва навқиронлик тимсоли	92
ОЛТИНЧИ ДАРС	96
1. Бўғимлар машқи	102
2. Хаёлан нафас олиш	102
3. Ҳиссиётларни машқ қўлдириш	102
4. Берилган тана қисмларида И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сезгиларини ҳосил қилиш	103
5. И, Ж, С сезгиларини умуртқа пофонаси орқали қўл ва оёқлар бўйлаб И+Ж ҳамда С+Ж сезгиларини силжитиш	104
6. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси	106
ЕТТИНЧИ ДАРС	114
1. Бўғимлар машқи	119
2. Хаёлан нафас олиш	119
3. Ҳиссиётларни машқ қўлдириш	119
4. И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сезгиларини умуртқа пофонаси орқали оёқ қўллар бўйлаб силжитиш	124
5. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси	124
6. Уч барглар машқи (тимсолий машқнинг иккинчи комплекси)	125
7. Катта айлана («Сершовқин шаҳар»)	132
САККИЗИНЧИ ДАРС	136
1. Бўғимлар машқ	138
2. Хаёлан нафас олиш	139
3. Ҳиссиётларни машқ қўлдириш	139
4. И, Ж, С ва И+Ж ҳамда С+Ж сезгиларини умуртқа пофонаси орқали оёқ ва қўллар бўйлаб силжитиш	140
5. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси	140
6. Уч барглар ва Катта айлана (Катта айланадан ҳам бошлаш мумкин)	142
7. Юзни ёшартириш учун машқ (биринчи иш куни)	142
ТЎҚИЗИНЧИ ДАРС	146
1. Бўғимлар машқи	146
2. Хаёлан нафас олиш	146
3. Ҳиссиётларни машқ қўлдириш	147
4. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси	148
5. Уч барглар	148

6. Катта айлана	148
7. «Учинчи кўл» тимсоли билан ишлаш	148
8. Юзни ёшартириш учун машқлар (иккинчи иш куни)	151
ЎНИНЧИ ДАРС	160
1. Бўғимлар машқи	161
2. Хаёлан нафас олиш	161
3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш (маятник тамойили)	161
4 – 7. Берилган дастур бўйича сезгилар билан ишлаш	161
8. «Учинчи кўл» тимсоли билан ишлаш	162
9. Умуртқа поғонаси орқали оёқ ва қўллар бўйлаб ички аъзоларни, шунингдек, юз ва бўйинни уқалаш)	162
9. Юзни ёшартириш учун машқлар	164
ЎН БИРИНЧИ ДАРС	176
1. Бўғимлар машқи	
2. Хаёлан нафас олиш	
3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш	
4. Тимсолий машқларнинг биринчи комплекси	
5. Катта айлана	
6. Уч барвлар (иккинчи комплекс)	
7. Қоматни созлаш («учинчи кўл» тимсоли билан ишлаш)	177
8. Юзни ёшартириш учун машқ (уч босқичли иш)	180
ЎН ИККИНЧИ ДАРС	183
1. Бўғимлар машқи	
2. Хаёлан нафас олиш	
3. Ҳиссиётларни машқ қилдириш	
4. И+Ж ва С+Ж сезгилари билан ишлаш	
5. «Учинчи кўл» тимсоли билан ишлаш (ҳоҳиш бўйича)	
6. Юзни ёшартириш учун машқ	
7. Мустақил ишлаш дастури (12 дарс дастурини үзлаштириб бўлгандан сўнг ва машғулотнинг 40-кунигача)	184
Хулоса	190

ИЛОВА НОРБЕКОВ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

*Инсоннинг бемор ва баҳтсиз
бўлишига ҳаққи йўқ.*

М.С. Норбеков

Академик Норбеков соғломлаштириш маркази ўзини англаш ва ривожлантириш мажмуйи дастурини таклиф этади.

Машғулотлардан кўзланган асосий мақсад – инсоннинг ўз руҳий ва жисмоний ҳолатига фаол ёндашуви.

Ўзининг интилиши, иродаси, руҳий чиникканлиги билан ҳар ким ҳам саломатлигини, ички ҳолатини, тақдирини ижобий томонга ўзгартиришга қодир.

Тизим асосини устоздан шогирдга узатиладиган асрлар давомида узоқ ўтмишдан мерос бўлиб кёлаётган Шарқнинг кўхна билимлари ташкил этади. Бу билимларнинг англаб етиш учун енгил бўлгандарни машғулотларга асос қилиб олинган.

Бугунги кунда миллионлаб инсонлар Россия, МДҲ давлатлари, Болтиқ бўйи шу билан бирга АҚШ, Германия, Истроил ва бошқа қатор мамлакатлардаги инсонлар соғломлаштириш марказида олган билимлари ёрдамида нафакат саломатликларини тиклаб қолмасдан, ҳаётда ҳам ўз ўринларини топиб, етакчи, омадли инсонларга айланишди.

Тизимнинг 1-2-ўкув соғломлаштириш босқичлари ва маҳоратни ошириш Асосий ўкув курслари 30 йил мобайнида такомиллашиб борган.

Охирги йилларда «Омад устахонаси» ташкил этилди. Бу маҳсус курс ўз устида ишлаб яхши натижаларни кўлга киригтан тингловчиларимизга мўлжалланган.

Ўкув соғломлаштириш курслари, 1-босқич

Курснинг йўналиши инсоннинг табиатида азалдан мавжуд бўлган жисмоний ва руҳий кучларни бошқаришни ўргатади. Курс тингловчилари ташки таъсиirlарсиз ва аралашувисиз ўз муаммоларини бартараф этишни ўрганишади.

Асосий мавзуу: Танани бошқариш ва ўзини тиклаш қобилиятини уйғотиш (ёшариш); соғлиқни тиклаш, юрак қон-томирлари, асаб, эндокрин, сийдик йўли, иммунитет, лимфа тизими, модда алмашуви жараёнининг бузилиши муаммоларини бартараф этиш, кўриш қобилиятини созлаш, эшитиш ва бошқа сезги аъзоларидағи муаммоларни бартараф этиш, операциядан кейин ва шикастланишдан сўнгти асоратларни бартараф этиш, нафас олиш йўли аъзолари ишини созлаш, харакат таянч аппаратини тиклаш, жинсий аъзо

муаммоларини бартараф этиш, юздаги ва қоматдаги нұқсонларни бартараф этиш, шу билан бирга ҳар хил чандиклар, спайкалар, чурралар, стрия (тери ости ситилиши) ва теридаги бошқа хил муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Үқув соғломлаштириш курслари, 2-босқич

2-босқичда 1-босқичдаги билимлар мустаҳкамланади. Касалликнинг келиб чиқиши сабаблари чукур ўрганилиб, уларни бартараф этиш устида ишланади. Саломатлик борасида муаммолар бошқа безовта күлмаслиги, хасталиқдан батамом ҳалос бўлиш учун ҳар бир касаллик билан маҳсус шуғуланилади ва шу билан бирга феъл-автор устида ҳам мақсадли ишланади. Тана кучини жисмонан ривожлантириб, шакллантириб бориш билан бирга шахс сифатлари ва руҳиятни чиниқтириш маҳорати ҳам ошириб борилади. Натижада, инсондаги ноёб қобилияtlар очилиши билан бирга сезгиси (интуицияси) ҳам ривожлана боради.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

Болалар ўқув-соғломлаштириш курслари

Соғломлаштириш курсининг биринчи қисм дастури болаларнинг тасаввур дунёсига мослаштирилган ҳолда олиб борилади.

Кўплаб болалар соғломлаштириш курсларини ўтиб ижобий натижаларни кўлга киритиб, етук, барқамол Шахс даражасига эга бўлиб ўз мақсадларига эришишган. 7 кун давомида фарзандларимиз нафақат соғликни мустаҳкамлаш, балки хиссий-иродавий ҳолатларни тиклаб ҳаёт тарзини тўғри йўлга йўналтириш кўникмасини эгаллашга ҳам муваффақ бўлишади.

Машғулотлар 7 кун 3 соатдан давом этади.

Асосий босқич – Интуиция курси

Академик М.С. Норбеков ноу-хауси

Бу курслар инсонда атроф-оламни англаш ва уни ҳис қила билиш қобилиятини уйғотиб, англаш орқали мушоҳада юритишга, ҳаётини ижобий томонга шакллантира боришга ўргатади.

Асосий мавзу: олдиндан сеза олиш, ҳис эта олиш қобилиятини ривожлантириш, ҳаётини режалаштирган ҳолда унинг оқимига ижобий таъсир эта олиш, асабузар вазиятлардан узоқда бўла олиш, Голиб Инсон қиёфасини шакллантириб борувчи хулқ-авторининг яхши томонини кучайтира бориш. Курс якунида тананинг биологик

ёшаруви, ҳиссиётларнинг ўткирлашуви, ўзаро муносабатларда уйғунликнинг пайдо бўлишига мукофот тариқасида эга бўласиз.

Машғулотлар – 10 кун 4,5 соатдан давом этади.

VIP – дастур

Иши бароридан келган омадли инсонлар учун сара машғулотлар. Машғулотлар 25–30 кишилик кичик гурухларда олиб борилади. Курсларга саралаш асосида қабул қилинади, юқори даражадаги эътибор ва назорат таъминланади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари – М.С. Норбековнинг шогирдлари олиб боришади.

VIP – соғломлаштириш курслари ўқув-соғломлаштириш курслари асосида ташкил этилган, иккинчи босқич соғломлаштириш ва асосий босқич курсининг элементларини ўзида мужассам этган.

VIP – Асосий курс дастури асосий босқич курсининг асосида ҳамда психологик билимлар элементларини ўзида мужассам этади.

Машғулотлар – 10 кун 4 соатдан давом этади.

«Омад устахонаси»

М.С. Норбековнинг муаллифлик курслари

Дастур шахснинг заиф томонини йўқотишга, ҳаётининг 495 томонини шакллантириб боришга ўйналтирилган: бизнесда эришган натижаларни кўтаришга, ички имкониятларини кашф кила боришга, руҳиятини чиникириш, атроф-олам билан уйғунликда яшаш, оиласиий муносабатларни мустаҳкамлаш, феъл-авторидаги кучли томонларини янада ривожлантириш, ўз ҳаётини ижобий шакллантириш қобилиятини ривожлантириш ва бошқа кўплаб масалалар кўрилади.

«Омад устахонаси» асосий курснинг элементларини ўзида мужассам этади. Машғулотларни дастур муаллифи М.С. Норбеков ва унинг энг сара шогирдлари олиб боришади.

Машғулотлар – 10 кун мобайнида 4 соатдан давом этади.

Курсни ўтиб бўлгач, Сиз миллионерларнинг ёпик клубига аъзо бўлишдек ноёб имкониятга эга бўласиз.

«Миллионерлар клуби»

Бу клубга аъзоликка комилликка интилган ҳар қандай инсон даъвогарлик қилиши мумкин.

Асосий мавзу: жисмоний ва руҳий чиникиш, дунёқарашни янада кенгайтириш, ички кучни йиғиш ва кўпайтира бориш, асабийлашишдан сақлана билиш, ўз олдига мақсад қўйиш ва уни сифатли амалга ошира олиш, энг илғор масалаларни танлай билиш қобилиятини ривожлантириш, муваффақиятли вазиятларни ҳосил кила билиш ва бошқа кўплаб масалалар.

Машғулотлар – 1 йил давомида ойига 1 марта 8 соатдан давом этади.

Машғулотларни марказнинг етакчи ўқитувчилари, М.С. Норбековнинг энг сара шогирдлари ва сиз ўзингиз танлаган мутахассислар олиб боришади.

«Кўзнинг кўриш қувватини тиклаш» бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: кўзнинг кўриш қуввати пасайиши сабабини топиб бартараф этиш, Шаркнинг кўхна билимларига асосанган кўришни яхшилаш ва тиклаш услубини эгаллаш, шулар асосида кўришни созлаш, барча ички аъзолар ва тананинг бутун тизими билан қўшимча ишлар олиб бориш.

Асосий мавзу: кўриш ва эшитиш нерви атрофияси, узокни ва яқинни хира кўришни бартараф этиш, катаракта, глаукома, астигматизм ва ҳ.к. Шу билан бирга гипертония ва гипотония, томирларнинг варикоз кенгайиши, остеохондроз, ички аъзолардаги ва тана тизимида бошка кўплаб муаммоларни бартараф этиш устида ишланади.

Машғулотлар 5 кун 4 соатдан давом этади.

«Эшитиш қобилиятини тиклаш» бўйича қўшимча машғулотлар

Мақсад: эшитиш қобилиятининг пасайишига ва йўқолишига олиб келган сабабларни топиб бартараф этиш, эшитиш қобилиятини созлаш, бутун тана ва ички аъзолар билан қўшимча машқлар олиб бориш.

Асосий мавзу: эшитиш нерви неврити, нейросенсор гаранглик, Менъера касаллиги, юқумли касалликлар ва лат ейишдан кейинги асорати бўлган эшитиш қобилиятининг пасайиши (йўқолиши) ва шу кабилар.

Машғулотлар 7 кун 4 соатдан давом этади.

«Бахтли оила» курслари М.С. Норбековнинг оиласидаги ўзаро муносабатлар мавзудаги маъruzalarга асосланади

Мақсад: оиласи самимий мухит яратиб, бир-бирини қўллаб-куватлаш ва хурмат қилишни ўрганиш.

Асосий мавзу: эркаклик ғурури, оиласи етакчилик, интим муомала, болалар тарбияси, ота-оналарга нисбатан кечиримли бўлиш.

Курс эркак ва аёлларнинг бир-бирига эҳтиёжи борлигини тушунишга ёрдам беради, кўплаб тушунмовчиликларга сабаб бўладиган эркак ва аёлнинг дунёқарашидаги фарқни англаб етишга,

эр-хотин ўртасида ҳурмат бўлиши кераклигини тушунтиришга қаратилган. Уйланмаган ва турмушга чиқмаганларга оила қуришга ҳамда бахтли оиласив ҳаёт кечиришга йўллантирилган.

Машғулотлар 10 кун давомида 4 соатдан давом этади.

Бизнинг марказда таълим олиш учун ёшининг аҳамияти йўқ. Марказимизнинг эшиклари барча учун очик, ким қалбан қаримаган бўлса, кимки орзуларининг рўёбга чикишига ишонса, асрлар давомида тўплланган донишмандлик йўрикномасидан фойдаланишга тайёр бўлса, марҳамат.

«Умуртқа поғонасини тиклаш» бўйича қўшимча машғулотлар

Ҳозир умуртқа поғонангиз қай ахволда? Сизнинг 5–6 см ўсишингиз учун, кайфиятингиз аъло бўлиши учун, танангизнинг ҳамма аъзолари Швейцария соатидек ишлаши учун ўзингизга атиги 15 дакика ажратсангиз кифоя. Мазкур курсда биз сиз билан бажарадиган машқлар оддий бадантарбия эмас, жисмоний тарбия ҳам эмас. Улар – умуртқа поғонасини асл ҳолига келтириш учун ишлаб чиқилган маҳсус ҳаракатлар. Бу машқлар умуртқалараро ҳалқаларнинг жой-жойида туриши учун, қадам ташлашингиз балетчиларник сингари енгил бўлиши учун, хотирангиз ҳам аввалги ҳолатига кайтиши учун, дунё нақадар гўзал эканлигини хис этишингиз учун ҳам керак.

Машғулотлар 5 кун 3 соатдан давом этади.

ДИҚҚАТ! Янги лойиха! Интернет орқали М.С. Норбеков услуги бўйича машғулотлар ўташнинг ноёб имконияти

Масофадан ўқитишининг муаллифлик дастури, тингловчилар билан юзма-юз олиб бориладиган дарсларнинг сифатидан ҳеч қолишмайди.

Асосий эътибор: ҳар бир тингловчига ўзига хос ёндашилади. Сиз етакчи ўқитувчилар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш имконига эга бўласиз. Шахсан М.С. Норбековнинг ўzlари билан ҳам аудиконференцияларда, гурухларнинг ёпиқ форумларида, электрон почта орқали ва ICQ (индивидуал ёзишма) олиб боришингиз мумкин.

Курсада ўқув-методик материал интернет-таълим учун маҳсус мослаштирилган. Курснинг асосий маҳорат услуги баёни ёзилган аудиоёзув. Ўқув-таълим учун видеоматериал, М.С. Норбековнинг маърузалари.

Интернет-курсларимизда ҳам аудиториялардагидек машғулотлар олиб борилади. Бу ҳақда қўшимча маълумотларни электрон почтамиз орқали олишингиз мумкин: info@norbekov.uz.

Батрафсилик маълумотлар олиш учун

Академик М.С. Норбековнинг Ўзбекистондаги согломлаштириш марказига мурожаат қилинг.

Мурожаат учун телефонлар:

8 (371) 276-28-89; 276-44-59, (95) 195-65-97

www.norbekov.uz

e-mail: info@norbekov.uz



Қадим Шарқнинг инсон табиати ҳақидаги билимларига асосланган «Ўз устингда ишла!» китоби сизга ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғайишнинг ноёб услубини таклиф этади.

Бу китоб навқиронлик ва саломатлик йўлига етакловчи йўлкўрсаткичdir. Унинг ҳар бир саҳифасида кўрсатмалар берилган бўлиб, улар ёрдамида сиз ташқи таъсир ва аралашувларсиз соғлиғингизни тиклаб, танангизни ёшартириб, хотирангизни мустахкамлашга, айни пайтда дунёқарашингизни кенгайтириш, матн

орасида беркинган маъноларни англаш орқали эса табиатан берилган яширин қобилиятларингизни уйғотишга эришасиз.

Шу топда эслаб кўринг, сизни нима безовта қиласди, хавотирга солади?.. Булар соғлиққа доир муаммоларми ёки яна бошқа бирон нарсагами – аҳамиятсиз.

Ишончингиз комил бўлсинки, сиз бу йўлда ёлғиз эмассиз. Мирзакарим Норбеков услубининг бир неча ўн йиллик фаолияти давомида ундан фойдаланганлар сони икки ярим миллиондан ошиб кетди. Шундай экан, ўз устида ишлаш натижасида муаммоларига оптималь ечим топишга эришган инсонлардан сиз биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмассиз.

Ва бу шунчаки гап эмас, бу – амалий тажриба.

Услуб жуда уйғунлашган, содда, ўзлаштириш учун енгил ва айни пайтда жуда самарали ҳам. Айнан шу сабабдан жаҳон миқёсида унга кизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Қалбан навқирон, орзузи руёбга чиқишига ишонган, минг йиллар давомида тўпланган донишмандликдан баҳраманд бўлиш истагидаги инсонларнинг ҳаммаси учун бу ЙўЛ очик.

Китоб мухлислари бутун дунёда 40 миллиондан ошди...

ISBN: 978-9943-987-94-4

9 789943 987944